

Ойдин ҲОЖИЕВА

Пўрт танҳо

Кўнгил ривоятлари

Зулфия, Музайяна Алавия, Саида
Зуннунова, Кибриё Қаҳҳорова
билин ўтган кунлар



Тошкент
«O‘zbekiston»
2013

УУК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6
X-59


- Ўзб. араб.

Хожиева, Ойдин

Х-59 Тўрт танҳо: кўнгил ривоятлари: Зулфия, Музайяна Алавия, Саида Зуннунова, Кибриё Қаххорова билан ўтган кунлар / О. Хожиева. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 152 б.

ISBN 978-9943-01-998-0


УУК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)6



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013.

Бахтим шул - ўзбекнинг Зулфияси.ман

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова
ҳақида эсдаликлар



УСТОЗ ҚАНОТИДА

Устозимиз Миртемир Зулфияхонимни «тонг куйчиси» деб атаган эдилар. Дарҳақиқат, Зулфияхоним номи, шахсияти, шон-шуҳрати табиатнинг яшариш фасли – баҳорга ва умрнинг му-наввар тонгиға бир ховуч нурдай тулашаверади.

Зулфияхоним деган латиф ва дилбар исм менинг болалик шу-уримга кириб келганига 50 йилдан зиёд вакт ўтди. Мактаб партаси-да эканимдаёк бу нафосатли, ўқтам шоиранинг «Салом сизга, эрк-парвар эллар!» шеърини ёд олиб, иштиёқ билан саҳналарда айтган-ман. Тошкентга ўқишига келганимда бу азим шаҳарнинг файзли бир гўшасида Зулфияхоним деган нурли, сехрли инсон яшашини, аёллар учун чоп этиладиган «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида бош мухаррир бўлиб ишлаётганини билардим. Бу муқаддас даргоҳга бо-ришига, дунёга таникли шоира сўзларига мұяссар бўлишга интилар-диму, юрагим дов бермас эди...

1963 йил. Сентябрь кунларининг бирида мени ушбу таҳри-риятта чақириб колишди. Байрам мушоираси ёзилиши керак экан. Таникли шоиралар Саида Зуннунова, Эътиборхон Охуно-ва, Гулчехралар қаторида мени ҳам мушоирага айтишганидан суюниб кетдим ва ҳаяжондан довдираф колдим. Барчамизга 20 сатрдан шеър ёзишни тайинлашди. Шеърни битиб, ийманибгина таҳририятга келдим. Ўша пайтда журналнинг фидойи, машхур фотомухбири Борис Мизрохин (уни Мирзо Охун дейишарди) бизни суратга ола бошлади. Бир пайт эшик очилиб, баланд бўйли, хушсуврат, ўқтам, кошлари калдирғочнинг қанотидай, назокат-ли Зулфияхоним кириб келдилар. Бизларни зеҳн билан кузатиб, кўзлари билан эркаладилар. Менга алоҳида меҳр билан бокиб, кўлимга қалам тутқазиб кўйдилар. «Сиз қалам билан тушинг, – ат-лас кўйлакда эканим уларга маъқул келди шекилли, – доим шун-дай чиройли бўлиб юринг», – деб кўйдилар...

Ўша биринчи учрашувдан сўнг мени журналхонлар билан ижодий кечаларга таклиф кила бошлиши.

1963 йил. Кузнинг сохир кунлари. Офтоб майин нур сочади. Ҳаюда сокин хаёллар кезади. Куз одатда Зулфияхоним учун учрашувлар, муҳлислар билан мулокотлар, юбилейлари ўтадиган фасл эди. Ана шундай файзиёб кезларда Зулфияхоним ўқиган хотин-кизлар техникумига учрашувга бордик. Йиғинда таҳририят ходимлари – ўша пайтларда танилган ёзувчи Марва Жалолиддинова, журналистлар Ҳулий Юсуфжонова, Роза Сайфиевалар ва устозимиз Озод Шарафиддинов ҳам катнашиши.

Зулфияхоним минбарда сўзлаганида, шеър ўқиганида юзларидан нур ёғилиб, кўзлари юлдуздай порлаб кетарди. Шеър сатрларини ўқтам овозда, дона-дона қилиб, бироз эркалик билан, бироз нозланиб, суюмли бир алфозда ўқирдилар. Тингловчиларига меҳр, эҳтиром билан назар ташлар, юрагидаги меҳр-муҳаббат, эҳтиром, оналик туйгулари билан уларни эркалаб-эркалаб, ўзига мафтун қилиб сўзларди шоира... Ўшанда Зулфияхоним менга алоҳида илтифот билан караб, сўнг залга нигоҳ ташладилар.

– Мен икки Ойдин ўртасидаман. Бири муҳтарам устозим Ойдин Собирова... Бири умидли, суюкли шоирам Ойдин Ҳожиева.

Шунда роса карсак бўлиб кетди. Билмадим, балки ана шу ишонч, меҳр-муруват юрагимда катъият, катта мақсад, баҳтга интилиш туйғуси бўлиб, мени ойдин-ойдин йўлларга олиб чиккандир.

... Ўша кунлардан бошлаб «Ўзбекистон хотин-кизлари» журнали азим шаҳарда менинг маслаҳатгўйим, таянчим бўлиб колди.

1963 йил, декабрь. Ўзбекистон телевидениясида журнал ҳакидаги кўрсатувга мени ҳам таклиф килиши. Шеърларимдан ўқиб бердим. Ўша кўрсатувдан сўнг Уйғун домла шоир Барот Бойқобилов орқали мени сўраттирибдилар. Зулфия Йўлдошева деган талаба опам билан уйларига бордим. Уйғун бобо 1953 йилда Бўстондаги учрашувда ўзларининг шеърларини ўқиб берганимни эсладилар, университетда ўқиётганимдан суюндилар ва «Ёш ленинчи» (хозирги «Туркистон») газетасига ок йўл ёзив бердилар. 1964 йилнинг ёзида пеърларим газетада босилиб чиқди.

* * *

1965 йил, май ойи. Университетни битиргач, яна Зулфияхонимнинг хузурларига бордим. Тошкентда колиб, ишлаш истагимни айтдим. Ўша пайтлари матбуотда шеърларим пайдар-пай чиқиб, ок йўллар берилиб турган эди.

Зулфия опа озгина сукут сақлаб турдилар-да, «Шарқ юлдузи» журналига қўнғирок қилдилар. Масъул котиб шоир Шуҳратга мен ҳакимда гапириб, мактадилар. Бир пайт менга караб, Ойдинжон, чиқиб тулинг, мактовимдан эсанкираб колманг тағин, дедилар...

Шундай килиб, устознинг тавсияси билан 1965 йил 1 июлдан журналнинг назм бўлимидаги адабий ходим сифатида иш бошладим, сўнг бўлимни бошқардим, бу қадрдон адабий жамоада 11 йил меҳнат килдим.

Шу йилларда ҳам доимо Зулфия опанинг меҳрини ҳис килиб турардим, журнал жамоаси ҳам менга ишониб, маколалар буюртма бера бошлади.

1967 йил, ёз ойлари. «Шарқ юлдузи»да ишлардим. Ироқи дўппи кийиб, узун соchlаримни иккита қилиб ўриб, ташлаб юрардим. На-войй кўчасидаги 30-уй биносида «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали билан идорамиз ёнма-ён эди. Бир куни Зулфия опанинг ўринбосари Холида Ахророва мени хоналарига олиб кирдилар. Сизни ўзгартирамиз, дедилар. Гулчехра опа икковлари узун соchlаримни оркага йиғиб, бир пасда турмаклаб кўйишиди. Накшлари долчин рангли ёғочдан ишланган катта кўзгу бор эди. (Дарвоке, шунча йиллар ўтса ҳам, ўша кўзгу ҳануз энг ноёб бисотдай сакланади «Саодат»да). Бирпасда ходимлар йиғилишди.

«Ана энди яхши бўлибди. Сочингизни турмаклаб юринг», денишиди. Шу орада Зулфия опа ҳам кириб қолдилар, ёқимли жилмайиб, ярашибди, дедилар.

— Энди талаба эмассиз, катта журналда ишлайсиз, ўзингизга караб юринг, — дедилар устоз.

Катта хонадондаги каби самимият, меҳрибонлик, ҳарорат сезардим хотин-қизлар журналида.

1969 йил. Ёзувчилар учун қурилган уй тақсимланаётган эди. Мен у пайтда ҳали Ёзувчилар уюшмаси аъзоси эмас эдим. Тузалиб,

оёқка туришим, кўлимга қалам олишим даргумон, 5 йил зах, совук ижара уйларда яшаш ўз кучини кўрсатган эди. Шунда Зулфияхоним Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшинга кўнғирок қилиб, вазиятни тушунтирибдилар. Лекин устозимга квартиralар таксимланиб бўлганини айтишибди.

Марказкомнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири, адабиёт мухлиси Оқил Умрзокович Салимовга кўнғирок қилишга мажбур бўлибдилар.

– Ёш ёзувчига уй берилмаса, кимларга берилади, – дебдилар.

Кутилмаганда хужжатларимни суриштириб қолиши, масала тезгина ҳал бўлди. 1970 йилнинг бошларида Марказ-І даги уйнинг 9-қаватидаги З хонали квартирага кўчиб ўтдик. Азиз устозимнинг буюк ҳиммати билан ватанлик бўлдик. Бу воксанни мен кейинрок бошкалардан эшиздим, опанинг ўзлари буни менга ҳеч қачон айтмаганлар.

1970 йил, ёз ойлари. Зулфия опанинг қошига бордим. Анча гурнглашдик. Устоз бирданига сўраб колдилар:

- Нега уюшмага аъзо бўлишга ҳаракат қилмаяпсиз?
- Қандай бўларкан? Тавсиянома берасизми? – дедим.
- Жоним билан, – дедилар ва уч кунда тавсия ёзиб бердилар.

Устоз Миртемир, Шухрат, Ҳамид Фуломлар ҳам ёзиб беришиди. 1971 йилнинг августида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига кабул қилиндим.

ТАВСИЯ

Мен Ойдин Ҳожиевага Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб кириш учун тавсия бераман. Жаҳонда энг катта ва илгор адабиёт бўлган бизнинг адабиётимизни бойитувчилар, яратувчилар қаторига ўз асарлари билан жуда дадил кириб келган Ойдин Ҳожиева шу сафнинг чинакам бир ҳалқаси эканига ўзи ҳам оқибат ишонч ҳосил қилиши керак. Бу ишончни Ойдиннинг қалами жуда тез ўзига йўл топган китобхон муҳаббати багишлади. Бу санъат демакдир.

Ойдиннинг илк шеърларидан тортиб, ҳозирги кунгача ўтган ижодий йўли жуда қисқа дейшишимиз мумкин, негаки ҳаёт ва ижод йўлининг ҳали ҳаммаси олдинда, келажакда. Лекин ўша ўтилган

ҳали кичик йўлда ўқувчи аниқ, теран, қайноқ туйгуларга тўла, салмоқли, тиниқ фикрларни, энг қувончлиси, ана шу ҳис-туйгу ва фикрлар аниқ, ёрқин образли ифодаланган шеърларни териб олади, уларни севиб, ўзиники қилиб олади. Демак бу шеърлар ҳақиқий шоир асари.

Ойдиннинг «Шабнам» шеърлар тўплами унинг илк китоби. Лекин бу китоб яхши китоб, ҳақиқий шеърият тўла юрак ва қалам маҳсули. Кишида шодлик ва фикрлар, ҳис ва ҳаяжон уйгота биладиган ёш қаламнинг нафис ва тоза, шаффоф ва теран қўшиги, қўшиқни истеъдод эгасигина тўқииди.

Ойдиннинг бу китобдан кейин ёзилган шеърлари ҳам икки мажсума қилиб нашириётга топширилди. Мен бу китоблардаги шеърларнинг кўпчилиги ва «Келинчак» достони кундалик матбуот саҳифасидан чиқиб, аллақачон шеърият муҳлисларининг юрак йўлдоши бўлиб қолганидан воқифман ва бениҳоят шод, магурман.

Ойдин ва унинг тенгкўрлари бўлган қизларимиз ижоди ўзбек адабиётимизда салмоқли экани ўта ифтихорли. Буларнинг ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди, ҳар бирининг ўз қўшиги, ўз услуби, рангин қалами бор. Жуда кўп ва жиоддий меҳнат қиласиган камтаринларидан бири Ойдин, албатта.

Ойдин шеърни яхши ёзади, шеърни яхши таржима қиласади, шеър ва шеърият ҳақида яхши фикр юритади. Бу меҳнат ва фазилатнинг ҳаммаси соғ дил ва ёшлик завқи билан сугорилган, ҳаётни севиш ва уни куйлаш, халқни севиш ва унга хизмат қилиши оташи нурлантирган ижод маҳсули.

Ойдиннинг ҳаёт ва меҳнат майдони – ватани шеърият, адабиётдир. У бу шеърият майдонисиз ўзини тасаввур қилолмайди. У қаламни қўлда маҳкам тутган, бу унинг халққа хизмати, ҳаётдаги яшаш маъноси бўлиб қолган – демак у ҳақиқий шоир.

Ойдинни ҳаёт, кенг ўтмиши ва келажаги билан ҳаёт яратишга чақиради, қўшиқ, ижод, дард ва шодлиги, китобхон ташналиги, маданиятимиз ривожи учун хизмат қилиши истаги муттасил қалам тебратишга даъват қиласади. Биз уни ўзимизнинг катта сағимиз, ЁЗУВЧИЛАР ЮЮШМАСИГА аъзо қилиб қабул қилиб олишимиз унинг ўз ижоди кучига ишончини мустаҳкамлайди, бутун

адабиёттимиз, халқымиз олдидағи бурчини, масъулиятини янада ўткирлаштиради. Мен Ойдинни адабиёт захматкашлари сафига – уюшмага қабул қилинишига севинч ва ифтихор тұла дилдан тавсия қиласынан. Биламан, ишонаман, бу меҳнаткаш ёш қаламнинг камолоти жуда яқин. Оқ йүллар, катта-катта довонлар, ёрқин уфқлар уни кутади ва бу йүлни Ойдин Ҳожиева меҳнат ва истеъдоди берадиган, бизнинг ишонч берадиган ижод мевалари билан түлдіриб боради.

ЗУЛФИЯ,

Ўзбекистон халқ шоури.

3.08.1970.

КҮНГИЛ КҮНГИЛДАН СУВ ИЧАР

1970 – 1975 йиллар мен учун оғир келди. Қизалогим ёш, саломатлыгым унча тикланмаган, шу кайфият шеърларимда ҳам акс этарди. 1973 йилда биринчи рўзгорим барбод бўлди. Зулфия оға энг машаққатли дамларимда тушибимга кирап, сухбатларини қўмсаబ борар эдим. У киши мени доим очиқ чеҳра билан кутиб олар, шеърларим ҳақида фикр билдирап, ўз ҳаётидаги ҳижрон дамларидан сўйлаб, менга таскин берардилар.

– Ойдинжон, ҳали ёшсиз, ҳаётингизнинг энг қувончли йиллари олдинда. Ҳадеб ҳижронзада шеърлар ёзиб, чиқараверманг. Тақдирингиз ўзгариб кетса, турмуш қурсангиз, уялиб қоласиз. Менинг йўлим бошқа. Мен ўз тақдиримни ҳеч кимга раво кўрмайман.

Шундай деб, устоз елкаларимдан қучиб, юзларини юзларимга қўйиб, узоқ турардишлар. Хушбўй нафаслари, онадай куюнчаклигидан баҳра олардим. Кетма-кет мақолаларим, шеърларим, маржис-маларимни «Саодат» эълон қила бошлиди. Ўша йиллари устоз ўз сайданмаларининг 2-китобини совга қилдишлар.

«Ойдинхон! Шеърият ва илҳом ҳамиша Сиз билан, мен Сизга ҳақиқий аёл баҳтини, севгизи, покиза аёл тақдирини тилайман. Зулфия 18.07.1975».

1976 йил, октябрь. Опанинг ҳузурларига бордим, бу сафар журъат килиб, иш сўрадим.

— Ишингиз яхши-ку! Катта адабий журнал бўлса... – дедилар.

— Ҳамма эркак ходимлар ичida бир ўзим ишлагим келмаяпти, – дедим маъюсланиб.

— Тушунарли. Лекин мен қаттиккўлман, сафарларга чикасиз. «Шарқ юлдузи»да шоира бўлиб танилдингиз, биз энди сизни журналист қилишимизга тўғри келади.

Дарҳакикат, «Саодат»да хаёт қайнар, Зулфияхоним ходимлари билан баравар меҳнат қиласар, материалларнинг таҳририни кўрсангиз, шудгор, дердингиз.

Биринчи маколам «шудгор» бўлгач, хафа бўлиб, аразладим. Устоз хоналарига чақирдилар.

— Маколангиз ёмон эмас. Лекин лирика кўп. Бу ижтимоий-сиёсий журнал. Аниқ фактлар, таҳлиллар, холосалар керак бизга... Мен билан муносабатингизни бузар экансиз, нега ишга кирдингиз бўлмаса? Бунака аразчи бўлманг, зътиrozни тўғри қабул қилишни ўрганинг...

Бу гаплар менга сабоқ бўлди. Зулфияхоним чиройли, сипо кийинганни яхши кўтар, ўзлари ҳам басавлат, вазмин кийиниб юрардилар. Улардан журъатни, ўқтамликни, интизом, муомалани ўргана бошладим.

Зулфияхоним илк шеърларимдан тортиб, «Болалик» достонимгача ўқиб, ўз фикрларини айтиб, гоҳ мактаб, гоҳ койиб, гоҳ эркалаб, йўл-йўрик кўрсатиб, доимо онадай меҳрибонлик қилганлар. Баъзи достонларим чикқанида кўнгиллари тўлмаган жойларини айтиб, мен бундай сатрларни ёзмаган бўлардим, деб кескин фикр ҳам билдирардилар...

«Саодат» журналида 1976–1985 йилларда улар билан 9 йил ёнмаён ишладим. Бу йиллар мен учун ҳақиқий хаёт мактаби, маҳорат, тажриба сирларини ўрганиш даври бўлди. Одамлар билан муомала-муносабат, ўқувчига ҳурмат-эҳтиром, устозларга ихлос ва садоқат, кийиниш маданиятидан тортиб, ўз қадрини ҳимоя қилишгача – ҳамма-ҳаммасини Зулфияхоним мактабида ўргандим.

* * *

Зулфия опа менга кўпинча Ойдинжон, Ойдинхон деб сўзланардилар. «Ойдин» – десалар бир нарсадан кўнгил тўлмаганикни, «Ойдин Ҳожиевна» – десалар, сал ўзингизни босиб олинг, маъносини укардим.

Бир куни янги пальтода, сувсар телпак кийиб ишга бордим. Қизлар Зулфия опага етказишибди. Дарров хонамга кирдилар:

– Қани, Ойдинхон, янги пальтони кийиб кўрсатинг, телпакни ҳам.

Мен хурсанд бўлиб, кийиб кўрсатдим. Устозга ёқди шекилли, эркалаб, елкамга қоқдилар.

– Ҳамма лиbosларингиздан яхши бўлибди. Шундай юринг. Олифтахон-ей!

Суҳбатларимиз кўпинча иш чегарасидан чиқиб, ҳаётий мавзуларга кўчиб коларди. Устозлар, Ҳамид Олимжон ҳакида иштиёқ билан, меҳр билан сўзлардилар. Ҳамид Олимжоннинг шеърларидан ёд ўқирдилар, мен ҳам кўшилардим.

Баъзан Зулфияхон опа дилгир бўлиб колсалар, Насимахон Юспова (бўлим мудири) менга, Ойдинжон, ёнларига сиз киринг, деб у кишининг хоналарига йўллардилар. Шеър, суҳбат, азиз кишисининг ёдидан устознинг кайфияти бирданига яхшиланар, ҳамкасларимиз ҳам қувнаб, очилиб юришарди.

Катта мушиоралар, адабиёт байрами, пушкинхонлик кечаларига устозим албатта мени ҳам рўйхатга кўшар, кайси шеъримни ўкишни, қандай либосда чиқишимни, саҳна маданиятини ўргатардилар. Бундай анжуманларда албагта Зулфияхоним раислик килардилар.

1977 йил, ёз. Шоира қизлар «Саодат»га йигилдик. Шунда қизлардан бири Иброҳим Ғафуровдан сўз очиб қолди.

– Сизга шундай бир олийжаноб, маърифатли киши керак-да, опа, – деди бири менга юзланиб.

– Ўйлаб кўриш керак. Бундан муносиброк номзод йўқ, – дедилар Зулфия опа. – Лекин Сизга уйланиб, яна бизни унутиб юбормасинлар...

Ярми ҳазил, ярми чин айтилган бу гапларга фаришталар «омин» деган экан, тақдиримиз кўшилди...

1980 йил, 8 апрель. Онам дунёдан ўтдилар. Навоийга жўнадим. Баҳор, ҳаммаёк гулга бурканган чароғон кунлар онамдан айрилиқ юрагимни ўртаб юборганди. 11 апрель куни Бўстондаги ҳовлимизга «Саодат» журналининг бўлим мудири Роза опа Сайфиева кириб келдилар. Зулфия опа мендан кўнгил сўраб, таъзия билдириш учун атайлаб Роза опани жўнатибдилар. Қариндошлар, опаларим бенихоя миннатдор бўлишди...

Тошкентта қайтганимдан сўнг, Зулфия опа ёнларига Холида Ахоровани олиб, уйимизга келдилар, таскин бериб, кўнглимни кўтардилар. Бундай меҳр-окибат, чин инсоний фазилатлар Зулфия опани дилимга яна хам яқин қилган эди.

1985 йил. Зулфияхоним нафақага чиқдилар. Шу йилнинг августида мен «Гулхан»га Бош муҳаррир бўлдим. Устоз суюндилар.

1988 йил. Устоз кизим Малоҳатхоннинг тўйида иштирок этиб, ғоят самимий сўзлаганлари, набира кўрганимда ҳайдовчилари орқали чиройли совғалар юборгандари доимо эсимда туради.

1992 йил. Менга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилган куни эрталаб кўнғирок қилиб табриклидилар:

– Ойдинжон, Сиз бундай унвонга жудаям муносибсиз. Ҳузурини кўринг. Оғзингизни тўлдириб, халқ шоириман, деб юринг!

Бу сўзлардан жону жаҳоним ёришиб кетди. Устоз ўз шогирдларининг ютукларидан севинишни, фахрланишни яхши кўрардилар.

– Иброҳимжонга турмушга чикиб, фикрингиз очилди, ўсдингиз, шоира ва шахс сифатида камолга етдингиз, – дер эдилар таъкидлаб.

Ииллар ўтаверди...

1994 йил. Мени «Саодат» журналига Бош муҳаррир этиб тайинлашди. Устозим бсхад севиндилар. Ўша йили мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ордени – «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар.

1994 йил, декабрь. Вазирлар Маҳкамасида мукофот топшириш маросими бўлди. Президент Ислом Каримов Зулфияхонимга орден топширарканлар, шоира чексиз самимият, оналарча меҳр билан у кишининг елкасидан кучиб, пешонасидан ўпдилар ва ихчам, ёркин сўз айтиб, «Халқимга айтар сўзларим» шеърини ўқиб бердилар.

Хурсанд бўлиб, чакнаб эшикдан чикиб келаётган азиз устозимни табриклишга ошиқдим. Устозим мендан аввал бағрини очиб, янги вазифам билан табрикладилар-да, чиройли гулдасталарини менга совға килдилар... Узбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Зулфияхонимнинг ҳиммати, меҳрини кўриб, у киши ҳам гулларини менга тутқаздилар. Шоиримизнинг кўксига ҳам «Дўстлик» ордени яркираб турарди.

ДУР КАБИ НОЁБ

1976 йил. «Саодат» журналига янги ишга ўтган кезларим. Навбатдаги сонга икки-уч ёш шоираларнинг шеърларини тавсия этгандим. Ишга келсанм, столим устида бир даста шеърлар: таҳрир ҳам қилинган, мисрама-мисра таҳдил этилган, саҳифаларда савол аломатлари...

«Ойдинхон! Бу қизлар шеър нима эканлигини яхши тушунмайдилар! Улар ҳали осмонларда юрибдилар. Ердаги меҳнатдан, ҳаётдан мутлақо хабарлари йўқ. Бундай шеърларни менга тавсия этманг!»

Дарҳақиқат, бу шеърларда нуқул – «осмон», «вафо», «хижрон» каби сўзлар «бачкилаб» кетган эди. Ўта куни Зулфия опа билан сухбатимиз узок чўзилди. Рухим ниҳоятда енгил тортиб, шеърият ҳакидаги ҳали ўзим билмаган сирларни билиб олдим. Ўз шеърларимга ҳам бошқача назар билан карайдиган бўлдим. Ўшанда устоз ниҳоятда самимилик ва меҳрибонлик билан ижод ҳакида сўйларканлар, дарҳақиқат, шеърнинг заҳмати улуғ эканлигини яна такрор англағандим. Мана шу туйғу билан шеърларни қайта ўқиб ва янги-янги кирраларини топиб, шеърдаги ҳикмат ва ҳакиқатларни ҳаётдан излайдиган бўлиб колдим.

Шунда ҳар бир асар шоирнинг ёки ёзувчининг эътиқоди меваси, катта ҳаётий тажриба ва изланишлари самараси эканлигини ҳис эта бошладим. Устознинг қаттиққўллиги, синчков назари шогирд учун накадар қадрли ва зарурлигини англағандим.

Одатда Зулфия опанинг тортмаларида бирор асар узок колиб кетмайди. Яхши асар бўлса, эртасига ёк кўнғирок килиб табриклай-

дилар, ё албатта муаллифига мактуб ёзадилар. Бу мактублар шоирона фахр, ҳаяжон билан, кўнгилни кўтарувчи, янги асарлар ёзишга ундовчи олийжаноб сўзлар билан тўла бўлади.

Бир куни шеърларимни ўқиб, журнал учун танлаб, қолганларига ўз фикрларини ёзиб қўйибдилар. Аввал ютукларимни таъкидлаб, сўнг шундай дедилар:

— Мана бу шеърни, сизнинг ўрнингизда мен бўлсан, ёзиб ҳам ўтирамсадим. Ҳаётда балки бундай ҳодисалар бўлгандир, лекин бу ҳол шеърга предмет бўла олмайди. Агар ҳамма нарса сиз тасвирлангандай бўлаверса, ҳаётда яшаб бўларми? Мен ёрқин, жасоратли шеърларни яхши кўраман. Дардда ҳам ёрқинлик бўлади. Фақат уни кўра билиш керак.

Журналнинг бир сони юзага чиқкунича қанча режа тузиш, андоза, корректура, таҳрир жараёнлари бўлиб ўтади. Бош маколаю хикоядан тортиб, журналнинг сўнгги саҳифасидаги икки-уч жумладан иборат «пазанда маслаҳати» гача ҳаммасини ўқиб, назардан ке-чирғанларини кўриб Зулфия опанинг меҳнаткашлигига, масъулият туйғусининг юксаклигига ҳавасимиз келарди.

Журналга оқиб келаётган минглаб мактубларнинг қарийб бар-часида Зулфия номи зикр этилади, шоирдан маслаҳат, йўл-йўрик сўраганлар жуда кўп.

Зулфия каби олийжаноб, тиниб-тинчимас, ўзини тамоман элу юрт қайғуси, севинчи билан тирик деб билгувчи улуғ санъаткоргина ижодкор шахсdir. Унинг ҳароратли, камалак рангларидек хилма-хил шеърларида нимаики эзгулик бўлса, инсонпарварлик, ҳаётсеварлик шуълалари бўлса – ҳаммаси мана шу бедор юракдан, ўқтам ва меҳнаткаш шоира Зулфиянинг ҳаётидан, кундалик турмуш тарзидан зарра-зарра бўлиб, сехрли бир олов бўлиб ижодига ўтган, десам янглишмайман. Зулфия шеърларида «кўшик» сўзи кўп учрайди. Бу бежиз эмас. Кўшик – юракка яқин сўзларнинг инсон тилига кўчган ҳаёти. Кўшикнинг қаноти бўлади. Уни бирор йўлда куйласа, бирор чашма бўйида, бирор меҳнат авжида куйлади. Кўшик дарё каби оқиб юради. Шамолдай эсиб ўтади. Кўшик йўлга ўхшайди – инсонни уфқларга тортади, тоғларга кўтарилиб боради,

дарё бўйларига элтади, из тушимаган маконларга инсон билан бирга бораверади. Яхши шеър ҳам шундай, доимо ҳаракатда. Яхши шеърни ёзиш эса мушкул.

Эмиш, баҳор ёмғирлари фасли келганда, дарё бўйида чиганоклар ёмғирга оғиз очармишлар. Улар илиб олган ёмғир томчиларининг мингтасидан бири – дур бўлармиш, қолганлари эса – марварид. Шу сабабли ҳам дур ноёб ва кимматбаҳо аталармиш. Бу эҳтимол афсонадир. Лекин, мен Ўзбекистон ҳалқ шоири Зулфиянинг шеърларини ўша ягона-ягона дурга жуда-жуда ўхшатаман.

МАЛИКАДАЙ УЛУҒВОР, ОНАДАЙ МЕҲРЛИ

Вақти келиб ён дафтарлар ҳаётингнинг бир булагига, умринг кўзгусига айланиб қолар экан. Суҳбатлар, учрашувлар, мушоиралар, анжуманларда сен билан бирга бўлган дўстларинг, устозларинг, дугоналарингнинг чехралари ён дафтарнинг саҳифаларидан чиқиб келаверади. Улар юрагингга нур бағишлайди, кўнглингни тўлдиради, ўтган йўлларингга ёруғлик сочиб туради. Устоз Зулфия билан ёнма-ён ишилган йилларим, дилдан суҳбатлар, сирлашувлар менинг учун ана шундай ноёб бир тухфа бўлиб қолган. Кундалик дафтаримни варажтайман. Зулфияхонимнинг иссиқ чехраси, самимий сўзлари, аслзода қиёфаси, меҳрибон нигоҳлари жонимга малҳам бўлади.

1982 йил, 8 июнь. Ҳар йили рус шоири Пушкиннинг таваллуд кунига бағишлиланган шеърият кечалари бўлиб ўтади. 7 июнь куни «Баҳор» концерт залида устоз Зулфияхоним пушкинхонлик кечасини бошқардилар. Зал одамлар билан тўлган, сахна чиройли безатилган, улуғвор ва сипо либосларда Зулфия анжуманнинг маликасига ўхшардилар. Ўзбекча ва русча олиб борилган пушкинхонлик кечаси жуда файзли, марокли ўтди. Шоиралар Гулчехра Жўраева ва Ҳалимаҳон Пушкин шеърларидан ўқишиди. Ҳар бир шоирга сўз бераркан, ниҳоятда гўзал лутфлар билан уларни сахнага чорлар эди Зулфия опа. Ўша куни тишлари оғриса ҳам оғриқли кайфиятларини мутлако сездирмай, пушкинхонлик кечасини

бошкардилар. Эртаси куни ишга келдилар ва хоналарига ўтаётиб, менинг хонамга мўраладилар. Гулчехра Жўраева ва Шаҳодат Иса-хоновалар билан сұхбатлашиб ўтирган эдик. Зулфия опа биз билан сўрашдилар, киринглар, соғиниб кетдим сизларни, дедилар. Устоз ҳузурида анча гаплашиб ўтиридик, шеърлар ўқидик, ҳаммамиздан ҳол-аҳвол сўрадилар. Мен зарур бир дорини тополмаётганимни айтдим. Дарҳол дорихоналар бошқармасига қўнғирок килдилар. Чукурсойдаги дорихонада бор экан, машиналарини юбориб, олиб келтириб бердилар. Энди яхши бўлиб кетасиз, деб тасалли бердилар. Мен устознинг бу меҳрибончилигидан кўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат дейишимни ҳам, қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай анча муддат жимиб қолдим. Узок тополмай юрган доридан муолажа бошлаб, ўзимни анча яхши сеза бошладим.

1982 йил, 10 июнь. Зулфия опа зарталаб ишхонага келиб, беларус шоираси Эди Оғнецветдан таржима қилган «Тасаввур этмам» сарлавҳали шеърни кўчиртиридилар. Кейин Максим Танкнинг «Янка Купала ҳайкали қаршисида» шеърини (ўзлари ўзбек тилига ўтирганлар) ҳам кўчиртириб, қайта кўриб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига бердилар. Тишлари безовта қилаётган экан, бокка бориш олдидан докторга ўтсаммикин, деб отландилар. Озгина дам олай, мана бу кунлар (пушкинхонлик) мени анча толиктириди, дедилар. Зулфия опа ҳар куни боғдан тарам-тарам чиройли олмаларни саватчага солиб, биз учун олиб келардилар. Бизни хурсанд, баҳтиёр, чиройли кўрсалар, суюниб, мактаб, кўнгиллари тўлиб хурсанд бўлиб юрардилар. Кўп шеърларини сахарда ёзганларини айттардилар. Аслида Зулфия опа қуш уйқу эдилар. Кўпинча уйқу дори билан ухлардилар. Яхши ухламасалар ҳам доимо ўқтам ва кўркам киёфада ишга келардилар.

– Маним барча дардларим, қайғуларим – ҳаммаси уйда қолади. Остонадан қадам босиб чиқишм биланок бошқа Зулфияга айланаман, – дердилар.

Бетобликларини, нохуш кайфиятларини атрофдагилар сезишини хоҳламасдилар.

Зулфия опа андак ғамгин, нохуш кўринсалар, биз дарров Ҳамид Олимжондан сўз очардик. Унинг шеърларини ёд айта бошласак, Зулфия опа Ҳамид Олимжон шеърларидан ёд айтиб, сухбатимизни қизитардилар, қайфиятлари кўтарилиб, Ҳамид Олимжон ҳакида яйраб-яшнаб сўз очардилар. Бир куни ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг «Сарвиноз» ҳикоясини тайёрлаб олиб кирдим. Зулфия опа ҳикояни ўқиб маъкулладилар. Ундаги йигит образининг нимасинидир Ҳамид Олимжонга ўхшатган эдилар.

– Биз Ойдин опа ва Ҳамид Олимжон билан бирга театрга ёки учрашувларга борсак, у кишига эшилтириб: «Ҳозир Ҳамид Олимжон эшикни очиб, бизни ичкарига ўtkазиб юборадилар... Ҳозир Ҳамид Олимжон пальтоларимизни кийдириб қўядилар...», – дер эдик. Ҳамид Олимжон ёш боладай қувониб, оппок тишлари чараклаб куларди-да, бизни олдинга ўtkазиб юборар, пальтоларимизни кийдириб қўярди. Одамлар Ҳамид Олимжондай мағрур йигит шунчалар мулойим тортиб, гапга кирадиган бўлиб колганига ҳайрон бўлишарди...

Қишилари яхмалак отишга чикиб турардик. Ўшанда Ҳулкар туғилишига озгина колган. Яхмалак учай десам, учолмайман. Шунда Ҳамид Олимжон, кани, хоним, ўтиринг, менинг пальтоимдан ушланг, мен сизни чана тортгандай яхмалак учираман, дер эди. Қийкириб, шодон бўлиб яхмалак учар эдик. Ҳамид Олимжон жуда меҳрли, сезгир ва ниҳоятда топқир инсон эди. Бир куни зиёфатга бордик. Баланд пошнали туфли кийиб олганман. Юришга кийналаман. Қайтаётганимизда юриш яна ҳам машақкат бўлиб кетди. Шунда Ҳамид Олимжон, кани, хоним, туфлингизни ечиб менга беринг, мана буни кийиб олинг деб, туфлисини ечиб оёғимга кийдириб қўйди. Мен Ҳамид Олимжоннинг катта туфлисини кийиб, у эса ялангоёқ уйга кайтганмиз...

Ҳаётининг бу қувончли, завқли лаҳзаларини опа кўзлари ёниб, юзлари ёришиб, худди ўша ҳолатни қайта бошидан кечираётгандек ҳузурланиб сўзлардилар. Балки, мана шу лаҳзаларнинг сўнмас ёди Зулфияга то сўнгти нафасигача куч-кувват, малор, сабр-токат бергандир...

1983 йил, 1 июль. Республика мизнинг жуда кўп жойларида шоира Жаҳон отин Увайсийнинг 200 йиллик юбилей тадбирлари бўлиб ўтди. Зулфия опа юбилей комиссияси раиси эдилар. Фарғонада, Шоҳимардонда, Марғилонда бўлиб ўтган увайсийхонлик кунлари файзи, шукуҳи Тошкентга кўчди. «Баҳор» концерт зали саҳнасида халқимизнинг суюкли, таникли олиму шоирлари жам бўлганлар. Зулфияхоним худди юлдузлар буржидаги энг ёркин юлдуздай чараклаб тўрда ўтиради. У малла рангли, ҳошиялари сарик ипак билан тикилган каштали кўйлакда маликаларга ўхшаб кўринарди. Опанинг теграсида булбул овозли Ҳалима Носирова, таникли оли-малар Музайяна Алавия, Суйима Ғаниева, Маҳбуба Қодирова, Эътиборхон Иброҳимовалар чиройли бўлиб тизилишган. Кечанинг расиси Зулфия шоирларга, хонанда кизларга илтифот ва назокат билан сўз берар, ғазаллар шеърларга, ашулаларга, сўзларга уланарди. Кеча файзга, сурурга тўлиб бораарди. Мен ҳам ушбу кечада Жаҳон отин Увайсийнинг «Мандин ўрганди» радифли ғазалини ўқидим. Устоз аруз вазнида жуда кам ёзсалар-да, бу кеча Увайсийнинг «Замона кулфатидин бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди» ғазалига татаббу килиб ёзган «Тоғ ўлди, тоғ ўлди» радифли мухаммасни ўқиб бердилар. Мухлислар ҳаяжон билан тинглашди, узок олқишлиашди. Азиз ҳофизамиз Ҳалима Носирова кеча бошланиши олдидан шогирди Максадхон Юнусовага Увайсийнинг «Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти, гуфтора» матлаи билан бошланувчи ғазалини ўргатдилар. Максадхон бу ашулани шунчалар маромига етказиб куйладики, «Баҳор» концерт залининг шифтлари зириллаб кетди. Максадхон ашула айтаркан, Ҳалимахоним ҳам бармокларини карсиллатиб унга кўшилиб, ўтирган жойларида хиргойи килиб бердилар. Назаримда, ўша ғазалхонлик кечасида нафакат Увайсий, балки Зебуннисобегим, Нодирабегим, Анбар отин ва Дилшод Барноларнинг руҳлари шод бўлди. Ғазал ва куйнинг оҳангидан диллар сел бўлди. Кўнгилларга ҳаёт шавқи ва завқи тўлган эди. Зулфияхоним бошкарган ҳар бир анжуман, шеърият кечаси шундай марокли, бетакрор ва файзли ўтар эди.

Зулфияхоним дўстларига, устозларига, яқинларига нихоятда меҳрибон ва садокатли эди. Уларнинг қийин-қаттиқ кунларида, ях-

ши-ёмон лаҳзаларида ёнида бўлишни, кўнглини кўтаришни яхши кўарди.

1983 йил, 31 октябрь. Жамоат арбоби Шароф Рашидов вафот этдилар. Зулфия опа ўша куниёк Шароф отанинг уйларига кетдилар. Кутимаган ноҳуш хабар опани жуда изтиробга солди. 2 ноябрь куни дафн маросими бўлиб ўтди. Биз мухаррир хонасида телевизор кўраётган эдик. Зулфия опа хорғин кириб келдилар.

— Охирги дақиқаларда юрагим кўтартмади. Қабрга тупрок ташлашларини кўришга чидамим етмади. Омонжон олиб келиб кўйди, — дедилар.

Ўша кунлари биринчи маротаба бошларига кора рўмол ўраганларини айтдилар. Зулфия опа Шароф Рашидовнинг азасида оиласига икки кун ҳамдард, ҳамсұхбат бўлиб турғанларини сўзлаб бердилар. Хурсанд Faфуровна тушларида туфлисини йўқотганини, ҳеч ким топиб беролмаганини айтибди. «Нукул жizzахликлар йиғилиб, чапак чалишди, ўртада нима бўлаётганини билмайман, эртасига мана шу иш бўлди», — дебдилар Хурсандой опа.

— Шароф Рашидовнинг қариндошларидан бири, укажонгинам, Шарофиддинжон, деб йиғласа, Хурсанд Faфуровна, «Шарофиддин» деган тилларингиздан ўргилайн-а, — дерди...

... Зулфия опа шу гаплардан сўнг диванда бир соатча дам олдилар, чой ичдилар, тил остига дори ташладилар. Ҳамид Олимжоннинг вафоти кунларини яна бир карра эсладилар.

— Шароф Рашидович Ҳамид Олимжоннинг видолашувида доимо бирга бўлганди. Ёнма-ён юриб, таскин берганди. Тушларимни айтиб бергандим у кишига. Дунё шу экан-да, энди бўлса Хурсанд Faфуровнага мен мадад бўлиб турдим. Ҳеч қачон ўзини бундай ғариб, ёлғиз сезмаган бўлса керак, — дедилар.

Бир оз ўзларига келгач, уйга телефон килинг, дедилар. Хулкар опа уйда экан, хавотирланиб, «койим қалайлар?», — деб сўради. Яхши, дедим. Зулфия опа йўл анча тескари бўлса ҳам машинада мени уйга ташлаб, сўнг ўзлари ўтиб кетдилар. Кўпинча ишдан кетаётгандаридаги фариштадай бўлиб хонамга кирап, сұхбатлашиб ўтирас ва «Ойдинжон, кетасизми?», — деб сўрадилар. Мен ийманиб жавоб берма-

сам, қани бўлинг, мен сизни уйингизга ташлаб, кейин ўтиб кетаман, дердилар оналарча меҳрибонлик билан. Бундай меҳрибонлик, лутф шунчалар самимий, шунчалар инсоний эдики, беихтиёр онанинг меҳри, куюнчаклигини хис қиласарди киши.

1984 йил, 14 сентябрь. Ойбек таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Наим Каримов опанинг ҳузурига келганида, Ойбек ҳақида сухбат бўлди. Зулфияхоним Абдулла Қаххор, Ойбек ва Шайхзодаларни ниҳоятда ҳурмат қиласар, ўзларини уларга шогирд хисоблар, эҳтиром билан улардан сўзларди. Ойбекнинг сўнгти сафари ҳақида сўзладилар. Сухбатнинг бир учи Шайхзода гага уланди.

— Шайх аканинг вафоти менга каттиқ таъсир қилди. Бордим. Сакина хоним маҳзун бўлиб қолган. Шайх акага тикилиб бутун фикр, бутун даҳолик унинг пешонасига йиғилганми, деган хаёл ўтди. Ҳайратга тушдим ўшанда. Муздек пешоналаридан ўпдим. Бетобликларида саватчага чиройли мевалар териб, Шайх акага юбориб турардим. Жуда меҳрибон аёл экансиз, деб ёзган хатлари бор. Агар умрим етса, ўша хатга жавоб ёзаман. «Кечиккан мактуб» бўлади сарлавҳаси. Ажабо, доно одамларнинг ақли шу ерга (пешонага) йиғилар экан-да. Одамлар ўлгандан кейин энг ноёб нарсамизни йўкотганимизни билиб коламиз, — дедилар Зулфия опа ўкинч билан.

Зулфия опа кардош мамлакатларда, жаҳоннинг барча давлатларида катта анжуманларда катнашар, минбарларда сўз айтар, шеър ўкирди. Ҳамиша ёнларида Шарқнинг буюк олимлари, шоирлари азим чинордай уни паноҳида олиб юришарди. Фафур Гулом, Мирзо Турсунзода, Мустай Карим, Ойбек, Абдулла Қаххор, Миртемир... Уларни Зулфияхоним катта оғаларидай ҳурмат қиласар, эъзозлар, мухаббат ва эҳтиром тўла сўзлари билан алқар эди.

Ўзи улуғларга ҳурмат кўрсатиб, иззатини жойига қўйган одамларгина эл ичра обрў-эътибор, шону шухрат топадилар ва шогирдларининг меҳри, соғинчидаги яшайдилар. Зулфияхоним ҳам ана шундай буюк устоз макомига зришган, шону шухрат аршига кўтарилиган ва мангаликка дахлдор бўлиб қолган ёркин сиймолардан биридир.

ЕЛКАЛАРИГА СЕМУРҒ ҚҮНГАН ШОИР

Зулфияхоним зътикоди событ, иродаси мустаҳкам Инсон эди. 1991 йилда Ёзувчилар уюшмаси иккига бўлиниб кетди. Бир канча адиблар ҳар хил харакатларга, ташкилотларга бир-бир кириб чиқишиди. Зулфияхоним ҳеч қайси гурухга рўйхуш бермади. У ғийбатни, бирорнинг нуксини айтиб гапиришни ёмон кўрарди. Ҳар кандай вазиятда ҳам сипо, олийжаноб, вазмин тутарди ўзини. Кўнгли гўдакникидай нозик, тез яраланар, бирорга билдирамас, кек сакламас эди. Ҳеч қачон хоҳолаб каттиқ кулмас, нимтабассум билан жилмайиб кўярди.

1990 йил, 19 май. Ҳамид Олимжонга пойтахтда ҳайкал ўрнатилди. Майдонча чиройли, баҳаво, безанганд. Ҳайкалда шоир ёш, илҳом оғушида, олдинга талпинган ҳолатда. Елкаларига учта семурғ қуши кўнган. Нихоятда нафис ҳайкал. Сарвар Азимов, Одил Ёқубов, Расул Гуломовлар тасмани киркишиди. Менга ҳам сўз беришиди, шоирнинг гўзал шеърларидан ўқидим. Таникли шоирлар, ёзувчилар самимий дил изҳорларини баён қилдилар.

Кундузи Зулфия опани кўргани «Чимкент» кўчасидаги уйларига бордим. Ёлғиз эканлар. Анча сухбатлашдик. Опа юбилей тантаналаридан хурсанд эдилар. Иброҳим Ғафуровнинг Ҳ. Олимжон хақидаги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да чиқсан «Мунис хол ва шарпа» маколоси жуда маъқул келибди. Зулфия опа бир таникли кекса олимдан хафа бўлиб гапирдилар: «Ҳайкалнинг елкасига куш кўнгани нимаси? Қўллари ҳам эгри» дебди у киши.

– Бу – семурғ қуши. Бу қуш ҳамманинг ҳам елкасига қўнавермайди. Кўпларни четлаб ўтади. Қўли ҳам худди Ҳамид Олимжонники. Унинг қўли тўғри бўлган. Эгри бўлмаган! Қўйинг! Шундай кунда ҳам маколаларингиздаги каби кир изламант, – дебдилар Зулфия опа.

Яна, у кишини хафа килиб кўйдим, деб хижолат чекдилар кўнгли пок устозим.

Ҳозир бу майдон Ҳамид Олимжон номи билан аталади. Шаҳарнинг энг кўркам, гавжум масканига айланган.

МАСЪУД ОНЛАР

Мен уни юрагимда шеър куртаклаган кезлари топгандайман. Кенг пешонали, жайрон кўзли, соchlари чиройли турмакланган мулоим нигоҳли сиймо – китобдаги Зулфия сурати мени сеҳрлаб олган эди. Барча кизикувчан, содда, бегубор ўсмирларга ўхшаб унга ҳавас килганман, хаёлан хатлар битганман. Уни бирор марта кўриш насиб этармикин, деб орзулаганман.

Зулфиянинг шеърияти, шахсияти, унинг шуҳратга ва халк меҳрига чулғанган умри не боис бу кадар мафтункор? Шу ҳақда кўп ўйлайман.

Ноёб чашмаларнинг сувидан бир ҳовуч иссангиз, таъми оғзингизда колади, қайта-қайта унинг зилолидан баҳраманд бўлсам, дейсиз. Зулфия поэзияси шундай чашмага ўхшайди. Ундаги баҳтнинг олий замзамаси сизни юксакларга олиб учади. Инсон дардининг ларзали, долғали лаҳзалари қалбингизни остин-устун килиб юборади. Баҳтини ўзингизники каби қабул киласиз, бошингиз кувончдан айланиб кетади. Дардидан маҳзун хаёлларга ботасиз-у, лекин аста-аста жонингиз исий бошлайди, унинг кечинмаларида яшай бошлайсиз. Юрагингизнинг аллақаерларида ёнмаган чироклар ногоҳ порлаб кетади. Жаҳонингиз ёришади. У куйлаган дардда некбинлик, ҳаётга, одамларга муҳаббат бор. У – сизнинг қачон-қачонлардир кечирган ғалаёнли дамларингиз ифодаси. Ҳижрон кечаларида унинг сувратига топиниб, шеърларидан таскин топган, матонат дарсини олганлар бу шоирани «Садоқат куйчиси», деб эъзозлайдилар. Зулфия лирикасидаги самимият, ростгўйлик, ўкувчига нисбатан эҳтиром туйғуси бениҳоя кучли, шу боис муҳаббат ҳақида у не деса, ҳаммаси ярашиқли. Унинг қалами сўйлаганларига ўкувчи ишонади, ўзиники каби қабул киласи.

Бир пайтлар «Мехру ишкинг» номли туркум лирик шеърларими ни тинимсиз эълон кила бошладим. Улар орасида майда, ўткинчи, маҳдуд хис-туйғулар ифодаси бўлганлари кўп эди. Бир нечасини «Саодат»га олиб келдим.

– Биласизми, Ойдинжон, шеърдаги туйғу бир лаҳзалик, оний бўлса ҳам, у узоқ йилларнинг башорати бўлиши зарур. Катта, ёркин гапларни қоғозга туширмак даркор. Шеър зинҳор бир киши учун ёзилмайди. У фактат ўз «ҳасратнома»нгиз бўлиб қолса, бу энди поэзия эмас-да! Ҳафа бўлманг, сизга тўғрисини мен айтмасам, ким айтади? Сильва Капутикиянни ўқинг. Кимларнингдир изтироби, ўйлари, ўртанишини хаёлингизга пайванд қилиб юбормасангиз, у кўпчиликнинг дардига айланолмайди. Инсон келажак учун яшайди. Мехнат килади. Шеър эса ҳар доим олдинда юриши керак. Яшашга, меҳнат қилишга, йўлда учраган машақкат ва тўсикларни енгиб ўтишга ўргатиши лозим!

Бу гапдан кўнглим оғримади, аксинча, жуда зарур маслаҳатни устоздан ўз пайтида зиштганим мени теран фикрлашга ўргатди. «Етти ўлчаб бир кесадиган» бўлишга ҳаракат кила бошладим.

Билсам, шеърият инсондан кучли маънавиятни, бардошу чидами ни талаб қилас экан. Шошма-шошарлик, ёзилган нарсанинг сиёхи куримасдан туриб, нашрмада-нашр югуриш аввало ижодкорнинг ўзи учун зарар экан. Шоиранинг шеър дафтарига кўзим тушганида шу маънода катта бир ибрат кўраман. Мажлисларнинг президиумларида, ишхона, шифохоналар, саёҳатларда битилган шеърлар. Оддийгина идора дафтарида қайта ёзилган, ўчирилган, тузатилган, устидан чизик тортилиб, сахифа оркасида қайта тикланган, дафтар ҳошияларига тизилган бандлар... У шеърлар бошланган кун билан сўнгги нукта қўйилган вакт орасида баъзан йиллаб масофа ётади. Нихоят шеър окка кўчирилади. Шунда шоиранинг чараклаб кетган кўзларида ҳали ҳам илҳомнинг олови, файзи мафтункор бир жозиба бағишлиб турганини кўп кўрганман. Бундай кунлар опа: «Юринглар, шеър ўқиймиз», дейди. Барчамизни хонасига таклиф этади...

Шеър! Сен бунча моҳир элчисан! Бунча дилкаш сухбатдошсан! Бунча кадрдон дўстсан! Зулфия опа янги шеърини ўқиган кезла-ри оҳанрабо хушхаво кайфият кезади ишхонамиизда. У шеър ўқиб бўлгач, имтиҳон олдидаги ўқувчидай ҳаммамизни бехад камтарин-лик билан кузатади, фикримизни сўрайди...

Қулоғимда унинг «Рашқ» шеъридаги мардана, самимий саволи жаранглайди:

*Халқ қалбидай бир гўзал шеърга
Етариқан ҳеч қачон кучим!*

Қанийди, бу савол ҳаммамизнинг ҳам дилимизда бот-бот так-порланиб турса! Шунда биз эълон қилаётган шеърлар орасида хом-хатала, икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашлари камрок бўлармиди...

– Ҳар бир ўкувчи қалбida бир шоир яшайди. Ҳар бир инсон ўзича шоирона оламга эга. У қўлига қалам олиб, бирор сатр шеър ёзмаган эса-да, адабиётни, сўзни нозик тушунади. Шунинг учун ҳам бундай муҳлисларга ҳар кандай пала-партиш тизмаларни тақдим этиш одобдан эмас. Бу масъулиятсизлик ва ўзини иззат қилмаслиkdir. Масъулият, талабчанлик – санъаткор учун бош мезон, – дердилар устоз.

Зулфиянинг матбуот юзини кўраётган асарлари мана шу ақидага биноангина нашрга тавсия этиларди.

Хизмат юзасидан, ҳам бурч эътиборан кўпинча ёш шоира-ларнинг асарларини устоз билан биргаликда ўқиймиз. Бир-икки сўз билан шеърнинг рухи, йўналиши ўзгариб, чақнаб кетади. Кутлибека, Муҳтарама, Дилбар Ҳамзахўжаеванинг туркум шеърларини тайёрлашда шундай чақнаб кетган мисраларга гувоҳ бўлганман.

– Мана бу шеърни мен шоира сифатида қабул қиласман. Лекин, муҳаррир сифатида – йўқ. Образлари жуда чиройли. Аммо жуда маҳзун, ғамгин. Ўкувчига, халққа тақдим этилажак шеърларни зийрак кўз билан таҳrir қилиш зарур. Шоир аввало ўз Ватанининг бир фарзанди. Курашchan гражданин. Унга сўз айтиш хуқуқи берилгани – мислсиз шараф. Катта жавобгарлик ҳам. Сен билан сукунатда яккама-якка коладиган китобхоннинг синчков кўзларини унутмаслик керак! Албатта, китобхон энг яқин сирдош, дилдош, лекин унинг олдида майдалашиб кетмаслик керак, – дейдилар Зулфия опа ҳар галги сұхбатларида. – Гинаю аразлар,

ишкій мажароларни элга достон қиласверишдан тийилиш даркор. Ёшлардан гражданликни талаб қиласверинг. Хар бир босилган шеър ижод йүлини танлашда сабок бўлсин. Менинг шундай шеърларим борки, уларни ўқисам, ўзимга ачиниб кетаман. Уларни ҳеч кимга кўрсатганим ҳам йўқ... Ишларман... Кейин эълон киларман... – Унинг кўзларида хаёл титрайди. Бокишларида шеърий олов тафти живирлагандай...

Шундай дақикаларда унинг Ҳамид Олимжон билан бирга тушган суврати кўз ўнгимда жонланади. Палак. Палакнинг кашталари чодир-чаман. Ҳамид Олимжон оппоқ кителда. Бир кўлини тиззага тираган. Мағрур, хиёл жилмайган. Ижоди, хаёти барқ уриб гуллаган камолот ёшида. Гўё хозир гумбурлатиб шеър ўқий бошлайди. У билан елкама-елка атласдай соchlари силлиқ таралган, навниҳолдай Зулфия турибди. Ҳаёлчан. Маъсум. У сўзнинг инжа хаёлларига фарк. Рафикининг овозини тинглаётгандай... Шу нозик елкаларга қулаган ҳижрон тоғи қанчалар залворли эди! Даҳшатли эди! Бу баҳайбат, қора ҳижрон тоғи юқ кўрмаган елкаларни эзib ташлай олмади! Бу ғам-андух билмаган соз кимдан қувват олди? Бу елкаларга қандай улуғ қудрат мадад бўлган эди?

*Бахтиёр севгини қўйларди созим,
Ўлим ҳанжарига тегдию синди.
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим,
Наҳом, лириканинг ёлқини тинди!*

Зулфиянинг таянч тоғи – халқи, устозлари, сафдошлари, дўстлари. Унинг бардоши «Куяман-у, бўлмайман адo», леб ёзганида қанчалар ҳақ, қанчалар севимли, қанчалар ардоқли...

Шоира ёшлар шеъриятини дикқат билан ўқиди. Уларнинг кашфиёт даражасидаги гўзал мисраларини қайта-қайта такрорлашни ёқтиради:

«Мақсада Эгамбердиеванинг китобчаси чиқибди. Ўқидим. Тасвирлари бирам нозик. Гаплари лўнда-лўнда. Майин қалами менга жуда ёқди. Мириқиб ўқидим».

Яхши шеър ўқиганида ҳаяжонланиб кетади у. Үмуман, ёш авлод билимдон, катта нафас билан келаётганидан суюниб гапиради.

Ёзувчилар уюшмасида шоиранинг дўстлари, сафдошлари, шогирдлари йигилишди. Унга «Мехнат Қахрамони» унвони берилгани муносабати билан кутлашди. Шунда Зулфия ёш ижодкорлар ҳақида шундай қимматли фикрлар айтдилар:

— Мен ёзувчиларнинг бахтиёр авлодига мансубман. Мен кириб келган адабиётда Ҳамид Олимжон, Ойбек, Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Ғайратий, Миртемир каби сўз заргарлари тер тўкиб меҳнат килаётган эдилар. Усмон Но-сири, Амин Умарий, Султон Жўра, Зафар Диёр каби таникли шоирлар билан бир сафда хизмат килганим – менинг бахтим. Ана шу эътиборли, янги, курашchan адабиёт майдонида устозларим, дўстларим меҳрига суюниб, ишониб ижод килдим, камол топдим. Менинг ишончимга, меҳримга устозларим, дўстларимнинг бирортаси заррача раҳна соглан эмас. Устозларнинг ҳар сўзи бизлар учун муқаддас бўлган. Уларнинг мақтовини, сийловини ҳам, койишини ҳам жон деб тинглардик. Биз улардан энг яхши анъаналарни ўзлаштиридик, уларнинг йўлини давом эттиридик. Устозлар билан шогирдлар, бугунги ёшлар ўртасида шундай яқинлик, меҳрибонлик, давомийлик бўлишини истайман.

Мен ўзим кўтарилиган ҳар бир зинада устозлар назари барҳаёт деб ҳис этаман. Бугунги ёшларга ҳам шу туйғу ҳамроҳ бўлишини истайман...

Устозлик шогирд шеърларига «оқ йўл» ёзив бериш, матбуотда чиқаришда кўмаклашишгина эмас. Бундай бир томонлама ёрдам шогирдни мўрт килиб кўяди.

Зулфия опа мақтовини ҳам, тўғри маслаҳатини ҳам аямайди.

Яхши шеър билан кўринган шогирдининг сатрларини фахр билан такрорлаб, кўзлари билан эркалашни ёқтиради: «Умри узок бўлсин!» Онага ўхшаб юракдан алқаб кўйишни ҳам билади.

«Нега Хосият жим бўлиб кетди? Ҳат ёзинг, шеър сўранг», дейди безовталаниб. Мақсада Эргашеванинг «Эзгуликнинг оппок кушлари» шеърини қайта-қайта ўқиб, сатрлардаги ҳар бир ютугини севинч билан таъкидлайди.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Оғир дамларда инсон яхши ёмоннинг, оку қоранинг фарқига етади. Машаққатли кунларимда доимо Зулфия опанинг меҳрибон қўлини ҳис килганман.

1969 йилнинг ёзида умрим «фойда»га қолган. Кунлар ўтиб, ўзимга келгач, шифокор Людмила Петровна Шиманская сўраб қолди:

- Зулфиянинг қариндошимисиз?
- Йўқ... Шогирди бўламан.
- Устознинг бундай жонкуярини кам кўрганман. Устозингизнинг меҳри ҳаки омон қолдингиз...

Шундагина бошимдан кечган бетобликнинг бутун даҳшатию Зулфия опа сўзининг қудратини англадим. Шоирлик Инсон учун қайғуриш, инсонга ҳаёт бахш этиш, мушкул чоғларда унинг қаддини тиклаб кўйиш ҳам экан... Шоиранинг «ҳамма билан бор менинг ишим», деб ёзганлари замираидаги қанчалар меҳру оқибат му-жасссам!..

Зулфия опа шодлигингизни ҳам, қайғунгизни ҳам ўзиникидай тез қабул қиласди. У инсон тақдирига бефарқ, лоқайд қаролмайди. «Ха, энди бир кўнглига келиб, хат ёзибди-да», деб қўл силтаб кўйиш у кишига бегона. Яқинда Зулфия опани қутлагани сўлимгина бир аёл кириб келди:

– Неварангиз Баҳриддинжонни дадасига топшириб, Сизни табриклагани келдим. Оиламиз номидан Сизга гул келтирдим, опажон!

Опа бенихоя шод бўлдилар. Бу шодликнинг боиси – Маврудахонни баҳтиёр кўрганлари, унинг севгилиси билан қовушиб, баҳтиёр турмуш кечираётгани... Маврудада кўнгил кўйган йигит кўзи ожиз эди. Тасаввур килинг, бундай холларда тўрт мучаси соғ кизнинг фидойилигини тушунмайдиганлар кўп бўлади. Икки ёш Жиззахдан тўғри Зулфия опанинг уйига келишди. Шоира уларга самимий сўз билан, доно маслаҳатлар билан, тегишли ташкилотлар орқали ёрдам берди – баҳти оила вужудга келди. Энди бу оиласда жасоратли севги ниҳоли – Баҳриддинжон улгаймоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Онасидан айрилган кизчага она бўлиб, хасталик чангалидан азоб чекаётган аёлга шоира: «Менинг севимили Дилоромгинам!» дея ҳамишира бўлиб малҳам сўзларини битади. Шунда у инсон сифатида юксалиб кетади. Шунда, баъзан сендан

бир оғизгина илиқ сүз кутиб, кўзи йўлда жовдираб турғанлар олдида ўзингни хижолат сезасан киши...

Ижтимоий фаолият, қўпчилик учун ўзини аямай меҳнат қилиш шоир шахсини етук, олийжаноб қиласди. Жамиятнинг фаол курашчисига айлантиради. Буни Зулфия опанинг бош муҳаррирлик фаолиятида яккол кўриш мумкин.

«Саодат» журналида янги ишлай бошлаган чоғларим. Навбатдаги сонни тайёрлаб, босмахонага топширдик. Бир пайт ҳаммамизни муҳаррир хонасига чакиришди. Зулфия опа хурсанд:

— Раҳмат! Бу сонни тайёrlашда ҳамма ходимлар вижданан ишлади. Кўнгил тўладиган яхши материаллар кўп бўлди. Кейинги сонда ҳам шундай ғайрат тилайман!

Бундай кувончли кунлар ўшандан бери кўп такрорланди. Ходимлар таҳриридан ўтган материаллар ҳошиясиға қайд қилинган бўлади: «*Ташаккур!*», «*Барака топинг!* Яхши таҳрир қилибсиз!», «*Сиз бундан тузукроқ таҳрирга қобилиятлисиз. Яна бир кўрасизми?*» «*Нега саёз асарга ўз имзоингизни раво кўрасиз?*».

Мен опанинг иш юзасидан аник-тиник маслаҳатларини, масалани тез ва оқилона ҳал килишини яхши кўраман. Ундаги иш интизоми, маданияти, муомала-муносабатдаги назокат, қатъият, кўиди-пишдилик шоирилигига кўрк кўшади. Таҳрирда эса сўзини, меҳнатини қизғанмайди.

— Ойдин опа Собирова, «шоир ўз сўзини қизғанмаслиги керак, у яна янги-янгиларини топади», дегувчи эдилар. У киши журнализига муҳаррирлик килган даврларда бизни шунга ўргатганлар. Муҳаррир зиммасига асар учун ҳам, муаллиф тақдирни учун ҳам жавобгарлик ҳаммадан кўра кўпроқ тушади. Яхши таҳрир асарни бойитади, – деб кўп айтардилар Зулфия опа бизларга.

Умуман, матбуот этикаси, журналистика маданиятида Зулфия опа ўзига бениҳоя талабчан. Бирор газета ёки журнал таҳририятига иккинчи нусхада асар топширишни одобга хилоф билади. Опа таҳририят ходимлари билан ҳамфир ишлашни яхши кўради. Холисона фикр-истакларни бажонидил, кувониб кабул қиласди. Ўрнига тушган таҳрирлар учун ташаккур айтади. «Қалам урмасдан

чикарасиз», деган сўзини эшитган эмасман. Эсимда, «Шарқ юлдузи» журналига бир туркум шеър бериб, «фикрингиз бўлса, бемалол айтинг, кишининг нуқси четдан яхнироқ кўринади», – дедилар устоз қўнғирок килиб.

*Кийганим ипакми, читми ё зарбофт,
Юрак бойлигидан қымабман парво,
Мени огушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиктараб унда ҳар сабоҳ.*

«Биринчи сатрдаги «зарбофт» сўзини «кимхобга айлантиrsакчи», деб фикр билдиридим. Хурсанд бўлдилар:

– Жуда яхши. Учинчи сатрдаги «офтоб»га ҳам яхши кофия экан.

Шундай килиб, бу сатр «Кийганим ипакми, читми ё кимхоб» бўлиб қолди. Устознинг бу гўзал шеърида менинг ҳам битта сўзим борлиги билан фахрланиб юраман. Жаҳонга машҳур шоиранинг бу камтарлиги хозиргача ҳам асло ўзгарган эмас. Камтарилик унга улуғлик баҳш этиб туради.

Зулфия опа шахсиятидаги барча кирралар борлиғича асарларига кўчган. Шоира Светлана Сомова: «Зулфияда ўзбек халқининг бутун назокати, эзгу феъли жамулжам», деб таърифлайди.

Зулфия шеърияти яхши инсонларга Ватан бўлган тупрокка касида. Унинг ёзганлари эзгуликка тўла ёруғ оламнинг кўшифи. Унинг ғуури, суури, бутун изтироби, дардлари, куюнчи, суюнчи, осуда хаёллари, долғали туйгулари балкиб ётган бетакрор ижодиёти халқимиз меҳнати, ҳаёти, келажагининг ажралмас бир парчаси. Унинг бедорлиги, беоромлиги, илхоми, ҳижрони, ўчмас муҳаббати – ўз халқининг юрак забтига, томир уришига ҳамоҳанг. У ўкувчиларига, шогирдларига, унинг номи, шуҳрати билан дунё кезган Ўзбекистонга кўп-кўп байрамларни баҳш этди.

Тошкент шахридаги «Композиторлар» кўчасидаги чоққина боғ ҳовли. Бунда ҳаёт кайнайди. Шеър туғилади. Неваралар кунба-кун камолга етади. Ҳамид Олимжон ўз кўли билан ўтказган дараҳтлар ҳар баҳорда чаппар уриб гуллайди. Бу хонадонга дунёнинг турли бурчакларидан табрикномалар, хатлар,

дил сўзлари оқиб келади. Катта-катта адабий анжуманларда номдор ёзувчилар, шоирлар бу меҳмондўст хонадон дастурхони атрофида жам бўладилар. Олима қизи Ҳулкар Олимжонова ҳам, келини Риояхон ҳам меҳмоннавозлик билан хизмат киладилар. Тўрда – Зулфия опа дўстлар жамолидан, юрагидан кувват олиб беҳад баҳтиёр. Ёнидаги стулда (бу Ҳамид Олимжоннинг ўрни) энг азиз меҳмон, одатий кунларда эса ўғли – хуқукшунос олим Омон Олимжонов ўтиради. Жажжи Темурбекни эргаштириб на-бираси Лола чараклаб келади. Ҳар байрамда шундай. Ҳар сафарги кувончли дақикаларда шундай. У дўстлари йиғилган кунларни дунёга бергусиз саодат, дейди. Шеър ўқиган, шеър тинглаган дамларини масъуд онлар, дейди.

Шеър тинглаган масъуд онлар!

Бу дамларнинг умри узун бўлсин! Ўзингиз айтганингиздек, умр вафо килса, ёзилажак шеърларингиз кўп, жуда кўп. Сиздан шеър тинглаган масъуд онлар бардавом бўлсин!

1985.

ЗУЛФИЯ ЁҒДУЛАРИ

*Ҳао кезиб чарчаган қушибдай.
Учиб, қўниб кезгум Ватанни,
Ва меҳнатдан нақ ипак қуртдай
Тўхтамасман, тинмаса қалбим.*

БИРИНЧИ ҚУВОНЧ

Ўқчи кўчасидаги катта боғ ховли. Котмагина, буғдойранг чехрали, шахдамгина бир киз техникумдан қайтиб, кувониб она олдига кирди. Унинг кўлида янги китобча. Муқовада лотинча килиб «Зулфия Исройл қизи», «Ҳаёт вараклари», «Ўздавнашр», 1932 йил деб ёзилган. Асл ўзбек аёлларига хос босиклик ва ички кувонч билан она қизини кўзи билан эркалади. Бу кичкина бир хонадонда дунёга келган кизчанинг жаҳонга машҳур шоира бўлиши онанинг хаёлига келганмикан ўшандада? Факат она янги ҳаётнинг фаол курашчилари

бўлган ўғиллари изидан ёлғиз қизининг ҳам дадил овоз билан эргашганидан мамнун эди, холос.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, қизи унга бир даста пул келтириб берди. Бу илк шеърий китобчанинг қалам ҳақи эди. Она ҳайрон савол берди:

– Вой, болам, биз ҳали пул тўламадик-ку бу китобчага? Қанча қоғоз, меҳнат сарф килинган ахир бунга?

– Мен сўраб борганим йўқ. Илёс акам олиб келиб бердилар (шоир Илёс Муслим шоирининг амакисининг ўғли бўлади). Шеърларимга давлат тўлаган қалам ҳақи экан.

Меҳнаткаш, саводхон, доно она ҳали ўз қизининг умр йўлларида шеърнинг камёб шухрат гуллари, ҳалқ меҳрини қўражагини ҳам ўйламагандир? Бу бутун ҳашами гулу боғ бўлган хонадон дарвазаси остонасидан бошланган йўл Ер юзининг жуда кўп эллари, одамлари қалби билан туташажагини Она ўшандада ҳис қилганмикан?

ШАМГА ПАРВОНА

1943 йил. Ҳаёт-мамот жанглари дунёни ларзага солиб турган суронли давр. Ҳалқ қурол ясар, завод-фабрикаларда уйкусиз дастгоҳ юргизар, бир тишлам нонини ҳам, ташвишини ҳам фронт билан баҳам кўрарди. Госпиталларда ҳамширалар малҳами билан бир каторда санъаткорлар кўшик билан ярадорларни даволар эдилар. Юрт ёзувчи ва шоирларнинг сўзига илҳак эди. Тошкентда адабий ҳаёт қайнар, бу ерда яшайдиган таникли рус, украин, беларус шоирларининг асарлари ўзбек тилида чоп этилар, ўзбек жангчиларининг кўкрак чўнтагида X. Олимжоннинг «Кўлингга қурол ол», F. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърлари билан бирга К. Симоновнинг «Мени кутгил»и каби ноёб шеърларнинг ўзбекча таржимаси ҳам юради.

Беларус шоири Якуб Коласнинг юбилейи бўлиши керак. Адабнинг китобини зудлик билан ўзбек тилида чиқариш даркор эди. Буни дўстлик бурчи ҳам талаб этарди. Хонадоннинг энг катта хонаси икки шоирнинг ижодхонасига айланди. Ўртада икки юракни бирлаштириб шам ёнади. Бир шам ёруғида икки дил, икки сафдош

шоир ярим тунгача Я. Колас билан ғойибона сухбатда. Китобга сўзбошини Ҳамид Олимжон ёзар, шеърларини Зулфия ўзбек тилига ўгиради. Уч кунда сўзбоши ҳам, Зулфияга тегишли таржима ҳам тайёр бўлди. Шамнинг хира ёруғида бир хона кенг жаҳондай бўлиб, битта столнинг икки каноти илҳом ва меҳнатда эди. Улар битта нафасга айланиб баҳтиёр яшар, ишлар эдилар. Қийин шароитни пайқамас эдилар, ҳамма шундай яшарди. Меҳнат, меҳнат килип керак эди. Уруш борарди ахир. Халқка таянч сўз керак эди. Ўша машакқатли кезларда нозикниҳол Зулфиянинг қудратли таянчи – Ҳамид Олимжон ёнида ёниқ сўзларни излаш ва топиш осондек эди.

ТУШ

– Ҳамид Олимжон ҳалок бўлганда (1944 йил) кўру кар эдим. Ҳеч нарсани билмасдим. Ўшанда уни кутиб, театрга борамиз деб чиройли кийиниб олгандим. Халқ уни елкасида олиб борарди. Ўша мудҳиш кун унинг бошида турибману, хиноли бармокларимни қаёкка кўйишни билмайман. Кесиб ташланглар, дейман...

Қайнонам Комила ая иродали эдилар. Мен ва Саҳобат йиғлаб-йиғлаб икки ёқда чўзилишиб қолардик. Шакарли чойга нон ивитиб, оғзимизга солардилар. Орадан кўп ўтмай, лағмон пишириб, устига кўклар солиб, дастурхонга тортдилар.

– Олинг, болам, енг. Абдулхамид яхши кўрарди буни. Авваллари икковингизга пишириб берардим, – дердилар. – Мотам аклсизни – жинни, ақллини – доно қилади.

Ох она, она! Сенинг борлифинг сабр-тоқат ва мадад эди!

Ўша кунлари тушимга Ҳамид Олимжон кирибди. Шундай зинадан тушиб кетаётса, йиғлаб оркасидан эргашибман, югурибман.

– Каёкка борасиз, ана, онамдан ўрнак олсангиз-чи! Йиғламанг, болаларга каранг, менинг дунёим бошка. Бўлди, колинг, йиғламанг!

– Шундай деб чикиб кетиб колдилар, – сўзлаб берардилар устоз...

Бу башорат – муnis йўлдошини тирик хаёт бағрига, катта шеърият, элга хизмат йўлига унданаган эди. Ўша бедод айриликтининг тоғдай юкига каламга таяниб, одамларга суянибгина, шоира тоб

берди. Ҳижроннинг оловли чиғириғидан порлаб, жароҳатли жайрон дардига эм топиб, ёниб шеър ёзди.

МЕҲМОНЛАР

Гавҳар орттирмадим дўстликдан бошқа...

Таҳририятга Зулфия опа чакнаб кириб келдилар. Узун йўлакда унинг шахдам, енгил қадамларини дарров билиб қоламиз.

«Эй, дил» янги шеърларини айтиб ёздириб ўтирган эканлар, кўришгач, «келинг, шеър ўқиймиз», дедилар.

— Эрталаб соат 5 дан 9 гача ўтиридим. Бирданига битди.

Ҳамиша шундай. Одатда у шеърни узок дилда кўтариб юрар, эҳтирос, тошқин илҳом билан бир ўтиришдаёқ коғозга туширади.

Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари. Адабиёт кечаси мушоирасида Зулфия Мирзо Турсунзоданинг «Эй, Ватан» шеъридан сўнг ўзларининг «Эй, дил» шеърларини ўқидилар.

Шу кунларнинг бирида Жалол Икромий билан бўлган бир сұхбатни айтиб бердилар.

— Фотех Ниёзий эсимга солди. Шундай бўлган экан, менинг ёдимда ҳам йўқ. Ундай ҳодисалар кўп бўлар эди.

Москвага учайдиган Душанбе самолёти Тошкентга кўнибди-ю, рейс тонготаргача колдирилибди. Бир пайт телефон жиринглади. Ҳамма ухлаган. Гўшакни кўтарсам, Мирзо Турсунзода:

— Зулфияхоним! Мен Мирзоман! Ассалому алайкум!
— Ваалайкум ассалом! Қаердан сўзлаяпсиз? Тошкентданми?
— Мусофиirlар дарвозангизда турибмиз, кир, дейдиган одам борми, деб!

— Тошкентда дарвоза кўп. Кайси биридасизлар?
— Осмон дарвозасидамиз. Ҳозир борамиз сизникига!
— Қандай бўларкин? Соат бир бўляяпти-ку! Ҳамма ухлаган!
— Ухлаган бўлса, майли, уйқулари оромли бўлсин. Шоир ҳалқи ҳамиша бедор. Биз ухламаганда, энди сиз ҳам ухламайсиз-да, азизим!

- Йўлдошларингиз борми?
- Ҳа, ҳаммаси ўзингиз билган мусофиirlар – мен, Фотех, Жалол Икромий...

Бирдан Жалол Икромийнинг овози эшитилди:

- Кечирасиз, Зулфияхоним, Мирзо сизларнигига борамиз, деб туриб олган. Ойбекникига бора қолайлик, десам, тинчини бузмайлик, дейди. Fafur Гуломникини айтсам, Fafur зиёфат килади, самолётдан қолиб кетамиз, дейди.

- Бўпти, марҳамат, келинглар, – дедим.

Уйга кирдим. Аямларни уйғотдим.

- Аяжон, турасизми?! Тожиклар меҳмон бўлиб келишяпти уйимизга. Ўғлингизнинг ўртоқлари бор-ку, Турсунзода, Икромий, Тошкентда яшаган Фотех Ниёзийни биласиз!

- Туришга ҳеч ҳолим йўқ. Саҳобатни уйғотинг. Ўзларинг меҳмон қилиб, жўната қолинглар, – дедилар.

Зум ўтмай етиб келишди.

- Уйда сабзи йўқ экан, қўшнимнинг уйидаги чирокни кўриб, югуриб чиқдим. Аҳволни айтдим.

- Гўштингизни чикариб юборинг-да, бемалол меҳмонларингиз билан ўтираверинг. Тайёр бўлгач, Саҳобатойни чакираман.

Ўшанда кириб-чикиб юрган сингилларимиз бўй етиб қолишган кизлар эди. Дарров уларга тожиклардан куёв топишиди. Шу ерда режа тузишиди. Тепада ой балкирди. Ҳовлида Ҳамид Олимжон кўллари билан экилган ток тагидаги столда тузалган дастурхон атрофида ўлтиришиди. Кузда тўй ҳам ўтказиладиган бўлди. Бу адабиётчиларнинг дўстлигини ҳам мустаҳкамлади, деди кимдир. Шеърхонлик ҳам киёмига етди. Фира-шира тонгда аэропортга жўнаб кетишиди. Дўстлар учун бу хонадон эшиклари доим очиқлигини билишарди.

Мен яна бир ўша сухбат сурурини хис килиб севиндим. Садриддин Айний, Сажжод Зоҳир, Файз Аҳмад Файз, Степан Шчилачёв, Кайсин Кулиев, Марварид Дилбозий, Мустай Карим, Эди Оғнечвет – буларнинг ҳар бири ўз уйига, Тошкентдаги ўз манзилига тушгандай кириб келишарди. Шоиранинг қадрдонлари – халқимизнинг дўстлари эди.

Дўстлик, қардошлиқ туйғулари шу сабабли ҳам Зулфия ижодида «Мокомото дури»дан юксакрөк улуғланади. Ўз халкининг меҳмоннавозлик фазилатлари унинг табиатига сингиб кетган эди. Бу фазилат ҳар сафар Тошкент анжуманлари чоғида, икки улуғ шоир дастурхони тенарагида жам бўлган дўстлар даврасида доим намоён бўлган.

1976 йилда шоира яна катта бир гурух ёзувчиларни уйига таклиф қилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчилари симпозиумида непаллик ёш шоира Банира Гири ҳам бор эди. У ҳовлида сайр этиб юаркан, кийикдай чакқонлик билан тиз чўкди-да, Зулфиянинг этакларини кўзига суртди:

– Сиз мен учун шеърият тимсолидирсиз.

Комилик шоира Антонина Кимитвал:

– Сиз бизнинг момақайимиз (онамиз) бўласиз адабиётда.

Тожик шоираси Озод Аминзода сўзлари кулоғимда янграйди:

– Сизлар баҳтлисизлар, – дейди у бизга – мумтоз хазинангиз бор. Бу – Зулфия. Ундан баҳрамандсизлар...

Шоирларни бир-бирига яқин, азиз қилган шеъргина эмас, инсонийлик хислати, маънавий улуғворлик ҳам. Мана шу икки нурли хислат Зулфияга дўст тутинган барча эл-элатлар ижодкорлари меҳрида ҳам намоёндир...

ҲАЙРАТ

*Хозир устоуз турган соҳилда туриб,
Гўё шимтиҳондан ўтмоғим даркор...
...Мен ҳам нам қирғоқ узра
Мехробга киргандай аста тушаман.*

Ойбекнинг 80 йиллиги юбилейи тараддуллари олдидан сұхбат очилиб кетди. Зулфия сўнгсиз ҳурмат ва ўқинч билан сўзлади:

– Сўзлаш ҳам оғир. 1968 йил. Абдулла Қаххор дағн этилаяпти. Тумонат одам. Ойбек акага кўзим тушди. Жуда эзилиб кетган. Унинг катта-катта кўзларида бир жаҳон мунг. Назаримда, буқчайиб колгандай кўринади. Юрагим зиркираб кетди...

Ойбек ва унинг рафиқаси билан сафарда бўлганмиз. Қаршидан самолётга чиқиб кетаётгандарида қадлари букилгандай кўриниб, дилим зир кетди яна.

Саксондара... Бу ерга Бухоро ва Навоий шаҳрида бўлиб келганмиз. Йўл шу қадар гўзал. Гуллаган Ўзбекистон худди кафтингда тургандай. Навоий йўлида ҳам, Бухоро йўлида ҳам ҳамроҳимиз шоир Тошпўлат Ҳамид эди. Соҳилда тўхтадик. Сув бир дунё нурни эркаласиб окиб ётарди. Ойбек кирғокка тушиб, Зарафшондан икки ҳовучлаб сув олиб ичдилар. Сув бармоқлари орасидан ирмоклардай тўкилади.

«Бир ҳовуч сув» деб ёзиб қўйдим ён дафтарчамга.

Кейин Таллимаржонда эшак мингандан кизча, мунҷоқдай кизалок эди, бувиси билан бораради. «Хурилиқко» деб ёзиб қўйгандим.

Бухородаги янги ишга тушган меҳмонхонада Ойбек ака қаттиқ ишладилар. Ҳаво иссиқ, дим. Жон сақлаш кийин. Турли одамлар билан сұхбатни Зарифа опа ёзиб оларди. Ойбек ака юзларидан тер куйилиб, тинимсиз ишлардилар. Адиб беҳад гўзал илҳом дақикаларига ғарқ эди. Унинг ишлаганини кўриб, «Во-ей, биз бутун умр ўйнаб ўтдик-а! Ёзиш бунақа бўларкан!» дедим ўшанда...

... Оға адибларимиз ҳаётдан бирин-кетин кетишли. Юраклар увишиб қолди. Қандайдир бурч – ўқилмаган бурч дилингни эзис қоларкан.

Мана, шоиранинг армонлари, бурчлари. Ўтганлар хотираси олдидаги ҳам, бугунимиз олдидаги ҳам бурчли деб ҳисобларди ўзини.

Ғафур Ғулом ва Миртемирни эслаганларида ҳам нафис бир ҳурмат, шогирдлик эҳтироми билан сўзлаганларига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Зулфия бу пурхикмат, аллома ҳалқ шоирларини ўзига, ижодига, ҳаётига таянч билиб яшаган. Шу таянчлар билан ўзини кудратли ҳис этган.

ШОИРЛИК МАФТУНЛИКДИР

Ўзбекистонда тожик адабиёти байрами кунлари.

Сахнада «Зебо» ансамблининг кизлари. Улар алвон блузка, оплок шимда «Эй, санам» ашуласига рақсга тушишли. Майда ўрилган соchlари кора тўлкиндай тўлғанарди.

— Гўзал кизларнинг гўзал ёшлигига монанд гўзал ракс. Инсон қадди коматининг гўзаллиги.

— Мана, гўзалликни аёллардай хис қилиш керак экан, — деди ҳайратланиб тожик ёзувчиси Фазлидин Мухаммадиев.

Эсингиздами:

*Сендеқ санами кўрмади Лутфи Чигатойда...
Чин сўйла, Хито хўбларига на бўлурсен?*

Ўйлайманки, гўзаллик туйғуси ҳакида гап борганда унга эркак ёки хотин кўзи билан қараш деган тушунчанинг ўзи хато.

Гўзаллик – баркамоллик. У кучли ва кудратлидир.

Лоп этиб унинг хаёлидан яна ёшлик йиллари ўтди. Ҳамид Олимжон билан икковлари «Искра» театри томонда сайр қилишарди. Рўпарадан Мухтор Ашрафий ўтиб қолди. У жуда кўркам киши эди. Зулфия лол бўлиб, тикилиб қолди. Бир пайт Ҳамид Олимжон унинг билагидан ушлаганча, бўлдими, кетдикми, деди.

Зулфия хиёл хижолатда:

— Кечирасиз, хафа бўлманг!

— Кўзни нимага берган? Шоираликни-чи? Гўзалликка маҳлиё бўлмасангиз, ҳайратланмасангиз! Шоирликни – мафтунлик, дейдилар.

Биз бир-биримизни шундай тушунардик, биз рухан яқин эдик. Рухан яқинлик бўлмаган муҳаббат, оила, бу – омонат, хаёлидан кечди шоиранинг.

Бу сұхбатлар, хотиралар шуъласида кўнглим исиди.

Ҳаётни шундай устозлар хотираси, ўчмас ёди билан тўлиқ, мукаммал деб биламан.

ШЕЪРИЯТНИНГ ЮЛДУЗИ

Москва. 1981 йил. 28 июнь – 6 июль кунлари Москва шаҳрида Бутуниттифок Ёзувчиларининг VII анжумани бўлиб ўтди. Зулфияхоним тавсиялари билан бўлса керак, мен ҳам ушбу анжуманда қатнашдим. Зулфия опа кизлари олима Ҳулкар Олимжонова билан

«Москва», мен эса «Россия» меҳмонхонасига жойлашдик. Устоз ҳар куни менга кўнғироқ қилар, ё тушлик, ё кечки тамадди учун таклиф этар, бир ўзингиз ресторанга киришингиз нокулай. Ҳеч тортинмай келаверинг, бир маҳал суюқ овқат ичмасангиз бўлмайди, деб катъий айтардилар. Мени хижолатга солиб, харажатини ҳам ўзлари хисобкитоб қиласдилар. Марказий Адабиётчилар уйида Зулфиянинг шеърият ҳақидаги ёркин маърузасини таникли шоирлар, адабиётшунослар ҳайрат ва шавқ билан тинглашарди. Москванинг иссик, дим ҳавосига қарамай, кўпчилик жой етмаганидан тикка оёқда туриб тинглашарди. Маъруза адабий журналларда чоп этилди. Зулфияхоним кайси даврага кирса, номдор ёзувчилар бир пасда уни ўраб олар, самимий сухбат бошланиб кетарди.

Тушлик пайти барча ўзи кўнган меҳмонхонага отланди.

Йўлга тушдик. Автобус бекатидамиз. Шахарнинг тунд, гунгурт ҳавоси. Ёз бўлишига қарамай, қуёш неча кунлаб кўринмайди. Бекатда машҳур шоирлар гурунг килишади. Ҳазил, лутф, қаҳқаҳа. Бирдан кўнғир булатлар орасидан офтоб чараклаб чикиб колди.

Тўладан келган, паст бўйли грузин шоири хурсанд бўлиб, қуёшни кўрсатди.

— На небе – солнце светит, на земле – Зулфия.

Майн қаҳқаҳа, лутфдаги шодмонлик, кувноқлик бекатни тутди. Зулфияхоним нимтабассум ила ёқимли жилмайиб, ташаккур айтди.

Мен ва Ҳулкар опа сўз санъаткорлари – Қайсин оға Кулиев, Муса Ғали, Мустай Каримнинг беҳад гўзал дўстона сухбатидан ўзимизда йўқ шод эдик. Зулфияга ихлос, эҳтиром – ўзбек аёлига, меҳнаткаш халқимизга, ўзбек шеъриятига бўлган чексиз хурмат ифодаси эканидан баҳтиёр эдик...

ШУНДАЙ КУН КЕЛДИ

Москвадаги Ёзувчилар анжумани сўнгида Катта Кремль саройида зиёфат берилди. Таникли шоирлар, ёзувчилар, адабиёт мухиблари, анжуман меҳмонлари билан гавжум кошона. Барча

дўст-ёрлар тўпига қўшилар, бир-бирига меҳр-иҳлос изхор килар, адабиёт шарафи, дўстлик шаънига самимий сўзлар айтишарди. Анжуманнинг барча иштирокчилари Зулфияхоним ўтрусига шошар, бир оғиз ширин сўз айтишга ошикар, ўз халки номидан ўзбекнинг Зулфиясига дилидагини баён қиласарди.

– Шаркнинг юлдузи шарафига – деб лутф қиласарди Қайсин оға.

Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Давид Қуғултинов, Муса Ғали, Римма Казакова, Оқжамол Омарова, Гулруҳсор, Евтушенко... барчаси Зулфия юлдуз буржи шуъласига интиларди. Ҳулкар опа ҳам, мен ҳам бу илтифотлардан яйраб, суюниб томоша қиласардик.

Бир пайт Рамз Бобожон Зулфияхонимга дедилар:

– Зулфия опа! «Зулфия» деган журнал чиқиши учун кадаҳ кўттарайлик.

Сезгир ва закий Зулфияхоним бир лаҳза хаёлга чўмди ва қулим-сираб жавоб қайтарди:

– Шундай бўлади! Фақат кўп йиллардан кейин...

Бу сўзлар заминида кўп маъно бор эди...

1999 йил 10 июня Президент Ислом Каримов Фармони билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти бугун ёш истеъоддли қизларни ижодга, илхомли меҳнатга, мушоирага чорламоқда. Бугунги кунга келиб 196 нафар ёркин истеъоддли, зукко, билимдон қизларимиз кўксида Зулфия сиймоси туширилган нишон балкиб турибди.

Истеъоддли қизларимиз «Зулфия» деган буюк номни, Қалб аталган меҳрни, вафо тимсолини, дўстлик куйчиси рамзини, она-Ватан эътирофини кўксида офтобдай такиб юргани Мустакилликнинг инжа мевасидир.

Ёш зулфиялар тимсолида азиз Зулфияхоним яна сафларга қайтди. У ўзбек қизлари учун меҳнат, мухаббат, ижод, Ватангага эътиқод рамзи бўлиб қайта яшамоқда.

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК ВУЛҚОН

Зулфия 80 ёшида «Хотирам синиклари» достонини ёзди. Асар адабий жамоатчилик орасида шов-шув бўлиб кетди. Бу достонда

шоиранинг армонлари, акасининг умрига завол бўлган қатағон йилларининг даҳшати, мушфик, мунис онаси Хадича аянинг дунёни ўртовчи изтироблари аланга олиб ётади.

*Ака, жоним акам, жондошим акам,
Олтмиш йил изимга қайтиб йиглайн.
Бўғзимда тош бўлган йўқловларимни
«Оҳ»ларим эритар – айтиб йиглайн.
Онам қўлларида муштдай тугунчак,
Тош шаҳарни кезар авахта излаб.
Авахта нечадир, зор она неча,
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб.*

Бу фарёд, ўтли исён ора «Гуллаган ўрикдай орастга отин» Хадича аянинг Сўфи Оллоҳёр, девона Машраб баёзларидан ўкиган ғазаллари жилғалардай шилдираб окади гўё...

Бу достон Ҳурриятнинг пойқадамига битилган севинч шукронаси, кирчинида қийилган акаси Нормат Истроиловга 50 йил қайтиб ёзилган марсия қўшиғи. Истроил ота номидан қаттол замонга айбловномадир.

17 ёшида нобуд бўлган ўслирин ўғлининг дарди она кўксидаги доғ эди. Исмоил, Қодир деган ўғиллари эр етиб, оёкка турди, ўзидан кўпайди. Уларнинг фарзанд, невара, эваралари улкан чинор шажрасига айланди.

*Ҳовлимиз зийнати жамбил, раҳондай
Отам таъбирича, эдим бойчечак...*

Зулфия опа айтишларича, янгаларига эш бўлиб, палак тикиб ўсганлар. Доно она ўз келинларини сийлар, кўркам, зебо бўлиб эшикдан кирган барваста ўғилларини кутиб олишини ўргатаркан. Беғ ҳовли гулзор. Ҳовли этагида бир лаби учган козон тагида кишин-ёзин ўсма кўм-кўк гуркираб тураркан. Хадича ая бехининг

уругини тўплаб, пиёлага озгина сув кўярканлар. Беҳи елими билан келинларининг зулфини гажак килиб котириб кўярканлар. Ёшларнинг аҳиллигидан суюниб юрарканлар. Шундай ораста, файзли, хосиятли хонадонда ўсган Зулфиянинг яна бир бахти – бахшифеъл, мулойим, дарёдил Комила аяга келин бўлди, Ҳамид Олимжоннинг гавжум хонадони меҳрини қозонди...

Ёзувчи Сарвар Азимов, Ҳамид Олимжоннинг сингиллари Асолатхон, таникли хирург Роҳатой, муаллима Саҳобатой, тарихчи олима Муҳаббатойлар Зулфияхонимни бағоят ҳурмат қилас, туғишган опаларидан азиз билишарди... Зулфия опанинг қувончли кунларида, хижрон дамларида ҳамдам, ҳамдард, таянч бўлишган улар...

БАҲОР БИЛАН УЧРАШУВ

1995 йил, апрель. Республика хотин-қизлар қўмитаси Тошкент Давлат Аграр университетида «Зулфия издошлиари» адабий анжумани доирасида шоиранинг ижодий кечасини ташкил қилди.

Дорилфунун дарвозасида меҳмонларни катта олим, ректор Эркин Шайхов кутиб олди.

– Зулфия опа, ҳозир мўъжиза рўй беради. Сизни 80 та баҳорингиз қаршилайди...

Дарҳақиқат, икки саф бўлиб тизилган атлас кўйлакли навниҳол талаба қизлар тирик камалакдай товланар, қўлларида бир донадан кизил чиннигул бор эди..

- Ассалом, мен биринчи баҳорингизман.
- Мен ўн саккизинчи баҳорингиз.
- Мен йигирма тўккизинчи.

Шоира шаҳдам келар, ҳар бир «баҳори»ни оғушлаб, пешонасидан ўпар, юзларида самимий викор, эрка табассум бор эди... Ногоҳ у бир лаҳза тўхтаб қолди.. Йигирма тўккизида қор остида колган баҳори, бир кечада оппок оқарган соchlари, тушимми-ўнгимми, деб жудолик ичра ёнганлари... Ҳамид Олимжон ёди:

*Сени бирдан жонсиз күрдим,
Жоним чиқди менинг-да.*

Пешвозида «бахорлар» қўлида гул тутиб, шоирани кутарди. Ҳаёт ва муҳаббатнинг буюк қувончлари, ижоднинг завқли лаҳзалари.

- Мен кирқинчи баҳорингизман.
- Саксонинчи баҳорингизга хуш келибсиз...

Баҳор камалаклари оралаб шоира саҳнага кўтарилди... Учрашувカリйб уч соат давом этди...

Филология фанлари доктори Умарали Норматов, олим Эркин Юсупов, хотин-кизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Олий Мажлис раиси ўринбосари Бўритош Шодиева ва камина ҳам сўзлади.

«Зулфия издошлари» кўрик-танлови ғолибларини ардоклаб, устоз уларга оқ йўлтиладилар. 15 дакика сўзлаб, 2 та шеър ўқидилар. Яйраб кетдилар:

– Юбилей ўтказиш ниятим йўқ эди. Бу файзли учрашувдан сўнг, карасам, ижод байрами яхши экан. Одамга куч-кувват берар экан. Шундай садоқатли мухлислар билан дийдорлашув мен учун баҳт, катта байрам, – деди шоира.

Зулфия опа яхши сўздан, тилақдан, самимий икрордан, кутловлардан ёш боладай суюнардилар.

* * *

1995 йил, 30 май. Президентимизнинг табрикномалари матбуотда чиқкан куни табриклаб қўнғироқ килдим.

– Ойдинжон, ўқидингизми? Бунча теран, ёрқин сўзлар! Бунча лутф! Бунча самимий... Каранг-а, Зебуннисобегим, Нодирабегим анъяналарининг давомчиси, дебдилар... Бундай кутловга қандай сўзлар топиб, жавоб ёзсан-а, – гўдакдай қувониб, шодлигини яширолмай ҳаяжонланарди устоз... – Шоир одам ҳам бундай залворли сўзларни топиб ёзолмайди...

...Мухташам «Туркистон» саройи. Ўзбекистон раҳбари номидан кутловни ўкиб, Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев топширар-

кан, Зулфияхоним кутловномани уч бор пешонасига теккизиб, та-воф қилди...

Бу чинакам шарқона назокат, миннатдорчилик, шоҳона эҳти-ромга шоҳона эъзоз белгиси эди...

Олим Иброҳим Ғафуров маъруза қилди. Мен ҳам сўзлаб, «Сао-дат» номидан, Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси но-мидан табрикладим. Тожик шоираси Озод Аминзода, қирғиз шои-раси Ҳонбиби Эсенқораевалар шеър ўқидилар.

Зулфияхоним қаср деворларини гумбурлатиб, юракларни титра-тиб, «Бу оқшом» шеърини ўқиди.

*Ҳикматлар баҳрида дур, марваридим
Аждодларим менга ифтихор, гурур.
Шу мавжлардан томган нуқра умидим
Шоира қизларим баҳш этган сурур...*

*Ҳамон эътиқодим – ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман юзимни тутиб Каъбага.
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,
Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.*

Саҳна гулларга тўлиб кетди...

Шоира концертни томошибинлар қаторида ўтириб томоша қилди. Хонандалар саҳнадан тушиб, қучок-қучок гулларни шои-рага тухфа этишар, ардокли шоира эса гулларни бир-бир томоша-бин – муҳлисларга улашарди. Сарой гулхонага, шеъриятнинг мўъжиза гулшанига айланди. Кечанинг поёнида томоша залидан чиққан ҳар бир аёл-қиз қўлида биттадан гулдаста – Зулфия деган ноёб баҳор чаманидан тухфа билан уйига қайтди.

Зулфияхоним гулни, баҳорни жуда севарди. Гул совға қилсангиз, сиздан миннатдор бўларди. Ўзи ҳам гул ҳадя килишни ёқтиради. У чинакам баҳор ошуфтаси эди. Баҳор каримаганидек, Зулфиянинг қалби, туйғулари беғубор, мусаффо илҳоми навқиронлигича биз шогирдларини мафтун этарди.

Учрашувлар, байрамлар, мушоиралардан кучоғи гулларга тўлиб, тўғри Ҳамид Олимжон бошига борар, гулларни унинг хобгоҳига сочар, ғойибона дийдордан таскин топиб қайтарди...

СУРАТГА ШАРХ

1996 йил, 1 март. Тонгда бошланган иссик кор борликни ок чодрасига ўраган. Оппок кор салтанатида шаҳар гаройиб эртаклар касрига ўхшаб кўринарди. Баҳмал кирларидан Топкентга – Зулфияхоним хонадонига бойчечаклар келиб улгурганди. Бойчечакнинг нозик гуляпроқлари шамнинг ёник илдизларидай нур сочарди. Кафтдайгина гулдонда баҳорнинг арзанда кизи – бойчечак шоирага севинч баҳш этарди. Тинимсиз қўнғироқлар. Кетма-кет келаётган меҳмонларни шоира меҳрибонлик ва илтифот ила кутиб олар, шогирдларини бағрига маҳкам босиб, пешоналаридан ўпар ва юзларини охиста силаб, тўрга таклиф этарди.

Шеър ва сўз.

Сўз ва шеър.

Бу давранинг шукухи, файзи, мазмуни шунчалар гўзал ва оромбахш эди. Ўзи учирма килган қалдирғочларини қанотига олиб, лутфу назокат ила ардоклаб, уларнинг камолидан яйраб тўрда ўлтирадилар Зулфияхоним.

Ўша сухбатлар, ўша дийдорлашув дилдаги армонларга айланиб қолганига анча бўлди. Ушбу сувратда муҳрланган устознинг мунис чехраларидаги майнинлик ва мукаррамлик ёзилмаган шеърларнинг сирли сатрларидир. Бойчечаклар Зулфияхоним нафаси кезиб юрган хонага ҳар йил 1 март куни эшик қоқиб келаверади. Гуллар, лолалар йўклаб боради уни.

Сизни сўроклаб баҳор келди. Зулфияхоним, тингляяпсизми?



Суврат 1996 йилнинг 1 март куни шоира хонадонида олинган.

Биринчи катор, ўнгдан: Сайёра Раҳматхўжаева, Гулчехра Жўраева, Зулфияхоним, Ойдин Ҳожиева, Диљбар Саидова. Иккинчи катор, ўнгдан: Риояхоним Олимжонова, Ҳосият Ёкубжонова, Кутлибека Раҳимбоева, Санъат Маҳмудова, рассом Лайло Салимжонова, олдинда ўтирган Ҳулкар Олимжонова.

Машраб НУРИНБОЕВ фотоси.

СЎНГГИ ДИЙДОР

1996 йил. Баҳорда Зулфияхоним бетобланиб, стационарга ётдилар. Ўзим билан овора бўлиб бора олмадим. Ёз ойлари эса боришимга Ҳулкар опа рухсат бермадилар. Тинимсиз туш кўраман: «Композиторлар» кўчасининг икки тарафида оппок столлар, стуллар терилган, оппок дастурхонлар ёзилган... Яна кўнғирок килдим. Бу гал Омон aka (ўғиллари) ижозат бермадилар. Зулфия опа бемор ҳолатда шогирдларига, муҳлисларига кўринишни истамасдилар.

Августнинг биринчи куни. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, шоиралар «Темурий маликалар» илмий анжуманига йигилишган. Шу тадбирга бориш учун шайланиб турсам, Бобожонов кўчасидаги ҳовлимиизга ишхонадан кўнғирок бўлди:

– Зулфия опа ўтибдилар...

Дарҳол Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним яшаган ҳовлига жўнадим. «Композиторлар» кўчасига қайрилишимиз билан, кўчанинг икки четида катор терилган оппок елим курсилар кўзга ташланди. Кўча бошида машинадан тушиб, файзли йўлакдан юриб, табаррук хонадонга кириб бордим. Кузнинг сарин ҳавоси эсар, ораста, гулбоғчали ҳовлида аллакачон одамлар йигила бошлаган эди. Пешайвонга чиқадиган зинадан Омон ака кўз ёшларини артганча тушиб келарди. У кишининг нигоҳидан «кириш мумкин эмас» маъносини уқдим.

– Иссиқ дийдорларини кўролмадим, лоакал бир нафас кўриб, видолашай, – дедим-да, жавобни ҳам кутмай зинадан кўтарилидим.

Мехмонхонада турган кўркам аёл ҳайратланиб қолди, ғассол бўлса керак. Мени таниди шекилли, йўлимни тўсмади.

Қадрдон устозим иш кабинетларида қўйилган каравотда укпардай бўлиб ётар, юzlари кичрайиб, ранглари сарик пилладай бўлиб колган эди... Беш дакиқагина ғанимат меҳмоним олдида бўлиб, розиризолик сўрадим, кўз ёшларим юзиб тушар, худди устоз ҳозир кўзларини очиб, Ойдинжон, келдингизми, дейдигандай...

Ҳалиги фариштали аёл эшикка суянганча мени кузатар, чикиб туринг, дейишга ботинмасди... Секин ўрнимдан туриб, меҳмонхонага ўтдим. Бир оздан сўнг Раъно Раҳмон, Кутлибека, Дилбар Саидова, Шарифа, Дилбар Маҳмудовалар келишди. Бир пасда оппок либосли бир неча отинойилар кириб келишди. Тўпланганлар таҳдил, такбир, тасбиҳ айтишар, хонада жаннат нафаси кезарди. Мехмонхонага одам тўлиб кетди. Курсиларни чиқариб ташлашди. Хона ўртасида стол устига тобутни қўйишди. Ҳулкар опа Зулфияхонимнинг бошларини икки кафтига олиб турар, гўё совиб бораётган вужудга фарзандлик меҳридан ҳарорат бермокчи бўларди. Соат 12 га якин Республика хотин-кизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Олий Мажлис радио ўринбосари Бўритош Шодиева, шоира Гулистон Матёкубова, олималар, адабалар кириб келишди.

Кимдир йиглай бошлаганди, Ҳулкар опа, аям йиглашни ёмон кўрардилар, деб тўхтатди. Ўшанда муборак жума куни эди.

Секин Дилбар Ғуломовага ишора қилдим, у киши Зулфияхоним хақида сўзладилар. Мен гапирдим, шеърларидан ўқидим, Гулчехра опа, Шоҳида Шоҳимардонова, Гулистон ёниб, ўртаниб сўзладилар. Ҳовли, зиналар, кўча одамларга тўлиб кетди, узок-яқиндан шоиранинг дўстлари, мухлислари, шогирдлари уни сўнгги йўлга кузатиш учун окиб келарди. Гуллар, гулчамбарлар еру кўкка сиғмас, бу кўчага баҳор ташриф буюргандай кўзлар камашарди. Соат 12 дан чорак ўтиб, халқ ўз севимли шоирасини елкасида кўтариб, одамлар дарёси (айтишларича, олдин Ҳастимом масжидида жаноза ўқилган) Чигатой қабристонига қараб шошарди. Тобут устига чиройли сўзана ва буҳороча зардўзи камзул ёпилган, худди кузнинг боғларидан бир кучок полазор ловуллаб ўтаётгандай эди...

Баҳорнинг биринчи куни дунёга келиб, августнинг биринчи кунида ардокли шоира Зулфия Исройлова халқи билан хайрхушлашиб, бу фоний дунёдан ўтди...

АЛВИДО

Зулфия...

Пешоналари кенг, маликалардай хусну малоҳатли, йиллар оша дўсту шогирдларини ардоклаб, жондай якин бўла борган мўътабар устоз...

Бунчалар сукут сакламоққа, сўзсиз сўзлашмоққа қачон ўргатди тангрим Сизни?

Илк бор саломлар жавобсиз қолди. Илк бор лутфу назокат тўла меҳр аралаш пешивоз чиқмадингиз Сизни йўқлаб келган шогирдларингизга...

Она Ўзбекистон лолу ҳайрон бир оғиз сўзингизга мустару мунтазир турибди...

Эҳ-хе, кадрлигим, ўзбекнинг шаъни-шукухини Сизчалик жарангдор овозда куйлаганлар кўп эмас аслида.

Ҳамид Олимжон номи ва ёди музайян бу ҳовлида дўстлик йўллари туташгани, диллар, эллар бир-бирига пайванд бўлгани рост-ку.

Мушоиралар, дўстлар гурунги, шогирдлар кувончи билан файзиёб бўлган бу даргоҳ барчамизни оҳанрабодай чорлаб туради. Бошимизга иш тушганда югурдик Зулфия опа, қайдасиз, деб. Битмаган мушкулимизда Сиз балогардон бўлардингиз. Янги достон битсак – имтиҳонга шошгандек ҳаяжон билан келардик Сизга. Сиз чинакам дарё эдингиз. Ундан барчамиз баҳра олардик, Сиз заррача миннат қилмасдингиз.

Буюк Жавоҳарлаъл Неру, Индира Ганди, Пабло Неруда, Амрита Притам, Ғафур Ғулом, Мирзо Турсунзода, Қайсин Қулиев, Николай Тихонов, Эди Оғнечвётлар сұхбатида қанчалар самимий ва дилбар эсангиз, биздек сингилларингизни ҳам шунчалар иссик меҳр ва илтифот билан сийлаб, кўнглимиизни олардингиз. Шунда буюклиқдаги соддалик, соддалиқдаги улуғворликни кўриб ҳайратга тушардим. Одатда бошига оғир мусибат тушган одамлар кўнгли қаттикрок бўладилар. Лекин Сизда халқнинг аслзодалиги, олийҳимматлиги, оналарнинг беназир меҳру муруввати жамланган эди. Сиз шеърларингизга жуда-жуда ўхшардингиз, Зулфиябегим!

*Мен бир жонман
борлигим туйгу
Ҳамма билан бор ишим...
Мени шодлик, баҳт бошлиб юрап
Мен қалб аталган дардни...*

Шеърларингизда сизиб, унинг тоза илдизларида оқиб юргувчи дард юракларга малҳам бўлгувчи, кўнгилларнинг тафтини олгувчи дард эди. Хосиятли, шифобахш туйғу эди улар. Этагингизга бош уриб йиғлаган биз ғўр шогирдларингизни, қанчалаб аёлларни овутиб, каддини кўтариб, тўғри йўлга солгансиз. Ирода ва бардошни, ҳаётнинг талотўпларида ғарқ бўлмай, турмуш гирдобидан омон чикишни ўргатгансиз.

Сизнинг тегрангизда гул атрофида айланган боларидағи гувилларди шоиралару шоирлар. Байрамларда, улуғ кунларда Сизни тавоғ килиб, кўлингизни олиб кетиш ўзи муҳибу муҳлисларингиз

учун бир саодат эди. Сиз бутун ёшлигингиз, гўзал илҳом тўла умр фаслингизни бағишилаган «Саодат» журнали ўзбек хотин-қизлар харакатининг байроқдори бўлди. Журнал саҳифасида ёритилаётган ҳар бир каҳрамон, у ишчими, дехқонми, ижодкорми, масъул вазифадами – минг бир ўйлаб, сўнггина у ҳақда сўз айтишга ўргатардингиз бизни. Либосидан тортиб бармоғидаги узукларигача зийрак нигоҳингиздан ўтказардингиз, эл назарига одоб ва камтарлик билан тавсия этайлик уларни, дердингиз. Элу юрт андишаси кучли эди Сизда. Сиз ҳалқни беҳад севардингиз. Ҳар бир юракда бир шоир яшайди, хом-хатала сатрларни шеър деб эълон килавериш ҳалкка ҳурматсизлик бўлади, деб уқтирадингиз. Ох, шону шухрат аршида порлаб, зару зевар ичида яшаб – ўзини унутмаган асилим, покдомон мунисим, ўз эътиқодидан заррача чекинмаган саботда мардона устозим!

Сизнинг кулоқларингиз сирға учун яралмаганидики, дуру гавҳар такиб юрганингизни эл кўрмади. Қалам учун яратилган бармоқларингизга танҳо феруза кўзли узуккина сирдош эди. Сиз баркамол оддийлигингиз билан бизни мафтун этардингиз. Сиз янги шеър ёзган кунингиз «Саодат»да байрам бўларди. Тонг сахарлаб шаҳдам қадамлар билан қандай ишхонага кириб келганингизни сезмай қолардик. Марварид Дилбозий, Товшан Эсенова, Оқжамол Омарова, Озод Аминзода, Фариза, Турсунхоним, Римма Казаколовар йўли Тошкентга тушса, албатта, Сизга, сўнг «Саодат»га меҳмон бўлишарди. Даврага шеър киради. Аввал Ҳамид Олимжондан, сўнг ўзингиздан ёд ўқирдингиз...

Сиз минбарга чиксангиз, салобат чўкарди муҳташам саройларга. Тиник ва қатъий, айни пайтда латиф овозингиз сеҳргар эди, шоирим! Катта анжуманларда яхши шеър ўқиган ёш шоирга лутф билан гулдаста тутардингиз, ўзингизга ярашарди бу лутф! Олис юртлардан келган шоиралар ҳам пойингизга таъзим этиб, Сизни идеалим, деб ҳурмат бажо этардилар. Элга муносиб бўлиш баҳтини, Сўзни мукаддас билиш туйғусини дилимизга соглан муаллима бўлдингиз бизлар учун! Йигирма йил аввал бизларни «беш гўзал достоним» деб алқагандингиз. Бугун достонларингиз ўнлаб, юзлаб топилади бу шеърмакон Ватанда...

80 ёшлик тўйингиз Сизни яшартириб юборганди. Ҳукуматимизнинг олий эҳтироми «Дўстлик» орденини олиб бехад қувончдан яйрадингиз. Таваллуд байрамингиз окшоми эса миллий байрамга айланиб кетди...

Табрик хатларига, оддий мактубларга ҳам ўз қўлингиз билан икки оғиз ширин сўз битиб қўйишни яхши кўрардингиз.

Бир суратингизга шундай сўзлар битиб бергандингиз:

« ... Ойдинжон! Менинг Ойдиним! Шеър тинглаган масъуд онлардан хотира...»

Хотира... Бунча аччиқ бўлмаса бу сўз... Юрагимнинг бир тори узилиб айтатириман бу сўзни. Ёркин хотиралар ҳам бир давлат экан. Сизнинг викорли тоғдай бўлиб юрганингиз, гоҳ-гоҳ дийдорлашув, қўнғирок оркали сўзлашувлар ғанимат экан, билсан.

Сиз унуглилар: Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаххор, Уйғун, Миртемир каби ўзбек адабиётининг олтин буржидаги ёркин юлдуз здингиз. Энди бу юлдуз хотира бўлиб қалбимизга, имонимизга кўчди. Начора, ўлим ҳак. Видо демокдан ўзга қурбимиз йўқ.

Кўзда ёш, дилда ёндиргувчи, ўртовчи изтироб билан Сизни кузатарканмиз... Фарёд отиласи юрак тубидан:

— Шунчалар нурли пешона, маликалардай соҳибжамол Зулфияхонимни қандай килиб топширдик-а?..

Тупрокка топшириш мумкинми ўзбекнинг бегойимини?! Фақат бир таскин бу хижронзада юракларга мадад беради:

Умид ва ишонч билан яшаётган, шоираси севиб қуялаган бу меҳнаткаш халқнинг қалбига, ўйларига Зулфияхонимнинг азиз номи тонг нурларидаи сингади. Янги насллар жамолида покиза орзудай, осуда кунлар нашидасидай, муҳаббатнинг навқирон ўланларидаи яшайверади.

... Мен шоир сўзидай интиқ ўқийман.

Баҳорнинг бинафша мактубларини.

Гузал хотиралар – муқаддас Ватан

Пок тутар Дунёнинг қутбларини.

«Миллий Тикланиши» газетаси.

б августи, 1996.

* * *

1997 йил, 1 март. Эрталаб Кутлибека билан Олой бозоридан бир кучок оқ чиннигуллар олиб, Чифатой хобгоҳига бордик. Ҳавода майда булдуруқ ёғиб турарди. Зулфия опанинг қабрларига фарзандлари гул кўйиб кетишган экан. Тиловат килдик. Икки катор қилиб териб кўйилган қизил чиннигуллар орасига биттадан оқ чиннигул қўйдик. Оқ гул, қизил гул ялтираб турарди. Устоз F. Ғулом, А. Қаххор, Ойбек, Шайхзода Уйғун, Ботир Зокиров, Саидахонимларнинг бошларига ҳам ўтдик. Ёшгина аёл қабрлар бошини тозалаб юрган экан, ёнимизга келди, куръон тиловат қилди...

Кўнглимиз бўшаб, фаромуш бўлиб, бу ердан чикарканмиз, кор тезлашди, бўралаб ёға бошлади. Ўтган йили шу куни устознинг иссик бағирларида яйраган гуллар, мана энди кор оғушида жунжикиб, порлаб ётарди. Ўша куни соғинч билан шеър битдим.

Изимда оташсўз шоира қизлар...
Зулфия.

*Сизни сөгинарман байрамларда.
Ёмғир шивалаган кўкламларда.
Давраларда, лутфу карамларда
Иссиқ юзингизни кўргим келадир.*

*Аллоҳдан ганимат инъом тонгларда,
Намозшом гулидай сирли шомларда,
Илҳом шалолали ҳур пайғомларда
Иссиқ юзингизни кўргим келадир.*

*Янги шеър ўқишиб қўнгироқларда,
Ўғитингиз тинглаб жон қулоқларда,
Шифо симиргандай соғ булоқлардан,
Гойибона сұхбат қўргим келадир.*

*Кўкси, кўнгли тўла эзгулик, зиё,
Қайда гуллар энди ул меҳригиё?
Дунёга бир келди-кетди Зулфия,
Баҳордай қайтмайди, дегим келади...*

АБАДИЯТ ЛАҲЗАЛАРИ

2008 йил, 1 март. Намхуш сахар. Кеча ёғиб ўтган ёмғирнинг заҳри билиниб турибди. Бугун шоира Зулфиянинг ҳайкали очилади. Соат 8 га етиб бордим. Тумонат одам. Ўзбекистон Давлат Санъат музейига туташ хиёбон таъмирланиб, ораста килинган, чор атрофда капалакгуллар мўлтираб турибди. Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» кўшиғи янграйди. Орада Зулфияхоним ўзи ўқиган шеърлар юракларга ҳаяжон солади, шоиранинг фарзандлари, набиравари, шогирдлари, Зулфия мукофоти совриндорлари, шаҳар жамоатчилиги ҳаяжонда.

Соат 11 да ҳайкал юзидан ок парда туширилди. Салобат тўкиб, илҳом оғушида хаёлга чўмган Зулфияхонимнинг сиймоси офтобдай чараклаб кетди...

Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайдардин Султонов, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, олима Ҳулкар Олимжонова, Зулфия мукофоти совриндори шоира Дилафрўз Усмонова сўзладилар.

Ўша куни ҳаяжон ичра айтганларим ҳали эсимда:

– Баҳор элимизга Зулфиянинг туғилган куни билан кириб келади. Зулфияни кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам бу сўлим гўшага шоирани зиёрат қилиш учун келадилар. Зулфияхоним диллардан дилларга шеърдан кўприклар ташлаган, эллардан элларга дўстликдан меҳр кўрғонларини тиклаган, сулҳпарвар, эркпарвар шоира. Шеърияти билан, шахсияти билан Шарқ аёли тимсолига айланган. Бу ерга ёшларимиз Садоқат, Вафо, Эътиқод, Нафосат дарсини олгани келадилар. Шоира ҳамон халқига Она бўлиб, мураббия бўлиб хизмат қилмоқда. Кани эди бу нурли, мукаррам сиймо яна сафимизга қайтсаю, бутунги меҳмонларини бағрига босиб, хар бирларини уй

тўрига чорласа... Бугун даштларнинг лолалари келди Зулфияхоним пойига бош уриш учун, Бахмалнинг бойчечаклари келди уни соғиниб... Биз жаннатмакон устозимизни соғинган эдик, мана, озгина бўлса-да таскин топдик. Зулфияхоним билан бу дийдор учун ташаккур. Адабиётга, ўзбек Оналарига бўлган меҳру ихлос учун ташаккур Юртбошимизга...

Радио, телевидение, муҳбирлар, муҳлислар билан гавжум хиёбон аста-аста бўшаб боради. Гуллар чаманзорида Зулфия қайта туғилгандай шеър ўқиб туради:

*Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхиаш,
Сўйдим
эркаландим,
айрилдим,
куйдим,
Иzzат нима – билдим, шу-да бир яшаш!*

Ўшандан бери Зулфияхоним ҳайкали пойидан қадам узилмайди. Ҳамиша гуллар яшиаб туради. 1 март – унинг туғилган куни шеърият байрамига айланади, шогирдлар, муҳлислар, ёру биродарлар бу мунаввар масканга жамланадилар, уни гулларга буркайдилар, шеърлар янграйди, хотиралар қайта-қайта жонланади.

ЗУЛФИЯ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

*Бунда келди Сизни бир бор кўрганлар,
Назм боғингиздан гуллар терғанлар.
Мехробга киргандай сир босиб келар
Бир бора кўрай деб интиқ юрганлар.*

*Чучмомалар келар Бахмал ёқлардан
Ҳамид Олимжоннинг нафасин олиб.
Лолалар тушади Чотқол тоғлардан
Баҳор сочқиларин қўйнига солиб.*

*Аста тушиб мармар кошонангиздан
Маликадай виқор, салобат түкиб,
Мөхр билан ўтиб пешонамиздан,
Даврага кирасиз ёниб шеър ўқиб.*

*Тегрангиз ўрайди бийрон, ҳур қызлар
Гүзәл ёшлигингиз тимсоли, асли.
Күзларида чақнаб баҳтдан юлдузлар,
Тилга кирар буюк муҳаббат фасли.*

*Сандондан сачраган чүгдай ловуллаб,
Юракларга күчар севги, ҳаёт, шавқ.
Баҳор шалоласи тушар шовуллаб,
Шеър сөхрига түлар шоир Шарқ.*

*Шон-шуҳрат ариида порлаган умр
Ҳикмат китобидай варақланар шод.
Ҳоргин чөхрангиздан таралади нур:
«Мен сени куйтайман эй, она ҳаёт».*

*Бир лаҳза мангулик. Бир лаҳза дийдор.
Илоҳий дамларда илҳом ва суур.
Зулфия пойидан бошланган баҳор,
Дилларга ташрифинг учун ташаккур!*

1 март, 2012 йил.

ЁЗИШМАЛАРДАН БИРГИНА ШИНГИЛ

«Ойдинжон!

Мана ваъда қилингган таржималар, аслини ҳам қўшиб юборяпман, албатта таққослаб кўриб, таҳрир қилинг. Ҳамиша кишининг нуқсони четдан аниқроқ кўринади.

Русчаси Сизга керак бўлмай қолгани билан менга қўнгироқ қилинг, мен уни олдираман.

Кўчирилгач, менга ҳам бир нусхасини ўша китоб билан қайтарурсиз.

Зулфия.

19.02.1973 йил».

И з о х: «Шарқ юлдузи» учун қилингган таржима.

* * *

«Ойдинжон! Минг бор кечирсинглар.

Тун соат 1³⁰ гача қайтадан кўриб тузатиб чиқдим, кўчиришга куч топмадим, мана, шу дори таъсиридан гаранг бўлиб соат 7 да уйғондим, кўчира бошладим. Икки саҳифа улгурдим. Ярим соатдан кейин машина келади.

Кейин ишилаб, ташлаб қўярман, афсус.

Сиз ёзинг, вақт сизга етарли. Минг бор узр ва кечирим. Менинг ҳаётим шундай.

Зулфия.

6.09.82 йил».

И з о х: Марварид Дилбозий ҳакидаги мақола кўзда тутиляпти.

Зулфия опа Москвага кетишлари олдидан ёзганлар.

МЕХР ИНЖУЛАРИ

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти.
(«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан)

... Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирордиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият муҳлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболага бўлмайди.

Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз ҳалки ва Ватанига меҳрмуҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вакт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилик ва хижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғамандух ва ҳасратларини матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Ибройим ЮСУПОВ.
Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
ҳалқ шоири.

ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ БУЗУҚ ҲАВОДАН

Зулфияга

Бузуқ кўрдим бугун ҳаво авзойин,
Кўчада ёқимсиз шамол изиллар.
Уй қошида, боқча кеч кирган сайин
Шоирим бир ўзи ўйчан кезинар.

Үнсиз күзатади улкан чинорлар
Япроқларин сочиб унинг пойига.
Майналар чаг-чаглаб қайдадир йиглар,
Каргалар қагиллар анҳор бўйида.

Гул мавсуми тугаб, оёқлабди ёз.
Кузга гал келганин ўйларим маҳзун?
Ўкинч сўқмогида бевақт синган соз –
Армонини тинглаб, титрарми дилхун?

Жароҳати битмас шоирнинг жонин
Ва лекин, шоирам, Сиздан илтимос:
Унумсангиз ҳамки бутун дунёни,
Огоҳ бўлинг бундай ҳаводан бехос.

На куз бу, на қишидир, бир расво ҳаво,
Қай мавсум, деб бирор сўрамас ҳозир.
Ишониб бўлмас бу ҳавога асло,
Ким бўлганингизга қарамас ҳозир.

Ёлгиз тор хонада ёлгизгина соз
Шамол еллиб ўтса, йиглайди мунглуг.
Ўкинч сўқмогида кезманг бу аёз,
Виждонингиз покдир, юзингиз ёргу.

Дардли лира билан одамлар баҳтин
Жон куйдириб куйлаб келгансиз доим.
Гўзалик гулию сабр дараҳтин
Кўнгил богингизга эккан худойим.

Биби Фотимани мен ёдга олсам,
Кўнглимда ҳурматим ортади Сизга.
Агар мен художўй мусулмон бўлсам,
Намоз ўқир эдим этагингизда.

*Гап бор: «асрангани – асрайман» деган,
Бир шложин топар дини сог одам.
Чиқманг бу изгириқ турган күчага,
Үзингизни асранг бузук ҳаводан!*

*Светлана СОМОВА,
рус шоираси.*

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИГА

Шоира Зулфияга

*Бу кўзларми, қора чарос ё?
Бундоқ кўзлар этса мубтало
Ғазал битиб шоир бўлурлар,
Хаёлларга асир бўлурлар.
Ниҳол қаддинг елда тебранган
Қизил гулнинг нозик бир банди.
Ё қирдаги оқ лоламисан
Тошкент богин эрка дилбанди?
Сочинг қора шаршара мисол,
Нигоҳингда ўқтамлик, гурур.
Хулқингдаги соғ тийнат, жамол
Халқинг феъли мужассамидур.
Не толедир: буюк бир шодлик
Бахш этибди бу она диёр:
Дуторинг бор мӯъжиза созлик,
Күшиқлари жўшқин, бетакрор.
Бармоқларинг тор пардасида
Югуаркан, сочилсин жаранг,
Дарё бўйи, тоз дарасида
Ёйилганда бу баҳтили оҳанг,
Жўровозинг бўлсин сингиллар,
Авж пардада жўшсин мақоминг.
Тинглайверсин элатлар, эллар.
Сеҳрласин хушбахт илҳоминг!*

Еркеш ИБРОХИМ,
қозоқ шоури.

ҲАДЯ ЭТАЙ

... Мен она ўлкамда гулшан оралаб,
Сўзга сўз қўшгандай гуллар саралаб,
Миниб Кўкчатовнинг ҳур шамолига
Чиқурман Зулфия истиқболига.

Бу соғ ҳавони ул бол каби тотсин,
Бу гўзал қирлардан маҳлиё ўтсин,
Ҳеч ким битолмаган бир қўшиқ битсин,
Бу юрт сувратини юракда элтсин.

Ошарман булутга туташ тоғлардан,
Муздай сувлар олиб шўх булоқлардан,
Бахмал ўтовлардан, кўк ўтлоқлардан
Унга тұхфа элтай кўп йироқлардан.

Яна ҳадя этай тип-тиниқ бир кўл.
Сувлари жисмиргаб турсаю мил-мил,
Ярадор бир оққуш бошида нуқул
Жуфти чарх урганча сўраса кўнгил...
Унга ҳадя этай тип-тиниқ бир кўл.

Виталий КАЧАЕВ

ЗУЛФИЯ ЭККАН КЎЧАТ

Оқ булут қанотида,
Шамоллар қўшигида
Африка тупрогоида
Кўчат ўтказди шоир...
У кўчатнинг томири
Тошкент қалбига туташ.

*Шоир шеър ўқири экан
Мисрик,
Сомалилик
Қизлар сари талпинар,
Барг ёзади чинор ва
Худди бўлиқ тупроққа
Интилганидай илдиз
Талпинади ёш дараҳт...
Бўз ерда, қақроқ ерда
Томир отар, чирмашар
Зулфия эккан дараҳт.
Шоир жўнаб кетаркан,
Занжси қизлар боқар шод:
Кун қиздирган маконда
Куртак ёзган кўчатмас,
Шоира ўз қалбини
Қолдирганди умрбод...*

*Лиана ДАСКАЛОВА,
болгар шоираси.*

ЗУЛФИЯГА

*Қора зулфларингда баҳор атри бор,
Жон ўртар сен ишқ деб созлаганды тор.
Илҳом парисин-да сенда кўнгли бор,
Шундан лирикангга ёшлиқ шавқи ёр,
Қора зулфларингда баҳор атри бор...*

*Хонбibi ЭСЕНҚОРАЕВА,
қирғиз шоираси.*

ЗУЛФИЯХОНИМГА

Шоиранинг 80 йиллик юбилейида ўқилган

*Тўмарисдай эл бошқариб,
Кирнинг бошин олмадинг.*

*Бибихонимдай Темурга
Нақшин сарой согмадинг.
Бироқ сени сүйган элга,
Сенга таъзим қылган элга
Умрингни бағишладинг.*

*Шеърларингга ошиқ бўлиб,
Ҳайрон қолган зотлар кўп.
Келажакка қаламингнинг
Бисоти мўл, мулки хўп.
Ким айтади тош кесмоқдан,
Ким айтади бош кесмоқдан
Ўлан ёзмоқ ўнгай деб?*

*Шеър ёзмоқ – тогни агдармоқ,
Заргардай қум эламоқ.
Олтин ўлан излагандা
Олов тутди Ёнартог.
Саксон ёшга кирган опам,
Саксон олма терган опам,
Бош эгаман эгилиб.*

*Бор-будингиз ишқ, нафосат.
Сиз – ор-номус тугидай.
Кўнглим маним чайқалади
Сирдарёning сувидай.
Қандай ўлан мангу қолар,
Қайси ўлан йўқолар
Бир дарёга қуийлмай?*

*Асқар тогдай қизлар борки,
Сўз заргари Сизлар борки,
Ортимизда излар борки,
Йўқдир ҳасрат, қайғум-да!*

*Доно Шарқнинг чинорисиз,
Сиз Туроннинг туморисиз –
Хосиятли, бўйнимда.*

*Ўйламасдан ўт симиргум
Севмоқ учун Ватанди
Бўз даладан бўзлаб келдим,
Багрингга ол бўтангни!
Бир қўлимда қаламим бор,
Битта қўлимда болам!
Йулим очиқ, хатар – бекор,
Довул-бўрон қўлмас кор –
Устоз, бер фотиҳангни!*

1995.

МАКТУБЛАР...

Қадрли Зулфия!
Азиз хоним!

Сизнинг ажойиб мактубингиз ва гўзал китобларингизни олдим. Бехад миннатдорман. Менинг сафаргашта умрим хатларга жавоб ёзишимни доим кечикитиради. Узримни қабул этинг. Бу мактубингиз мени қанчалар суюнтирганини, ҳаяжонлантирганини тасаввур ҳам этолмайсиз. Уни ўкиб, кўзимга ёш келди. Сиз қанчалар ноёб истеъодд эгасидирсиз, хатдаги донолик эса ҳайратга солди мени. Сиз чиндан истеъоддлисиз, Сизда табиий софлик балкиб туради, маънавий-рухий кувват бор, оламдаги барча гўзаликнинг бокира ибтидо туйғуси, шеъриятга илоҳий муносабат ва нафис теранлик бор Сизда. Мактубингизни ўкиб, руҳим покланди гўё. Бу гапларимда лофт йўқ. Факат Сизга ташаккурим баёни, холос.

Хом сут эмган бандалар каби менинг бу дунёда гунохларим кўп. Сиз эса маъсумасиз. Сиздан мусаффолик, руҳий кудрат насимлари эсади. Мен Сизни ва китобларингизни ана шу боисдан ҳам севаман. Сиз улкан Инсон ва катта шоирсиз. Бу таъриф Сизга ярашади доим.

Китобларингизни аслиятда ва таржимада ўқидим. Сиз Шарқ ва Farb оҳангларини ўз ижодида пайваста килган ҳозирги замон сўз санъаткорларидан бирисиз, ўз она тилининг имкониятлари ва кардоп халқлар маданий бойликлари ютуқларини омухта килиш эса ажойиб самаралар беради.

Гапим чўзилиб кетди, чоғи... Мактубингизда ҳаёт ва шеърият хусусида ажойиб фикрлар бор. Бу фикрлар теранлиги, таровати ва соғломлиги билан менда таассурот колдириди. Фикрларингиз кенг кўламли, улар одамни хаёлга толдиради. Улар дилга яқин, содда. Шу туфайли ҳам ҳайратимни узундан-узок сўзларда ифодалаяпман.

Азиз Зулфия!

Бир томлик китобингизга сўзбоши ёзиб беришимни истабсиз. Мен бундай илтимосни бажаришдан кувонаман, ўзим учун фаҳр ва шодлик деб биламан, жон-дилим билан адо этаман. Бу шунчаки шарқона лутф эмас, юрагимнинг нидосидир.

Сиз шахс ва санъаткор сифатида мен учун қадрлисиз. Сизни ва Сиз бошингиздан кечирган барча ташвиш ва шодликларни ғоят хурмат қиласман.

Якинда китобингиз муҳаррири Г. Фолькдан хат олдим, сўзбoshини кутяпти экан. Кеча унга жавоб бердим, март охирларида қўлига тегади...

Азиздан-азиз Зулфияхоним, Шарқнинг юлдузи, кўрки, Шарқнинг биллурдай жарангдор овози! Мен «Зулфияга» деган шеър битдим, Н. Гребневга бердим таржима учун. Ҳозир у шифохонада, у согайиб чикқач, русчага ўгирса, ижозатингиз билан матбуотга бепармиз.

Кириб келган янги йилингизда узок умр, саломатлик, илҳом, шодлик ва барча эзгуликлар ёр бўлсин. Яна бир бор тухфа китобларингиз, хатингиз учун ташаккур айтиб,

Сизни бехад хурмат килувчи, оғаларча ардоқловчи

Сизнинг Қайсиң ҚУЛИЕВ,
(Қабардин-болқар шоири).

8 январь, 1974,
Нальчик.

* * *

Бизга туғишидан азиз Инсон, кадрли Зулфия, күнглиминг шавкатли валломати!

Сизнинг таваллуд байрамингиз шукухи, Зулфия овулининг нафис рухини биз ҳамон асраб юрибмиз. Мен ва рафиқам Равзахоним Сизни кўпдан бери билардик. Лекин ўша (1975 йилнинг) ноябрь кунлари Сизнинг юксаклигинингиз, ўхшаши йўқ улуғворлигинингизни қайтадан кашф этдик, ҳис килдик. Вақтни ҳам, табиатни ҳам, олқиши ва мақтовлар, карсаклар шавқини ҳам эслай олмайман. Фақат Сизни, мукофотлар, мақтовли сўзлар заррача ўзгартиrolмайдиган собит эътиқодли Инсон – Зулфияни эслайман. Шеъриятга содик ва муносиб шоири Зулфияни эслайман. Сизнинг шеъриятингизни ва барчага мансуб шеъриятни эслайман. Зеро, барча истеъдод эгаларига ҳам шеъриятга муносибликни ато этмаган. Ва барча талантли шоирларга ҳам ўз истеъдодига муносиб бўла олиш баҳтини бермаган. Сиз ўз истеъдодингизга ярашиқлисиз, Зулфия!

Оғаларча кучиб, хамиша Сизнинг

МУСТАЙ,

17.01.76.

(Из оҳ: *Мустай Карим,*
Бошқардистон ҳалқ шоири.)

* * *

Ассалому алайкум меҳрибон онахонимиз Зулфиябегим!

Азиз онахон, мен Тошкентдан катта таассурот билан келдим. Ҳали ҳам кўз олдимда ўша катта Туркистон саройи, ўша зиналар, ўша атлас кўйлакли кизлар, ўша меҳчагуллар (чиннингул). Хўжандга келиб ўз таассуротимни катта мажлис (хотин-кизлар йиғини)да айтиб бердим. Телевизорга чиқиб, Президент муҳтарам Ислом Каримовнинг сизга ёзган мактублари, миллий байрам эълон қилганлари, Сизга тақдим этган тухфаларини айтиб бердим. Бизда апрель ойидан бошлиб янги журнал («Хўжанд» – ёзувчилар учун) чиқаяпти. Тўртинчи сонида Сизнинг сувратингиз билан менинг таассуротларим чиқди. Ўша журнални сизга юбораман, қабул килинг.

Азиз онахон, менинг номимдан қизингиз Ҳулкарой, набирангиз Фотимахон, гўзал қиз Сайёрахон, ўғлингиз Омонжон, хамма дўстларга салом ва эҳтиромимни айтарсиз. Ойдиной Ҳожиева, муҳтарама Дилбархон Ғуломовага катта раҳмат ва самимий салом.

Кечирасиз, ўзбек тилида биринчи хат ёзишим. Хатоларини ислоҳ килиб, ўқийсиз.

Мехри шумо ҳамеша дар дили ман. Ба шумо саломати, умри дароз, табъи хуш, илҳоми фаровон орзумандам.

Камоли эҳтиром билан,

Озод АМИНЗОДА.

Хўжсанд шаҳри,

(тожик шоираси.)

28.08.95.

ДЎСТЛАР ҲАМДАРДЛИГИ **ЗУЛФИЯХОНИМ ИСРОИЛОВА ВАФОТИ МУНОСАБАТИ** **БИЛАН ТАЪЗИЯНОМА**

Ўзбек халқининг асл фарзанди, ўзбек маданиятининг намояндаси Зулфияхоним Исройлованинг вафоти мени чукур кайгуга солди. Унинг ёрқин шеърияти ватанпарварлик, дўстлик ва биродарлик, ҳаётсеварликнинг, Аёл қалби гўзаллигининг ноёб қўшиклари эди. Унинг сермазмун ва қизғин адабий фаолияти Ўзбекистон маданий ҳаётини бойитган, қардош халкларнинг ҳам бебаҳо мулкига айланган, бутун дунёда шуҳрат козонган. Бизнинг серташвиш, курашларга тўла давримизда у авлодларга бунёдкорлик, руҳий маънавий камолотни васият қилди. Мен шахсан сухбатларига сазовор бўлганим, Ҳиндистоннинг улкан дўсти, буюк арбоб – Зулфияхонимни йўқотишдан беҳад изтиробдаман.

Аллоҳдан унга раҳматлар бўлсин!

Ҳиндистон Ташқи Ишлар вазири
жаноб И.К. Гужрал.
1996.

ЗУЛФИЯ – МЕНИНГ АЛКА КУМАРИМ!

Хиндистон Осиё ёзувчиларининг анжуманинига келганида Зулфия менинг меҳмоним бўлди. Ана шунда ўртамиизда мустаҳкам дўстлик пайдо бўлди. Бу дўстлик мен Ўзбекистонга ташриф буюрганимда яна ҳам чукур илдиз отиб, гўзал мевалар берди. 1961 йили мен Зулфия хонадонида бўлдим. Унинг бир неча шеърларини панжоб тилига ўтиришди, у эса менинг байтларимни ўзбекчалаштирид.

*Яна илҳом шавқида юрак
Сўз излайди ёник, беором...*

Ўзбекча сўзлар, панжоби оҳанглар бир сатрда тизилиб, илҳом шариллаб, дўстлик ҳакида гўзал бир достон ёздим.

Тошкент билим юртларидан бирида адабий учрашув бўлди. Биз ўз шеърларимизни ўқидик. Мен бухороча зардўзи дўппи кийиб олган эдим. Зулфия кулоғимга шивирлади:

– Ё раб, сен ўзбек гўзалига ўхшайсан, Амрита!

Эртаси куни биз атлас тўкувчи кизлар даврасида бўлдик. Бизга шоҳи рўмоллар тухфа қилишди. Шоҳи дуррача ўраган Зулфияга қараб мен ҳам лутф қилдим:

– Зулфия, сен панжоб гўзалининг ўзи бўлдинг-қолдинг!

Зулфия мени ўзбекчалаб Амрита хоним деб атай бошлади, сўнг исмимнинг маъносини сўради, ўзбекчада мени Ўлмас хоним деб сўйлай бошлади. Мен «Зулф» сўзининг хиндуҷчада «Алка Кумари» маъносини билдиришини айтиб, дугонамни Алка Кумари деб чақира бошладим.

Бизнинг дўстлигимиз икки шоиранинг, икки тилнинг, икки элнинг чинакам дўстлиги, дилга яқинлиги тимсоли эди.

Менинг Зулфиям – Алка Кумарим хотирасига хайру дуолар бўлсин, дейман.

*Амрита ПРИТАМ,
1996.*

И з о х: *Шеърлар, хатлар ва таъзияномаларнинг қорақалпоқ, қирғиз, рус, тоҷик тилларидан таржимаси муаллифники.*

ТАВАЛЛУД БАЙРАМЛАРИ

* 1975 йил, 14 ноябрь.

Шоиранинг 60 йиллик юбилей тантанаси М. Қори Ёкубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг концертлар залида бўлиб ўтди. Анжуманда Қайсин Қулиев, Мустай Карим, Муса Ғали, Давид Қуғултинов, Евгений Евтушенко каби машҳур шоирлар иштирок этдилар. Зулфиянинг ижодий йўли ҳакида профессор Лазиз Каюмов маъруза қилди.

* 1985 йил, 2 декабрь.

Алишер Навоий номидаги Катта Академик театрда атоқли шоиранинг 70 йиллик таваллуд кечаси бўлиб ўтди. Саҳнада ҳар галгидай машҳур кишилар эмас, Зулфияхоним ва унинг шогирдлари – таникли шоиралар. Шогирдлар номидан «Гулхан» журнали Бош мухаррири О. Ҳожиева устозни қизғин табриклади. Беларус шоираси, Зулфиянинг кадрдан дўсти Эди Огненцвет самимий тилакларини изҳор қилди...

* 1995 йил, 30 май.

«Туркистан» саройида Зулфиянинг 80 йиллигига бағишлиланган тантанали кеча бўлди. Ўзбекистон Президентининг чукур эҳтиром билан битилган табригини Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди. Олим Иброҳим Faфуров маъруза қилди. Устозни кутлаш бахти менга ҳам насиб этди.

Эртаси куни Зулфия хонадони элга дастурхон ёзди.

Соат 12 ларда барча шоира, адива, журналист кизларни устоз меҳмонга чорладилар. Файзли хонадонда самимий сұхбат, қизғин мушоира оқшомгача давом этди.

* 1999 йил, 10 июнь.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан 14 ёшдан 22 ёшгacha бўлган истеъоддли, зукқо, ўқишда ва жамоат ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган кизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Тошкентдаги марказий кўчалардан бири Зулфияхоним номи билан атала бошланди.

2000 йил. Шоиранинг умр йўлдоши Ҳамид Олимжоннинг хоки Чигатой кабристонига – Зулфия ёнига кўчирилди ва мармар лавҳа ўрнатилди.

* 2008 йил, 1 март. Пойтахтнинг сўлим, обод гўшасида шоира Зулфияга ҳайкал ўрнатилди, тантанали маросим ўтказилди.

МАЪЛУМОТНОМА

Атоқли шоира, жамоат арбоби, Мехнат Қаҳрамони (1984), Давлат мукофоти совриндори (1970) Зулфия Исройлова 1915 йил 1 марта Тошкент шаҳрида дунёга келди. Илк китоби «Ҳаёт вараклари» 1932 йилда чоп этилди. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида «Уни Фарҳод дер эдилар», «Садоқат», «Ҳижрон кунларида» шеърий тўпламлари уни элга танидти, машхур қилди. «Асарлар» (2 жилдлик), «Йиллар, йиллар», «Юрак ҳамма вакт йўлда», «Туйғулар, ўйлар», «Шалола» «Ўйлар», «Мушоира», «Камалак» каби ўнлаб китоблари мухлисларнинг севимли мулкига айланган. Асарлари дунёнинг кўпгина тилларида чоп этилган. У Жавоҳарлаъл Неру (1968), халқаро «Нилуфар» (1971) мукофоти соҳибаси. Болгариянинг I даражали «Кирилл ва Мефодий» (1972) ордени билан тақдирланган. 1953 йилдан 1985 йилгача «Саодат» журналига бош муҳаррир бўлган.

1994 йил. Зулфияхоним мустакил Ватанимизнинг биринчи «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Леся Украинка, Сильва Ка-путикян, Марварид Дилбозий, Амрита Притам, Эди Огнешвет, Мустай Карим каби шоирлар асарларини ўзбек тилига таржима килган.

Жртми, эслайсан ми Музайяни

Фольклоршунос олма, шоира Музайяна
Алавияни хотирлаб...



ЧАШМАЛАРНИ ИЗЛАЙМАН

Ёзнинг узун йўлига чиккан офтоб ботиб боряпти. Табиат яна бир иш куни олдидан оромга чоғланмоқда. Тошкентнинг кечки югурик шабадаси район ва анжир хидларини гуркиратиб ўтди. Бу хидлар атиргул, майса-кўкат, дала гулларининг бўйи билан аралашиб кетган. Табиатда ажиб тароват ҳоким. Ёнғокнинг қуюқ барглари орасида зарғалдок «биёв-биёв»ини, нозик, ўткир овозли саъва эса «чив-чив»ини басма-басга давом эттиради. Шохлаб кетган, тикка танасида ғуж-ғуж ғунча бўртиб турган тўппончагул қанотини ёзаётган сарик ниначига ўхшаб «мўйлов»ларини қимирилатади. Гулнинг вужудига титрок киради. Бирин-кетин гул япроклари ёилиб, бир ховуч ўткир ифорни атрофга пуркайди. Гулнинг момик найчалари шабадада хилпирайди. Зум ўтмай қайдандир асалари учиб келди. У зувиллаб, гулнинг косасидан бол эмди, кейин иккинчисига, сўнг учинчисига ўтди. Енгил қанотларини таранг ёзиб, учди-кетди. Бу манзарани кузатарканман, шоирларни боларига ўхшатишлари бе-жиз эмаслигини ўйлаб колдим.

Музайяна Алавия – аввало шоира. Сўнг эса, фольклоршунос олима. У ҳамиша ўзининг қизикарли сухбатларини шеър билан бошлаб, шеърда тугатади.

1927 йил. Акмалхон тўранинг 18 ёшли қизи паранжисини ташлаб Тошкентга билим олиш учун «кочиб» келган эди.

Тўғрироғи, хотин-кизлар клуби мудираси Марям Баттолова ҳеч кимга билдирамай, 23 сентябрь кечаси уни Тошкентга олиб келди. Бу воқеа Пискентда дув-дув гап бўлиб кетди, кўшикларга айланди:

*Музайяна қочиб кетди,
Сочвонини очиб кетди...*

Музайяна кўркам, қадди-қомати келишган киз эди. Совчи устига совчи келарди. Унинг чиройини шундай таърифлардилар:

*Музайянхон ўн бешда,
Орқа сочи қирқ бешта.
Орқасидан етолмай
Қирқта иигит саргашига.*

Музайянахон эса илмнинг шайдоси. Уни янги ҳаёт, маърифат чашмалари ўзига чорлар эди. Отаси Акмалхон туранинг тахалуси Осий бўлиб, таъби назми бор эди. Форс-араб тилларини мукаммал биларди. У Тошкентдан Пискентга келиб колган бўлиб, ерли халқ уни «куёв тўра» деб ҳурматлашарди.

Шундай килиб, Пискентдан ўқишга «қочиб келган» Музайяна билан сухбат, савол-жавоб бўлди.

Ойдин Собирова киздан сўради:

- Тошкентда ўқийсизми?
- Ўлдиришади.
- Ленинградга юборайликми?
- Узок...
- Самарқанд-чи?
- Майли.

Сўнг ариза ёзинг, деб қоғоз узатишди. Музайяна аризани узатгач, шивир-шивир бўлиб кетди.

- Эй, бу киз шоира экан! Аризани шеърда ёзибди...

* * *

1927 йиллар.

Бир аёлдан у шундай қўшиқни ёзиб олган эди:

*Дарё тошқин, сувлар тўлқин, ўтолмайман-о,
Отим ориқ, манзил узоқ, етолмайман-о.
Отгинамни ориқ қилган шул майда тош-ей,
Ранггинамии сариқ қилган шул қалам қош-ей!*

Бу – халқ юрагида ёниб турган нола эди! Бу – рўёбини топмаган исён эди! Бу – бахт ва ёруғлик манзилини, мухаббатнинг обод йўлларини излаган армон эди! Тошкин дарё эса зулматнинг туб-

кирғоқсиз нахри, жаҳолатнинг оловли саҳролари, ночорликнинг бедод зим-зиёлиги эди! Бу исён ўша йиллари Музайяна гашаш илм толибалири, озодлик шайдолари жасоратида ўз ифодасини топди!

Аввал Самарқанддаги педтехникумда, сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат пединститутида билим олган Музайяна Алавия узоқ йиллар адабиёт муаллимаси бўлиб ишлади. Халқ ижодига бўлган қизиқиши шоира Музайяна опамизнинг кўнглида порлаб турарди. 1940 йилдан бошлаб бебаҳо халқ дурдоналарини йиғишдек сермеҳнат ва серзавқ ишнинг бошини тутди. Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг кичик илмий ходими (1940–1959 йиллар), 1959–1988 йилларда катта илмий ходим бўлиб ишлади. Республикализнинг жуда кўп кишлоқ ва шаҳарларида бўлиб, турли касбдаги аёллар билан, чечан ва зукко момолар, баҳшилар, халқ шоирлари, халфалари билан учрашиди. Авлоддан-авлодга, наслдан-наслга мерос бўлиб келаётган халқ оғзаки адабиёти намуналарини меҳрмуҳаббат билан ёзиб олар, кўшикнинг сехрли қурратига, эртакларнинг, мақолларнинг теран маъносига койил бўларди.

* * *

Халқнинг барча орзу-умидлари, урф-удумлари, ҳаёт тарзига кўзгу бўлган кўшиклар! Сенинг қалбингта бу қадар фифон ва фарёд, бу қадар оташин севги, бу қадар чиройли, канотли орзулар кандай сиғди экан! Халқнинг юрагида милдираб ётган бу қайнар булокнинг сарчашмаси қаердан бошланади экан! Бундай ўтли туйѓулар осмон каби тоза юракларда, тоғ каби баланд кўкракларда туғилмасми?

У қошим ҳам бу қошимнинг ораси бир қилча бор,
Ғам билан ўтган умрнинг соати бир йилча бор!

Бу байтлар коғозга тушар экан Музайяна опанинг кўнглини ёндириб, зеҳнини чархлаб, кўлларини толдириб, сўнгтина саҳифаларга толиккан күшлардай кўнардилар!

Музайяна опа қанча хонадонларнинг азиз меҳмони бўлди, қанча юракларнинг пинҳон чашмаларига сўз орқали йўл топди.

Ахир, қўшик ҳам юракнинг сири-да! Шу сабабли, баъзан унга рўйхуш бермай, билганини ҳам айтмай, «сир сақлаб», мум тишлаб олганлар ҳам бўларди.

Ялангоёқ ер кечиб, қизилоёқ қир кечиб, гоҳ пиёда, гоҳ уловда, қаерда бахшиман, деган бир одам дарагини эшитса, Музайяна опа боришдан, сухбат қуришдан эринмасди. Эртак, мақол ва қўшикка чечан аёлларни жуда усталик билан гапга солар, уларга ўзи ўқийвериб ёд бўлиб кетган термаларни айтар экан, қўшиклар канотланган қушдай юракларнинг дарвозасини «тарс» очиб учиб чиқарди. Туморча хатларда, белбоғ ҳошияларида, уйларнинг пештоқига, пиёла-ларга битилган байтлар қуилиб келаверарди:

*Субҳидамнинг салқини
сўлдирди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиглай
бевафонинг дардини...*

Шу тахлит нозик ва хассос меҳнат маҳсули бўлиб «Ўзбек халқ қўшиклари», «Ок олма, қизил олма», «Янги лапарлар» каби ажойиб китоблар юзага келди. Халқ ижодининг хаётбахш чашмалари унинг ўзига ҳам илҳом берди, шоиранинг «Севинчларим» шеърий китоби нашр этилди. Олимамиз наинки, халқ оғзаки ижоди, балки халқнинг энг яхши фазилатлари, урф-одатлари, гўзал хулқларини ўрганди, ориф ва фозил одамлар ҳаётига оид маълумотларни йиғди. Мана шундай изланишлардан «Одамийлик ҳақида», «Камтаринлик – гўзал фазилат», «Ён қўшним – жон қўшним», «Ахил бўлинг» каби рисолалар ёзилиб, эл орасида кўлма-кўл бўлиб кетди.

* * *

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Музайяна Алавияга институтлардан, ташкилотлардан кўп қўнғироқ қилишади, илтимослари битта: ёшларимизга одоб-ахлоқ, муҳаббат ҳакида сухбат килиб берсангиз. Музайяна опа ғурур ва ҳаяжон, камоли ихлос

билан ёшларга бу мавзуларда сўзлаб беради. Бундай маърузалар унга жуда-жуда ярашади.

* * *

Замон қўшиқларни янгилаб, уларга янги ранг, янги оҳанг бериб, бағридаги тутунларини суриб кетар экан! Машхур халқ бахшиси Ислом шоирдан ёзиб олинган «Уч қиз», «Чўпон қизи» каби талай шеърлар, термалар, «Нарпай қаҳрамонлари» (асар тугалланмаган) достони янги қаҳрамонлик мадхияларидир.

— Сехрли оҳанг, айниқса дўмбира жўрлигидаги қизлар таърифи ҳар қандай одамни ҳаяжонга соларди. Бу таъсирчанлик шу кадар кучли эдики, ҳатто тингловчилар орасида ҳаяжонли кийқириклар, воқеалар моҳиятига караб беихтиёр хайриҳоҳлик ёки норозилик эшитилар, тингловчилар чехрасида шодлик, гоҳ ғам аломатлари пайдо бўларди, — деб хотирлайди Музайяна опа Ислом шоир ҳақида гап боргандা.

Қўшиқ инсоннинг энг вафодор йўлдошидан бири. Курашда ҳам, меҳнатда ҳам, тўйда ҳам, азада ҳам унга доимо қўшиқ мададкор бўлади. Тўй қўшиклари нечоғлик шодумон ва баланд макомда, завқу завкиёблика бўлса, маросим қўшиклари шунча маъюс, дилгир, армонли... Музайяна Алавия тўплаган, саралаб китоб ҳолига келтирган «Ўзбек халқ маросим қўшиклари»ни варакласангиз, бунга ишончингиз комил бўлади.

* * *

У доим яхши одамлар сұхбатида бўлгани учун ҳам доим эзгу гаплардан, яхшиликдан сўйлайди. Кези келганда, ўринли фаҳр билан ажиб мушоираларни эслайди.

1940 йил. Академиянинг филиалида ишлардик. Ҳамма мутолаа, таҳрир билан банд. Эшик очилиб, кўхлик бир киз кириб келди. Дўстлардан бирини сўради. У киши йўқ эдилар.

Ким сўради, деб айтайлик?

Саодат сўради, денг.

Аёл чиқиб кетгач жимлик чўкди. Бир пайт жимликни шоир Анисий бузди:

Саодат юлдузин кўрким, Шаҳодат оя ўхшайдур!

Шунда байт дедим:

*Дурри мақсудни топган қиз сурурин сидиролмайди,
Музайян кўксига фазли дурри яктоя ўхшайдур.*

Бокий деди:

Музайянхон билан Зебуннисо ҳамсоя ўхшайдур!

– Боқий ҳам, Анисий (Абдулаҳад Азизий), Содик Мирзаев – арабшунос олим ҳам юрак кишилари эдилар. Китобни, билимни имон қадар севар эди улар, – дейди Музайяна опа ўз ҳамкаслари хақида.

Музайяна опа ўзи ҳам китобларни жон қадар севарди.

1980 йил. Ёшлар ташкилоти топшириғи билан Кўқонга бордик. Йўл-йўлакай Фарғонанинг Бешарик туманига тушдик. З соат бўш вактимиз бор. Бир пайт аямиз кўринмай қолдилар. Бир муаллим йигит билан Ўтинбозор қишлоғидаги кекса ўқитувчининг уйига кетдилар, дейишди.

Кечкурун «Кўқон» меҳмонхонасига хурсанд кириб келдилар. Жуғрофия муаллимида жуда ноёб қўлёзмалар борлигини билибдилар. У кишининг манзилларини ёзиб олганлари, Кўлёзмалар институтига топширишга кўндирганларини шу қадар севиниб сўзлардиларки, бу меҳнаткаш олимага ҳайрон бўлиб қарашарди қизлар.

– Энг буюк асаларни ҳалқ яратган. Ҳалкнинг ўзи ундан баҳраманд бўлиши керак-да, қизларим, – дерди Музайяна Алавия.

Тонг қоронғусида Музайяна Алавия Жомеъ олдидаги бозорга боргандлари, у ерда ноёб қўлёзмалар, нодир китоблар излаганларини билиб колдик.

* * *

Фольклоршунос олиманинг халқ оғзаки ижодини ўрганиш, тўплаш, уни нашр эттиришдаги олийжаноб хизматларини хукуматимиз муносиб такдирлади. Унга «Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати» деган юксак унвон берилган. У филология фанлари номзоди ҳамдир.

Чашмалар! Халқнинг донолик ҳикмати билан лиммо-лим кўшиклар чашмаси – сершогирд олима, шоира, муаллима Музайяна Алавиянинг йўлларини шодлик гулларига тўлдириди, кўнглини му-наввар, умрини музайян этди! Куни-кечагина Музайяна опамиз билан сұхбатлашаётсам, Бўкага, «Кизлар гурунги»га таклиф этишган экан. Икки юзи қип-қизил, кўзлари ажиб беғуборлик билан кулиб турувчи, улуғсифат бу аёлга ҳавас билан термуларканман, уриниб қолмайсизми, икки соатлик йўл, ахир, Музайяна опа, дедим.

– Мен ёшларни кўрсам, уларга икки оғиз арзигулик гап айта ол-сам, кучимга куч, илҳомимга илҳом кўшилади. Менинг камтарин меҳнатимдан баҳраманд бўлаётганлар борлигидан, шеъримни, севинчларимни баҳам кўрадиган баҳтли авлод борлигидан кўнглим тоғдай ўсади!

* * *

1982 йил. Янги йил кунлари. Музайяна Алавиянинг ёстиқдоши, таникли шифокор, олим Лутфулла Алавий оламдан ўтдилар. Шоира Эътибор Охунова, Фарида Усмонова, журналист Санъат Маҳмудова билан аядан кўнгил сўраб, таъзия изхор қилгани бордик.

Файзли хонадон. Аянинг қариндошлари ҳам шу ерда. Музайяна Алавия биз билан меҳрибонларча кўришдилар...

– Одам эканмиз! Пискентдан, бу ёғи маҳалладан одам оёғи узилмай келиб туришибди! Ҳали Зулфияхон келгандилар, Фузулийдан ўқиб бердим. Домла яхши кўрадилар. Навоий – уммон, дердилар домла.– Навоий ҳазратнинг китобларини иззат билан токчаларга териб кўйганлар. Дуру гавҳар керак бўлганда, бу уммонга ғаввос бўлиб шўнгийдилар.

Фузулий – пўртана отиб ётган тошқин дарё. Фузулийнинг девонини ошиқлар ёстиклари тагига қўйиб ухлайдилар!

Домла шифокор бўлганлари билан адабиётни чукур билгувчи эдилар.

Суҳбат мавзуси бугунги кунда мухаббат, оиласа келиб тақалди.

— Мухаббат — хаё, вафо, хурмат, садоқат билан тирик. Мухаббат — икки калбнинг буюк баҳрамандлиги! Халқ қўшиклари даги мухаббат шундай. Фидойилик, самимият, андиша, хаё, хурмат йўқолган жойдан меҳру мухаббат кўтарилади...

Суҳбат анчагина давом этди. Биз бу маърифатли хонадондан кўнглимиз кўтарилиб, одамларга ихлосимиз ортиб, ишга йўл олдик. Ҳолбуки, аслида биз Музайяна аямизнинг кўнгилларини кўтаргани келган эдик...

Назаримда, Музайяна Алавия жуда кўп йиллар давомида меҳр билан, тинимсиз излаб топган чашма — ҳалқнинг буюк донишмандлик, ҳикмат чашмаси унинг ўз қалбида ҳам оқаётгандай эди...

У ҳозир ҳам худди боларидек зарра-зарралаб ҳалқ ҳикматларини тўплаб одамларга, азиз замондошларига, ўзи севган ёш авлодга тортиқ қилмоқда.

ХАЛҚ БИЛАН БЎЛГАНИМ ЯХШИ!

— Кўэ нурим Мусаввараҳон! Кўрганда эсламай, эслаганда кўриб юрарсизлар. 20–30 ўртоқдан фақат Турсуной билан мен қолибмиз.

Умр қисқа, дунё бевафо. 1984 йилнинг ноябррида тушганмиз.

(Музайяна опанинг кизига берган сувратга ёзгани).

Олима Музайяна Алавия завқли, куввайи хофизаси кучли, ўлан ва байтларнинг кони. Ҳазрат Навоийдан, Фузулийдан, Чўлпондан шу қадар тиник ва равшан бир оҳангда ғазаллар ўқир эдиларки, майин ва ҳалим овоз сизни элитарди. Ая меҳрибон, камтарин. Кулгичлари ўзларига ярашган. Ғийбатни ёмон кўрадилар. Ҳиммат ва хилм ҳакида ҳикмат айтардилар:

*Латофат бирла токим битмаса иш,
Келур кулфат олиб албатта коҳиши.*

– Ҳақиқий овчи ўлжасининг терисини кияман, этини ейман, деб шикорга чикмайди. Овчи мард, химматли бўлмоғи керак. Ҳиммат дунёда энг улуғ фазилат, – дердилар.

1982 йил. Бухоро сафарида бирга бўлдик. Музайяна ая ўлан ва термалар айтиб, бир зал одамни ўз оғзиларига каратдилар (ўшанда ая 73 ёшда эдилар). Лутф килиб, алоҳида машинага таклиф этишади. Лекин камтарин олима лип этиб автобусга чиқадилар ва «халқ билан бўлганим яхши», дейдилар охиста. Бухоронинг қадим минорлари сукутга кетган тунда эса Музайяна ая ривоят айтадилар.

Ривоят:

Боязид Бистомий Мансур Ҳалложнинг пири бўлганлар. Иттифоко, Мансурни шаккокликда айбладилар. Дарвозага осдилар. Шаҳарга кирган борки, кўлига тушган нарса билан уни уриб ўта бошлиди. Шунда пир Боязид Бистомий ҳам Мансур Ҳалложни гул билан охиста елпib ўтди.

– Э, воҳ, пири бузруквор! Ўзгалар нодонликдан уриб ўтсалар, Сиз нечун уриб ўтурсиз, – деб у фарёд уриб чунонам йиғладики, йиғилганлар унинг додига чидай олмадилар.

– Куйдирингиз! – деди подшоҳ.

Ўтин қалаб, уни гулханга отдилар.

Олов учқунлар сочар, илондай вужудини чирмар, «чарс-чарс» ҳар ёнга сочилган учқунлар: «Аналҳақ, Аналҳақ», деб садо берарди.

– Дарёга ташланглар! – амр килди подшоҳ.

Кулини йиғиб дарёга совурдилар. Кул: «Аналҳақ, Аналҳақ», – деб дарёга сочилар, кўпиклар гирдоб хосил килар, «Аналҳақ, Аналҳақ», деб шовулларди гирдоб.

Ўша куни дарё бўйида шоҳнинг қизи сочини ювиб ўлтиради. У сув билан бир ҳовуч кўпикни ичиб юборди ва юкли бўлиб колди. Ой-куни етиб, бир ўғил дунёга келди. Чақалокни бир кутичага солиб, дарёга оқиздилар...

Ўша тонг балиқчининг ўғли дарёга қармок солиб турарди. Кутича гир айланиб, қармокка илинди. Балиқчининг ўғли тўр солиб кутичани қирғоққа олиб чиқди. Унда ой деса оғзи, кун деса кўзи бор шахзодасифат гўдак ухлаб ётарди. Тонг насими келтирган Насимий бу, дебдилар. Бола тили чиқкач, балиқчининг ўғлига айтди:

— Эй, ака! Сен шох бўлурсан. Мени сенга тухмат билан олиб келурлар. Мени сўюрсан...

Дарҳақиқат, Насимиининг қисмати ўзи қаромат қилгандай бўлди.

Бу файзли сухбатларга анча йил бўлди. Бу жаннати аёл дунёга бир келиб-кетдилар. На шону шухратга, на мартабага, на давралар тўрига интилдилар. Улардан қобил фарзандлар, икки шеърий китоб ва ҳалқ оғзаки ижодидан тўплаган қўшиклар, ўланлар, ёр-ёрлар, ма-росим қўшиклари, тўпламлари ёдгор бўлиб қолди.

Дарвоке, Пискентдаги кутубхона Музайяна Алавия номи билан атала бошланди. Қандай ярашикли ном!

1999 йил, баҳор. Музайяна аяни хотирлаб пискентликлар бир анжуман туздилар. Пискент тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган бу музайян кечада шукуҳли нафас уфуриб турди. Буюк маърифатпарвар инсон Абдулла Алавийнинг ёди, шоиранинг бувилари Ҳабибаҳон аянинг ғазаллари ҳам тилларга кўчди. Улкан аллома Яхё Ғуломовнинг сўzlари яна тирилиб, даврага кирди.

— Ҳалқ оғзаки ижоди дурдоналари олтин қўлларга тушди – Музайянахонимнинг қўлларида сайқал топиб, зийнатланиб, ҳалқ мулкига айланди.

Академик Воҳид Зоҳидов ҳам бу даврага ғойибона файз қўшиди:

— Музайянахонимнинг ўзи тугал поэзия...

Узбекистон ҳалқ шоири Ҳалима Худойбердиева сўzlари дилларга манзур бўлди.

Таникли олим Тўра Мирзаев анжуманни олиб бораркан, архивимизда Музайяна Алавия ёзиг олиб, сайқал бериб, мукаммал асар ҳолига келтирган, тадқиқ этган 10 та саклов бирлигидаги ҳалқ оғзаки ижоди намуналари бор, деб алоҳида таъқидлади. Алавийлар сулоласини табиат асли шоир яратган экан-да, дейман 81 ёшли Ра-шодхон Алавийнинг гоҳ Чўлпондан, гоҳ Музайянахонимдан, гоҳ ўзлари битган ғазалларни баҳшиёна оҳангда айтишларига кулок тутиб...

Тўлин ой шарманда бўлди юзингни офтобидан...

– Бу ғазални кеннийингиз Марфуахонга атаб ёзганман. Музайяна опам кўриб берган, – дейди нуроний Рашодхон aka... (Худо раҳматига олган бўлсин!)

Суҳбатда сўз ва соз ила чанг мушоираю баҳс айлади. Олима билан ёнма-ён ишлаган, уларнинг ўгитларидан баҳраманд бўлган етук олимлар Музайяна Алавия ижоди, ҳаёти, умр йўллари ҳакида тўлкинланиб-тўлкинланиб сўзладилар.

Менинг рўпарамда гўё икки юзларидан нур ёғилган камтарин, билимдон, ойнадай тиниқ инсон Музайяна Алавия кулиб турардилар. Сўнгти марта аяни 1987 йилнинг кузида Ёзувчилар уюшмасида учратганим кўз олдимда жонланади. Ўғиллари билан зиналардан охиста тушиб келмокдалар. Йўлакда туриб Чўлпондан шеър айтдилар: «Сочилган сочингдай сочилса сиринг...» Ва яна Фузулийдан – ошиклар ва куйганлар шоиридан байт ўқидилар:

*Саодати азалий қабули завол ўлмаз,
Гунаш ер устинा ҳам душса, поймол ўлмаз...*

Ана шу масъуд лаҳзадан сўнг йиллар ўтди. Бу йиллар Музайянахонимни халқ бир лаҳза ҳам унуганий йўқ. Чунки у халқнинг юрагига сўз гавҳарларини экиб кетган маърифат элчисидир.

Биз намозшомда Тошкентга қайтдик, йигилганлар эса ҳануз хаяжон оғушида эдилар: иродаси синмаган, қатағон йиллари синовларидан олмосдай товланиб ва тобланиб ўтган матонатли Музайянахонимнинг содда ва теран шеърлари, у ёзиб олган дилпазир халқ кўшиклари янграб, анжуман давом этарди. Пискентнинг хушвотоз хонандаси Расулжон Дадабоев ва бахши қизи Раъно опа Абдураҳмонова халқ кўшикларини гумбурлатиб айтар, унинг ҳар сатрида Музайянахонимнинг камтарин овози садоланарди:

Юртим, эслайсанми Музайянани...

МУЗАЙЯН ДАМЛАР ЁДИ

Шундай инсонлар бўладики, суҳбатини бир бор тингласанг, кайта-кайта ўша суҳбатни кумсаб юрасан.



Зулфия. 1954 йил. Шеър оғушида.



Зулфия хинд шоираси Амрита Притам билан. 1961 йил 28 май.



Үнгдан: Қабардин-болжор шоири Қайсин Кулиев, рус шоири Михаил Дудин, Зулфия ва авар шоири Расул Ҳамзатов пахта даласида. 1976 йил.



Зулфия рус шоири Андрей Вознесенский билан. 1978 йил.



Зулфия бошкырд шоири Мустай Карим билан.

Xanadu napjain





Зулфия ижодхонасида.



Зулфия ва Хамид Олимжон. 1944 йил.



Устоз Зулфия ҳайкали пойида.



Ойдин Хожиева ва Музайяна Алавия Бухоро вилояти Жондор тумани пахта даласида. 1982 йил.



Музайяна Алавия, шоира Ҳамида Каримова, олимса Малоҳат Абдураҳмонова, Ойдин Хожиева бахшилар юбилейида. Самарқанд, 1975 йил, сентябрь.



Мушоира олдидан. Шоирлар Тураб Тула, Миртемир, Зулфия, Музайяна Алавия ва Ойдин Хожиева. 1976 йил.



Саида Зуннунова ва Сайд Аҳмад.
1956 йил.



Саида Зуннунова 1965 йил.



Саида Зуннунова, Саид Аҳмад ва қизлари Нодирахон. 1976 йил.



Мутолаа завқи. 1976 йил.



Сайд Аҳмад хонадонида. Қизи Нодирахон, күёви Маҳмуджон,
неваралари Сайдшароф, Сайдахон ва Камолахон.



Абадий ёнма-ён. Саид Аҳмад ва Саида Зуннуновага қўйилган ҳайкал.



Абдулла Қаҳҳор ва Кибриёхоним. Дўрмондаги боғда.



Кибриє Қаххорова. 1980 йиллар.



Абдулла Қаҳҳор ва Кибриёхоним. Мунис лаҳзалар.

Мен бу ажойиб олима канотларида турли вилоятларда сафарда бўлганман. Давра, гурунглар кизиб, қизлар, келинчаклар, момолар кўр тўкиб Музайяна Алавиянинг айтганларини жон кулоклари билан тинглашарди. Сўзлари лутфли, нихоятда одоб ва андиша билан сўзлайдиган олима сухбатлари билан ўтирганларни мафтун этар эди.

— Менинг ҳар бир гапим безак. Қизлар безакка ўч бўладилар. Кулокларингга тақиб олинглар, қизларим, — дердилар.

Даврада чўкка тушиб ўтирган болакайларга эртаклар айтиб, турли топишмок ва эркаламалардан ҳам айтиб кўярдилар:

*Чумчук, чириқ-чириқ,
Лабингда учук.
Менга дон бер, дейсанми,
Бурнинг мунча пучук!*

Болакайлар мириқиб кулишарди ва бу тез айтишларни ёд олишарди. Сухбатимиз меҳмонхонада давом этарди. Қатағон йиллари олима учун жуда изтиробли, хўрлик ва машақкатга тўла бир давр бўлган. Чекка бир кишлоқда муаллималик килаётган Музайяна опа арзимаган баҳоналар билан турли таъқибларга учрайверган.

— Доскага «Ён кочса, ботир кўпаяр» деб она тилида бир мисол ёздим. Ана шу мисол туфайли анчагина дилхираликлар бўлган, — деб эслайди олима.

Айтишларича, Музайяна Алавия умр йўлдоши Лутфулла Алавийни ўн йил кутган. Ўша оғир йилларда ҳамма бир-биридан гумонсираб яшарди. Л. Алавий қатағон зулмидан озод бўлиб, тўғри Музайяна яшайдиган қишлоқка боради. Аввал чойхонада ўтириб, сухбатларга кулок солади. Рафиқаси ҳақида сўрашга ботинмайди. Сўнг у яшайдиган ховлининг атрофига узок кутади. Бир пайт дарвоза очилиб бир йигитча чикади. Л. Алавий уни гапга тутмоқчи, Музайянани сўрамоқчи бўлади-ю, яна юраги дов бермайди. Болакай ҳам бир нарсани сезгандай, унга тикилиб тураверади.

- Бери кел, йигитча. Отинг нима?
- Рашодхон – жавоб берди бола.

- Кимнинг ўғлисан? – Шундай дейдию Лутфуллахон Алавий ўз сўзидан кўркиб кетади: Музайянанинг ўғли бўлса-я...
- Алавийнинг ўғлимани.
- Музайянахонни танийсанми?
- Бўлмасам-чи, опам бўладилар...
- Отангни чакиргин, меҳмон келди деб айт, хўпми? – Сал ўзига келади Л. Алавий...

Шундай қилиб, Алавийлар хонадонида байрам бўлиб кетди. Хонадонда Фарход, Мусаввараҳон, сўнг Анишон дунёга келди...

1982 йил. Пахта йигим-терим пайтида Бухоро вилоятига сафарга чиқдик. Кун бўйи пахта далаларида, шийпонларда, кечкурунлари хўжаликнинг каттакон клубларида учрашувлар бўлар, Музайяна опа мажлисимиизни ҳикматли сўzlари билан бошлаб берардилар. Даврага ҳазрат Навоий, Фузулий, Машраб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокирғоний, Чўлпон, Усмон Носир ғазаллари, ҳикматлари, шеърлари кириб келарди. Одамларнинг юрагига шеърият ошно бўлар, юракларда муҳаббат олови ёнар, ҳар бир инсон бир лаҳза бўлса-да ўзини ошиқ, шоир, фозил, файласуф, деб тасаввур киларди:

*Сенинг дардинг манга дармондин ортиқ,
Санга қул бўлганим сultonдин ортиқ,
Агар ёдингни қилсанм чўлда ёлғиз,
Манга ул чўл бўлур бўстондин ортиқ.*

Ҳазрат Сулаймон Бокирғонийнинг бу ҳикматларини кексалар мақом тинглагандай бош тебратиб тинглар эдилар.

*Боришингни боғда кўрдим,
Келишингни – кўчада.
Арзи ҳол айтай десам,
Учрамадинг тор кўчада.*

Бу тўртликдан сўнг ошиқ йигит-қизлар бир қалқиб тушишар эди. Ҳалқ кўшиклари шаршарадай шовуллаб, Музайянахон опанинг ширин лафзидан сочилаверарди:

Йигит:

*Юқоридан ман келаман,
Биласанми, ёр-ёр.
Санга ошиқ бўлганимни,
Биласанми, ёр-ёр.
Дастрўмолчам кир бўлибди,
Ювасанми, ёр-ёр.*

Қиз:

*Дастрўмолчанг кир бўлганда
Ёмгир ювсин, ёр-ёр,
Манга ошиқ бўлганингни
Худо билсин, ёр-ёр!...
Дарёларнинг ул юзида
Кўши ҳайдаган, ёр-ёр,
Кўши ҳайдаган жойларини
Беш ҳайдаган, ёр-ёр.
Гавронини бошга қўйиб
Ёнбошлаган, ёр-ёр.
Севганига етолмайин,
Кўз ёшлаган, ёр-ёр.*

Ўша пайтлари ўзбек тилининг имкониятлари чекланган бир пайт бўлишига қарамасдан, олима ўзбек тилининг минг бир жилоларини шеърлар, маталлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар орқали англатар ва ўзбек халқ ижодиётининг жозибаси билан барчани ҳайратга солар эдилар:

*Олмани олиш қилай,
Баргидан болиш қилай.
Ман онамни согинсам,
Кечалар нолиш қилай...*

Қаранг, ҳеч замонда ҳам олманинг баргидан болиш қилиб ух-
лай оларканми одамзод? Бу – олманинг баргидан болиш қилиб

ухламок – тонггача бедорликда ўртамок, юракдаги изтироб алангасидан ёнмок ва онасини соғинганды юраги нолишга тўлиб, ўртамокнинг энг гўзал баёни эмасми!

Сафарларимиз орасида озгина вакт топилди дегунча, Музайяна опа бозорларга ёки кекса отахон, онахонларнинг уйларига бориб, қадимги кўләзмаларни суриштирадар эдилар.

Ўша пайтларда Музайяна опа 70 ёшдан ошиб қолган эдилар. Буҳоро шаҳрида бўлганимизда маҳсус сұхбатлашмок орзуисида биздан кейин шоира Марям Турдиеванинг уйида қолдилар. Марямхоннинг онаси Буҳоро Арки, Буҳоро хонлари тарихи ҳакида жуда кўп нарсаларни биларкан.

– Ўшанда, Ойдиной, Марямжоннинг онаси менга бир нарсанни сўзлаб берди. Ҳонга тортиқ қилинган қизлардан бири исён кўтаргани учун уни маргиширин билан ўлдиришган экан. «Маргизишин» дегани шуки, новвот эритилиб, ўша жабрдийданинг оғзига куйилавераркан, – деб айтиб берганлар.

У киши кизларимизнинг ўқтам, бийрон, маърифатли, замонавий, айни пайтда ўзбекона одоб, ҳаё фазилатларига эга бўлишларини жуда хоҳлардилар. Давраларга кирганды Фарҳоднинг Ширинга берган таърифини кўп айтардилар:

*Нигоро, маҳвашио, иффатпаноҳо,
Жаҳон маҳвашларига подишиоҳо...*

Шириннинг Фарҳодга ёзган мактубларини жуда чиройли килиб айтардилар. Йигит ва кизлардаги севги, мухаббатнинг соғ, покиза, маъсум туйғуларини шунчалар гўзал таърифлар эдиларки, ўша сұхбатдан сўнг улар гўзал бир дунёга кириб қолгандай бўлардилар.

Умрларининг охирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида айтган сўzlари ёдимда:

– Ойдиной, Чўлпону Фитратларнинг асарлари газеталарда нашр этила бошлади. Армон килар эдим. Ёруғ кунлар шабадаси келяпти. Навоийнинг дастхатини ҳам кўрармиканман...

Истиклол замонида Чўлпон, Фитрат, Абдулла Кодирийлар кадр топди, асарлари кўп нусхаларда чоп этилди. Президентимиз

Фармонига биноан улар «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар.

Адабиётшунос олима Сўйима Ғаниева Алишер Навоий муҳрининг фотонусхасини топиб келишга мұяссар бўлди.

Музайяна Алавия ижоди, умри, бутун амаллари билан ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб колдилар. Опа эъзозлаб, кўзига суриб ёзиб олган ҳалқ достонлари, қўшиклари, термалари, ёр-ёр ва лапарлари ҳамон кўнглимизни зиёга тўлдирадиган маънавият чашмаси бўлиб тўлиб-тошмоқда.

УЧРАШУВЛАР ЗАВҚИ

1975 йил, сентябрь. Самарқандда Ислом шоир, Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳамда Фозил Йўлдош ўғлиниң 100 йиллиги нишонланди. Ўша пайтдаги Самарқанд вилояти раҳбари Бектош Раҳимов адабиётни, шоирларни бағоят хурмат қиласарди. Анжуман олий даражада ташкил килинган, кексаларга алоҳида машина ажратилган. Музайянахон опа янги «Волга» машинасига ўтирумадилар. Ёшлар ўтирган автобусга чиқдилар. Автобусдаги микрофон галма-галдан шоирлар қўлига ўтар, Музайянахон опа ҳалқ қўшиклари, термаларидан ёд айтиб, улокни олиб кетардилар.

Ўша куни Хатирчида Пўлкан шоирнинг ҳайкали очилиши керак эди. Ҳаво айниб, тўсатдан чанг-тўзон бўлиб, кучли шамол турди. Микрофонлар бузилди, чироклар ўчди. Бир амаллаб издихомни ўтказдик. Учрашув тугагач, ҳамма бир-бирига караб кула бошлади. Одамларнинг кош-кўзларини бир энлик сариқ кум босиб, бирор-бирорни таниб бўлмас даражага келганди...

Музайянахон опа мени ёnlарида олиб юрап, фарзандларидай меҳр кўрсатардилар.

— Рухлар жунбушга келди. Бахшиларнинг рухлари шод бўлди — таъкидларди олима барчага.

Ўша куни эрталаб Музайяна опа сипо кийиниб олдилар. Биз Самарқанддаги вилоят раҳбари боғида бир хонада турганимиз.

— Ойдиной, — дедилар. — Мана шу ок костюмим ярашибдими? Нишонимни такиб олсан қандай бўларкан? (Опа Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳибаси эди). Кўп кўйлак олмадим, учтагина холос.

Кулиб юборишимга сал қолди. Ўзлари бир кун кечикиб кслганлар, икки кунгина сафар қолган эди-да.

– Бўлади. Бир кунда 2 хил кийсангиз ҳам яхши.

– Йўғ-ей – деди қизариб олима, – бу ерга ясаниш учун келибманми?

... Хуллас, ўша куни Хатирчидаги калиб, эрталаб Булунғурга ўтмоқчи эдик. Бектош Раҳимов барчанинг шаҳарга – меҳмонхонага қайтишини айтдилар. Қайтиш йўлида меҳмонлар ўтирган икки енгил машина йўлни тўсиб чиқкан йўловчи транспортга урилиб, озги на дилхиралик бўлди. Хайрият, хеч кимга каттиқ жароҳат етмади.

– Кўнглим сезган экан, Ойдиной, худо бир асрари, худди ўша биринчи машинага чикишим керак эди, – дедилар ҳамроҳим Музайянахон опа.

Уч кун бахшиларнинг руҳини шод этиб, гурунглар, мушоира-лар, мажлису сұхбатлар ўтказдик. Атоқли олим Ҳамид Сулаймон бошлилигига фольклоршунос олимлар, Тўра Сулаймон, Нуриддин Шукуров, Омон Матжон, Суйима Фаниева, Нормурод Нарзуллаев ва Музайяна опамиз давраларни қизитиб, анжуманга файзу шукух бағишладилар.

1983 йил, март. Тошкент вилоят ёшлар қўмитасининг «Қизлар гурунги» ташвиқот гурухи тез-тез учрашувларга бизни чорларди.

Ўша пайтдаги Адлия вазири Мамлакат Восиқова, олима Музайяна Алавия, шоира Шарифа Салимова, Эътиборхон Охунова, жамоатчи Клара Қамбарова, хукуқшунос Забаржад Анорбоевалар халқ ичидаги учрашувлар ўтказардик.

Қизларнинг онабошиси Музайянахон опа даврани очиб, гурунгни қизитиб берардилар. Ҳалқ удумлари, иримлар, сайл қўшиклари, термалардан шашкатор айтиб, йигилганларни мафтун этардилар. Бу сұхбатлар автобусда ҳам давом этар, юракларимиз нурга тўларди. Бир сафар Ғазалкентдан қайтишда Байтқўрғон деган жойда машина бузилиб қолди. Авжи қизғалдоклар очилган пайт. Йўлларнинг икки ёғида қизил гиламдай қизғалдоклар ловуллаб турибди. Дув этиб аёллар қизғалдок теришга тушиб кетишиди. Бир пайт Музайяна опа кўринмай қолдилар. Пахса деворлар оралаб кишлоққа кириб кетдилар, дейишиди. Автобус тузалди, йўлга тушиш керак. Опамиздан

дарак йўқ. Бир маҳал бир жамалак сочли қизча ҳамроҳлигига Музайяна опамиз кулиб қолдилар.

— Қишлоқда сумалак сузишаётган экан. Роса чечан, бийрон аёллари кўп экан. Анча-мунча сумалак қўшигини ёзид олдим. Мана, қизларим, тандирдан чиқсан иссиқ нон, сумалак олиб келдим сизларга!

Ҳамма суюниб хушбўйгина, иссиқкина нон ботириб, сумалакдан тотиндик. Аяжонга раҳмат айтдик.

1986 йил. Куз. «Гулхан» журнали таҳририятига Музайяна Алавия кириб келдилар. Қозон шаҳрига бориб келганларини, унда алифбони танитган нўғай муаллимани зиёрат қилиб, сұхбатида бўлганларини айтдилар ва Абдулла Тўқай масалларидан таржималарини «Гулхан»га тақдим этдилар. Дўрмондаги ижод уйига борганларини, Зулфияхонимнинг боғ ҳовлисига кириб, дилдан сұхбат курганларини айрича меҳр билан сўйладилар. Музайяна опанинг кулча юзларида кулгичлари бор, икки яноғи ўшанда ҳам қип-қизил эди. Ҳамиша одамлардан фазилат излар, доим улар ҳакида яхши сўзлар дегувчи эдилар. Бирдан у ёк-бу ёққа қарадилар-да, кафтларини оғизларига тутиб, шивирладилар:

- Ойдиной, Зулфияхон фалончидан ранжиган эканлар...
- Сўнг ўзлари ўз гапларидан қизариб, дув қизариб кетдилар.
- Олимадаги соддалик, самимиятта кўп гувоҳ бўлганман.

СУРАТГА ИЗОХ

Зулфияхоним Музайяна Алавияни бениҳоя хурмат килардилар. Уларнинг сұхбатларидан баҳридиллари очилиб кетарди.

1983 йил. Киш. Олима «Саодат» журналига келдилар, бош муҳаррир Зулфия хузурида анча гурунг килиб ўтиришиди. Устоз мени ўз хоналарига чақирдилар. Кирсам, сұхбат авжида.



— Ойдинхон, — дедилар Зулфияхоним. — Фотомухбирни топингда, опани суратга туширтииринг. Мақолани эса ўзингиз ёзасиз, хўпми?

Мен бажонидил рози бўлдим. Музайяна опа менинг хонамга чиқдилар. Фотомухбир В. Лешченкони дарров топиб беришди.

Музайяна Алавиянинг кумушдай соchlари ўзига ярашган, комати тикка, барваста, яноғи ипо сурилгандай нимпушти. Соддагина кийимлари, юзидаги самимият, озгина ийманиб туришлари бизга ёқарди. Юз-кўзларидан нур ёғилиб, суратга тушдилар. Санъатхон Махмудова билан иккаламиз олимани кузатиб кўйдик, хурсанд бўлиб кетдилар. «Саодат»да «Чашмаларни излайман» мақолам ва ушбу сурат чоп этилди.

ИЛМИ ЗЎР ЧИҚДИ

Музайяна Алавия одамжон, лутфи хуш бўлгани учун аёллар билан тез тил топишиб, эгачи-сингилдай бўлиб кетардилар. Маталлар, ривоятлар, достонлар, латифаларни ёзиб олиш учун олима ўн-ўн беш кунлаб қишлоқ хонадонларида меҳмон бўлиб колардилар. Чўл овлупаридан бирида козоқ чечага билан кадрдон бўлишиб, муқаддас жойлар тарихини ёзиб олдилар. Чўпонларнинг ўлан ва айтишувларини дафтарга туширдилар. Иттифоқо, кунларнинг бирида муқаддас тош хақида айтишганида, шу жойни бориб кўриб келайлик, деб илтимос килдилар. Чечанинг ўғиллари энасини ва олимани эшакка миндириб жўнади. Тошнинг қизик хусусияти бор экан: икки ҳарсангтош орасида бир киши ўтғулик йўлакча бўлиб, ундан ҳамма ҳам ўта олмас экан. Покиза, тўғри, ҳалол одам ўтса, тош йўл бераркан. Нопок ёки ҳаром-ҳаришга аралашган одам ўтса, тош йўл бермай, қисиб колар экан. Чечанинг ўғли бу тарихни мароқ билан айтиб берибди. Музайяна Алавия, қани, тошнинг хосиятини синаб кўрайлик-чи, дебдилар. Ва лип этиб икки тош йўлагидан ўтиб кетибдилар. Қозоқ чечага ўғли ҳарчандки, ўтинг, дермиш, чечага эса тисарилиб тураверармиш. Бунинг устига нукул Музайяна опага караб, бунинг илми зўр чиқди, тош ушлаб колмади, дермиш. Охийри токати ток бўлган ўғил чечага айтибди:

- Эна, нима бало, отамга хиёнат-пиёнат қылғанмисан?
- Ким билади, чироғим. Жас эдик, қаламқас эдик. Уруш жилла-ри эди, — дермиш чечә қизариб.

«Илми зўр чиқкан» олима кулиб юборибдилар. Козок чечә тош орасидан ўтмай, овулга қайтган экан...

ЧИРОЙЛИ НАРСА ЭКАН

Музайяна ая кийим-кечакка қизикмасдилар. Борига барака қилиб, соддагина кийиниб юрардилар. Талабалик йиллари дугоналари билан дўконга кириб кўйлак ва жимжимадор нафис ич кўйлак сотиб олишади.

У пайлари ич кўйлак кийиш эндингина урфга кирган экан. Эртаси куни дугоналар янги кўйлаклар кийиб, ял-ял бўлиб дарсга боришибди.

Узун бўйли, қотмадан келган Музайянахонни кўриб дугоналари кулиб юборишибди. Музайянахон ҳайрон:

- Нима бало, ярашмабдими? – дебди.
- Ич кўйлакни кўйлакнинг остидан кияди, ўртоқжон – шараклаб кулишибди дугоналар.
- Вой, шундай нафис, жимжимадор нарсани кўйлакнинг устидан киймай, остидан киядими? Безакларини қаранг! Чиройли нарса бўлса...

Ушбу хангомаларни опа ҳар гал ийманиб, ҳузурланиб, ёшлик йилларини соғиниб эслаб айтардилар...

* * *

«Ойқизим Ойдин!

Салом ва эҳтиром!

Билмадим, таъбингизча ёздимми, йўқми? Ҳар ҳолда ёздим. Мен умуман хотиралар ёзаётирман: курганим ва эшиштганларимни (агар умрим мусоид этса!). Шундан парчалар бериб боринг, деялтилар. Бунинг умумий сарлавҳасини «Музайян дафтаридан» қўймоқчи бўлдим.

Лутф бўлиб тушади. Музайян – зийнатланган дегани ҳам, отим ҳам зийнатланган – «Безалган дафтарим» маъносини беради. Шунинг учун «Кунларнинг бири»да («Музайян дафтаридан») деб ҳам қўйдим, маслаҳат қилиб кўринг. Маъкул кўришса, ҳаммаси шу тариқа кетади. «Қани гулларнинг раъноси» ҳам ва бошқалар ҳам.

*Маслаҳатларингга мунтазир Музайяна.
27.XII.1979.»*

Изоҳ: Ушбу маколани Музайянахон опа «Саодат»га тақдим этдилар. Раъногул бир ёғи кизил, бир томони сарик бўлгани учун хижрон рамзини билдирап экан, қабрларга қўйилар экан. Шу сабаблими, Зулфияхонимга унча маъкул келмади. Макола «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида босилди.

ЎШАНДА БАХОР ЭДИ

1988 йил, 3 марта. Музайяна Алавия дунёдан ўтдилар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида кичкинагина таъзия чиқди. Олиманинг Янгиобод маҳалласидаги ҳовлисига бордик. Қизлари Мусавваҳон, келинлари, таникли шифокор Марфуахон аялардан кўнгил сўраб, таъзия изхор қилдик. Суҳбати файзли, кўнгли маърифат нурига тўла, қалби ҳазина инсон оламни тарк этди. Фоят меҳрибон, дилпарвар эдилар энимиз. Олим ИброҳимFaфуроғни жуда хурматлар, ўз фарзандидай дуойи жонини қилар, олимга отилган тухмат тошларидан ҳимоя этарди.

1984 йил, куз. Бир кун «Саодат»га кириб келдилар.

– Ойдиной, парво қилманг. Ит хурап, карвон ўтар. Иброҳим-жоннинг қаламидан дур томади-ку! Ҳасадгўйларнинг юзи шувит бўлади ҳали, – дедилар менга таскин бериб.

1985 йил. «Гулхан»га бош муҳаррир бўлиб ишга ўтдим. Бир куни эрталаб кўр тўкиб кириб келдилар муборакбод этгани:

– Ойдиной, кабулингизга ҳар хил одам келади. Асарини боссангиз, сиздан яхши инсон йўқ, қайтарсангиз, сиздан норози бўлади. Юрагингизга олманг. Юракни асранг, юракни...

Эртаклар, маталлар, туталлар, тез айтишлар олиб кела бошлади-лар. Болалар халк оғзаки ижодини, фольклорни яхши билса, доно, зукко бўлади, дердилар.

Зарифа, комила, бағрикент олима дунёни ҳувиллатиб кетдилар-колдилар.

Ўша кунлари Иброҳим ака афсус билан сўйландилар:

– Шундай улуг Аёл ўтди дунёдан. Тузук-куруқ мақола, видо сўзи берилмади-я! Ойдинжон, бир нарса ёzsангиз-чи?

Ўша куни шу гапдан мутаассир бўлиб, хаёлга толдим ва шивир-лаб камнамо илҳом келди, «Ёднома» ёздим.

ЁДНОМА

Музайяна АЛАВИЯ хотирасига

*Офтоб очиб ташлар кўмган қўрини,
Кўксига сут тўлди она бўрини,
Қирговул, тувалоқ чорлар жўрини,
Ўланчим, ўланга йўл бўлсин энди!*

*Хинолар боғланди тоғлар тошига,
Кийиклар чоғланди булоқ бошига,
Талога¹ ошиққан дехқон қўшига
Тупроқ баҳмал қавиқ гул бўлсин энди!*

*Сумалак ундирган буғдоим тотли!
Маталгўй момолар тили новвотли!
Қизлар келар сатта Барчин сифатли,
Давра-гурунг хумор эл бўлсин энди!*

*Дўмбира чирпинди, бир тор узилди,
«Минг бир кечा»дан оҳ виқор узилди,
Шода инжулардан қатор узилди,
Водариг, кўз ёшлар сел бўлсин энди!*

¹ Тало – дала.

*Кизилоёқ қирлар кечган оқиним,
Ялангоёқ ерлар кечган яқиним,
Лутфи хуш, ҳаққа эш, зукко талқиним,
Күнгилларга сиғмас қыл бўлсин энди!*

*Олис ўтмишиимга йўлчим, хуш энди!
Навоий бобомдан элчим, хуш энди!
Ҳикмат гулшанида гулчин, хуш энди!
Ёронлар тоқатда фил бўлсин энди!*

*Ойналак гирдига тушди қирқ чигил,
Саргарди қатимлар қирмизи, қизил.
«Музайян дафтар»нинг саҳфаси – комил
Ажалнинг кўзига мил бўлсин энди!
Ўланчим, мангуга йўл бўлсин энди!*

1988 йил, 23 марта.

ШОВУЛЛАБ ТУРГАН БОҒ

Алавийлар сулоласи илм-фанимизга етук олимларни берди, халқимизнинг маданий қатламларини мустаҳкамлади.

Абдулла Алавий (1903–1931 йиллар) Музайяна Алавиянинг тогаси, шоир, адабиётшунос олим. Ленинграддаги Шарк тиллари институтида ўқиган, дарс берган (1924–1927 йиллар). Самарқанд Педагогика Академиясида (1927–1930 йиллар) дарс берган. Пискентнинг Эвалак қишлоғида Берди бахшидан «Алпомиш» достонини ёзиб олган. Музайяна опанинг Самарқандга ўкишга бориши, халқ оғзаки ижодига меҳр кўйишида шубҳасиз А. Алавийнинг таъсири кучли бўлган.

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Лутфулла Алавий узок йиллар ТошМИда талабаларга сабоқ берди, нафақага чикқач, «Минводи» сиҳатгоҳида шифокорлик қилди. Жиянлари Рашодхон Алавий тиббиёт фанлари номзоди, у кишининг рафиқаси ва Музайяна опанинг келини, жияни Марфуа Алавия кимё фанлари номзоди сифатида эътибор қозондилар. Уларни худо раҳматига олган бўлсин.

Музайяна Алавиянинг тўнгич ўғли Фарход Алавий тиббиёт фанлари номзоди, Республика Онкология марказида лаборатория мудири. Кизлари Мусаввараҳон Алавия етук отолоринголог, Пскент тумани тиббиёт бирлашмасида узок йиллар самарали меҳнат қилди. Аниш Алавий эса тиббиёт фанлари доктори, профессор, ихтинослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация Республика илмий-амалий тиббиёт маркази директори. Боболари изидан борган набиралардан бири тиббиёт фанлари доктори, уч нафари тиббиёт фанлари номзоди, қолган беш нафар набиралар ҳам тиббиёт соҳасида номдор мутахассислардир. Бир дона эдим, минг дона бўлдим, деганлари шу-да! Букилмаган ирода, синмаган саботдан шундай гавжум ва обод боғлар колди.

ОЛИМА БИСОТИДАН ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

Муҳаммад Ориф ўғли Абдулла Тўкаев (1886–1913 йиллар) Қозон шаҳри яқинидаги Қушлович овулида ўқимишили оиласда дунёга келди. Ота-онадан эсини танир-танимас жуда ёш етим колди. У бошидан ўтган қийинчиликларни «Етимликда», «Эсимда колганлар» китобларида аянчли, жуда таъсирли тасвирлаган. Кимсасизликдаги очлик, юпунликда соғлиғини йўқотиб 27 йилгина умр кўрган.

Азоб-укубатда ўтган қисқагина умрида хосил килган билими, ёзган асарлари, унинг тенгсиз истеъоди таҳсинга, таажубга сазовор.

Халқ оғзаки бадиий ижодига қизиқиши ва севиши ниҳоясиз эканини ўзи айтади:

Мен ёшлигимда жирчи (қўшикчи) эдим. Каерда эшитсан, салкин (бепарво) тинглай олмас эдим. Мадрасада халфалар йигилишида мени унутмас эдилар. Мен самовар оркаси(памга)да ўлтириб, улар истаган қўшикни айтардим. Мадрасадагилар мени, жирчи, дер эдилар. Болалигимда агар шу халқ қўшиклари ёрдам бермаса, муҳаббат деган улуғ неъматга молик бўлар эдимми?

*Жоним қайда – гулбоқчада,
Сочин тарап мунчада.
Сенга ўхшаш гўзал қизлар
Эксанг, ўсмас боқчада.
Этик киймай, маҳси кий,
Маҳси оёқ толдирмас.
Ёрни суйсанг яхшини суй,
Яхши кўнглинг қолдирмас.
Аргумоқ отим бўлса эди,
Кумуш қўярдим юганга.
Жоним-таним берар эдим
«Мен сеники!» деганга.*

«Халқ мунчалари», «халқ адабиёти» хақидаги рисоласи хам, Қозон Шарқ клубида ўқиган маърузалари хам ўша даврда муҳим роль ўйнаган. Ўзининг таъбирича, бу асарлар халқ адабиётини ўрганишига бири кулф, бир калид бўлиши мумкин. Булар билан танишганда халқ адабиёти – қўшикларни албатта кўздан ўтказиб чишиш керак, эканини таъкидлайди.

Татар халқининг улуғ шоири Абдулла Тўқайнинг ижоди XX аср бошида Россияда юз берган озодлик ҳаракати даврига тўғри келди. Кеининг шеърларида унинг катъий демократик эътиқоди кўриниб туради. Подшо томонидан таъқиб остига олинади. Бундай асарлар тез оммалашади. Ёшлар қўшиқка солиб айтадилар. Шоир руҳланиб, яна қўпроқ ёзди. Эрк,adolatcizlikka қарши курашади.

Ижтимоий мазмунда кўплаб сатирик асарлар яратади. Унинг ўлими татар демократик адабиёти учун оғир жудолик бўлди.

1986 йил, ёз. Шоирнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан катта юбилей бўлди.

Абдулла ТЎҚАЙ

МУРИД

Рўза кунлари бир муриднинг ифтор килгиси келди. Мурид кўп ўйлаб турмасдан бир коронғи уйга шам ёкиб, чироқда тухум

пиширмокчи бўлди, пиширишга киришди. Тухум илиб энди оғзига олаётганда бирдан кўз олдида ўзининг пири пайдо бўлиб:

– Бу кандай гуноҳ?! – деб бакирди.

Кўркқанидан муриднинг тили тутилиб деди:

– Таксир, мени кечиринг, шайтон мени йўлдан оздирди!

Шунда бурчакдан шайтон сакраб чикиб, муридга қараб деди:

– Эй, уёtsиз! Сен нафсинг тилаган ишни киласан-да, биз шайтонларни айблайсан. Мен шамга тутиб тухум пиширишни сендан ўргандим-ку!

АЙИҚ ЙИГИНИ

Айик йигин қилди. Ўзига яқин айиқларнигина эмас, кўзига ким кўринса, ким ёқса, барини чакирди. Билмадим, ўзининг туғилган куни бўлдими, нима бўлса ҳам йигин катта бўлди. Дастурхон таомга, ичимликларга тўла эди. Меҳмонлар тизилишиб ўлтирас, ебичиб роҳат қиласидилар. Айик уларнинг мамнунликларини кўриб, яна кўнгилли бўлсин, деб ўзи ўйинга тушди. Ўйнаганини кўрган тулки кўшиқ бошлади:

*Нарига бориб ўйнасин
Берига келиб ўйнасин.
Ўйинга уста ўйнасин,
Кўз тегар, деб билмасин.*

Ёнида ўлтирган бўри чидай олмай тулкининг кулоғига деди:

– Ҳай ўртоқ, нега бундай келишмаган ўйинни, тап-тупини, оёкларининг сакрашини жуда енгил деб мактайсан.

– Эй, сен жим тур, хозир менинг бу мақтовим айикка ёкиб қолса, у бизни яна чакириб сийлар, – деди тулки.

ТЕМИРЧИ ВА ИТ

Темирчининг ити темирчи «так-туқ» ишлаганда ухлаб ётарди. Темирчи ишлаб бўлиб хотин, болалари билан овқатланишга ўлтирганда уйғониб сакраб турди.

Темирчи аччиғланди:

- Эй ҳайвон, мен ерни титратиб темир урганимда уйғонмадинг, аммо секингина нон чайнаганда уйғонасан?

БҮРИ БИЛАН СИЧҚОН

Бүри сурувдан бир күйни олиб кетди. Албатта, уни меҳмон килиш учун олиб кетармиди? Ўрмоннинг овлоқ бир бурчагига кириб очкүзлик билан ея бошлади. Аммо очкүзлик билан канча еса ҳам тамом қила олмай, колганини кейин ейишга қолдирди-да ўзи зўрга нафас олиб, чеккага бориб ётди. Яқин жойда ётган сичконнинг бурнига гўшт ҳиди келиб кўп ўйламай-нетмай, ўт-ўланлар орасидан гўшти топиб, ўзига етарли кичкина бўлакчасини еди-да, оркасига карамай кетди. Бўри буни кўриб, шошиб ўрмонни танғиллатиб, коровул, хароб бўлдим! Ушланг ўғрини, молимни ўғирладилар, деб бакирди.

Дўйстлар, бўри бу молни ўзи қаердан олган эди?

МУШУК ВА БУЛБУЛ

Бечора булбулни мушук тутиб, ўткир тирнокларини ботирди. Шу вақт тилини ширин килиб булбулага айтди:

– Эй булбулим, жоним! Мен сени дунёда биринчи сайровчи деб эшитардим. Сенинг сайрашинг ҳар қандай мусиқадан ёқимли бўлганидан ўрмондаги ҳамма эшитувчилар беҳуш бўлар экан. Шунинг учун мен сени тутиб, ўз олдимда сайратиб карамокчи бўлган эдим. Силкинма, типирчилама, қушгинам. Мен сени емайман ҳали, кўрқма, сайра! Сен мени мусиқага ахил эмас, деб ўйлама! Мен сени озод этаман. Дала-кўкаламзорларда эркингина юрасан. Ўзим ҳам зерикканимда доим тўхтамай «миёв»лаб юраман.

Мушук шундай деганда булбул ажали яқин эканини билиб, ачинарли товуш билан кичкира бошлади. Мушук булбулни масхара килиб деди:

– Эй бечора, шу товушинг билан дунёга машхур бўлдингми? Шу чирқиллаганинг билан йигит, кизлар тилида сўйландингми? Сўзим

ёлғон бўлмасин, бу товуш менинг болаларимда ҳам бор. Синадим, билдим – сенинг сайрашинг ёқимсиз экан. Энди тотиб кўрай-чи, этинг ширин эканми – деб мушук унинг суюигига пақкос еди.

Дўйстлар, ўйлаб кўрайлик-чи, мушук тирноғида булбул сайрайдими?

ХЎРОЗ ВА АСРАНДИ ҚИЗЛАР

Икки асранди қиз бир бой, бахил, очкўз кампирницида хизмат қиласарди. Кампир қизларни хўroz биринчи қичқирганда – жуда эрта уйғотиб ишлатарди. Эрта туришлари қийин бўлганидан қизлар хўrozни айбларди. Бир кун иккаласи гаплашиб қўноқда ётган хўrozни бўғизладилар.

– Мана энди кутулдик, энди бизни аввалгидаи эрта уйғотмайди, роҳатланиб ухлаймиз, – деб ўйладилар ичларида.

Иш булар кутгандай чиқмади. Бой кампир уйқусизлик касалига йўлиқкан эди. У энди хўroz товушини эшишмагандан кейин, кечга қолишдан қўрқа бошлади. Қизларни аввалгидан ҳам эрта уйғотиб ишга туширадиган бўлди.

ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК

Бир капитар чумолининг сувга ботиб ҳалок бўлаётганини кўрган замон дарров бир япроқни оғзига олиб, сувга ташлади. Чумоли бу япроқ устига чиқиб олди. Тўлқин суриб қирғоққа чиқариб ташлади. Чумоли ўлимдан кутулди. Бир вакт овчи капитарни овлашга тайёрланада ўтига чумоли кўриб капитарнинг яхшилигини эслаб, овчининг этагига кириб оёғини қаттиқ чақди. Овчи оғриғига чидай олмай кўлидаги тузогини тушириб юборди. Капитар «пир-р!» этиб саломат учиб кетди.

ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Абдулла уйқусизликдан уйғонди. Ўзининг кийим-бошларини у ер-бу ердан ахтара бошлади. Бир туфлиси стол устида, яна биттаси стулнинг остида ағанаб ётарди. Папкаси бўлса хонада йўқ. Шунинг учун ҳар куни ўқишига кеч қолади.

СУВ

Табиатда ҳар нарса яхшидир. Сув эса ҳар нарсадан гүзалроқдир. Шишадай тиник, соф сувлар ғоят күркамдир. Түда-түда бўлиб юрган балиқлар сув четида ҳам кўринадир.

Сув тирик, у оқади. Шамол турса – тўлкинланади. Текис ерларда жилға бўлиб, дарё бўлиб оқади.

Баланд жойлардан шовуллаб кўпириб-кўпириб қуйилади. Да-рахтларни яшил тўн билан, ерни кўкатлар, гул-чечаклар билан безайди. Шамол эсиб гуллар хидини тарқатади.

Қайда сув, ҳаво бўлса, ўша ерда ҳаёт бор, гўзаллик бор.

Таржимон Музайяна АЛАВИЯ.

Одайлар, авайланг
бүр - бүриңизни

Адиба, шоира Саида Зуннунова ёди



ДЕБОЧА

1926 йил, 15 февраль. Саида Зуннунова Андижонда, зиёли оиласда туғилди. Унинг илк шеъри матбуотда эълон қилинганида 1937 йил эди. Бу йиллар буюк ўзбек элининг истеъдодлари авжи гулга кирган,Faфур Ғулом ва Ўйғун, Ойбек ва Ҳамид Олимжон шоҳ асарларини битган, Ҳалимахоним, Тамарахоним санъатининг довруғи оламни туттган. Адибанинг илк тўплами чоп этилиши эса урушдан кейинги тикланиш йилларига тўғри келди. Камтар, содда ва ҳалол хонадон фарзанди бўлган Саида Зуннунова ёшликни, Фарҳод курилиши зарборлари меҳнатини куйлаб, аёл баҳтини улуғлаб, савимииятга тўла шеърлари билан адабиётга кириб келди. Катта адабиётимизнинг жўшқин оқимларига унинг инсон қадри ҳақида куйлаган дилбар овози пайванд бўлди.

Саида Зуннунова 1943 йили Андижон ўқитувчилар институтини битирди. 1947–1952 йилларда ҳозирги ЎзМУ (аввалги Ўрта Осиё Давлат университети)нинг филология факультетида таҳсил олди.

Меҳнат фаолияти: «Гулхан» (1953–1956 йиллар), «Ўзбекистон маданияти»да (1956–1957 йиллар) адабий ходим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (1962–1967 йиллар) адабий маслаҳатчи.

Илк китоби «Қизингиз ёзди» устоз Faфур Ғуломнинг назарига тушган. «Янги директор», «Олов», «Одамлар орасида» каби киссалар муаллифи. «Она», «Кўзлар» пьесаларини ёзган.

Саида ижод машакқатларини севди, юрга комила қиз бўлишга интилди. Ўзбек ижодкор қизлари ичидаги биринчи бўлиб, кенг кўламда, турли жанрларда асарлар яратди, поэмалар, теран ва мазмундор шеърлар ёзди. Айниқса, олтмишинчи-етмишинчи йилларда унинг қалами ҳаётий мушоҳадага бой ранг-баранг асарлар яратди. Инсон дардини, унинг маънавий оламини, элу юрга олдидаги фарзандлик қарзини хассос юрак ва зукко истеъдод билан тасвирлаб берди. Чексиз садоқат туйғуси, софлик, виждан тозалиги шоира

ижодига харорат бағишилади. Қабиҳлик ва сохталикка карши исён унинг шеъриятини күл босмайдиган чўғга айлантириди.

Саида Зуннунова ўз севган халқига, мухлислариға, шогирдларига ибратли йўлларини, меҳр ва эҳтирос йўғирмаси бўлган баракали ижодий меросини қолдирди. Ўзбекистон йўлларида унинг нурдай покиза қадамлари қолган. Чин инсоний фазилатларни куйлаган шेърлари, «тубанлик сиғмаган ўйлари» билан сафимизда.

Унинг «Рух билан сұхбат», «Кўшниларим», «Лирик нутқ» каби достонлари, жўшқин ва эҳтиросли ғазаллари, дилбар қўшиқлари халқимизнинг ноёб маданий меросига айланиб қолган.

Гўзал ва матонатли шоира меҳру садоқатда, вафодорликда тенгсиз жасорат кўрсатди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг севикли рафиқаси, дўсти, сафдоши сифатида адабиётимиз сахифаларида юлдуздай чараклаб туради. Унинг киска, сермазмун умри ёшларга, ўзбек қизларига одоб ва назокат дарси десак, хато бўлмас.

БИР УМР САДОҚАТДА

1963 йил. Саида Зуннуновани дастлаб кўрганимда талаба эдим. Оппоқ костюмлари ўзига ярашган, хушрўй чехрасидан мулоим нур, файз ёғилиб турган шоирага ҳавас билан тикилиб қолдим. «Саодат» (аввалги «Ўзбекистон хотин-қизлар») журнали идорасида уч-тўрт шоирани фотомухбир Борис Мизрохин сувратга туширади. Зулфияхоним ўzlари ким қандай туришини тайинлаб турдилар.

— Танидингизми? Мана бу киши Саидахон опангиз. Катта шоира, адиба. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг рафиқаси, — дедилар менга Зулфия опа.

Мен қўшикларини тинглаб, асарларини ўқиб юрганим таниқли шоирани рўпарамда кўриб турганимдан ҳайратда эдим. Шоиранинг билакдай қалин соchlари, кенг пешонаси, сутга чайилгандай оппоқ юzlари, самимий муомаласи мени сеҳрлаб қўйган эди... Ўша-ўша

Саидахон опа мушоираларда кўриб қолсалар, ҳол-аҳвол сўраб, дилларига яқин олардилар.

Сўнгра Зулфия опа, Холидахон опа Саида ва Саид Аҳмад дostonларидан кўп-кўп сўйлаб бердилар.

— Бир куни ишдан қайтаётиб, Саидахоннинг курантдаги хиёбондан ўтиб кетаётганини кўрдим. Ўша куни Ёзувчилар уюшмасида мажлис бўлган, Саидахонга ё эрингни, ё партбилетингни дейсан, қабилида пўписа қилишган, дейишади. Саидахон новдадек озиб кетган, паришонхаёл, дунё билан иши йўқ, маҳзун кетарди. Унга қараб юрагим увишиб кетди. Битта нозиккина жуссасида шунча исён, тоқат, бардош қаёқдан экан-а бу шоирада, деб ҳайратга тушардим — айтиб бергандилар журналист Холида опа Ахророва.

— Эримнинг «халқ душмани» эканлигини исботлаб беринглар. Мен партбилетни сизлардан олган эмасман, Ойбекнинг табаррук кўлидан олганман, сизларга топширмайман, — жавоб берган экан Саидахон зуғум қилганларга...

Саида Зуннуновани Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчириб, ишдан ҳайдаганлари, шаҳарда ижара уйда яшаб, ёзувчиларнинг кўллэзмаларини машинкада кўчириб, кун кечирганини айтиб беришарди.

— Ҳеч ким ишга олмаганида, кўркиб юрганида, собиқ Марказком нашриётининг ўша пайтдаги раҳбари В.Ф. Архангельский мени корректор-терувчи қилиб ишга олган, — дердилар Саидахон опа миннатдорлик билан эслаб...

— Ўша «тишлари тўкилиб», эскириб кетган машинка ҳали-ҳали бор. Асраб-авайлаб олиб кўйганман. Саидахон кечалари билан ухламай, машинка чикиллатиб, рўзгор тебратган кунлардан эслалик, — деб хўрсинади устоз Саид Аҳмад.

Шоирнинг, ёзувчининг умр йўлдоши бўлиш — ўзни фидо қилишдир аёл учун. Саидахон опа уйим-жойим, рўзгорим деб тиним билмади. Ёлғизгина Нодирахонни ер-кўкка ишонмасди. Нодирахоннинг кулгулари, инжикликлари, шўхликларини шеърга солиб, «олпоғим, ўргилай меҳнатларингдан» деб фаҳрланарди.

Саид Аҳмаднинг номини «халқ душмани»га йўйиб, уни қамаб юборгандарида, сабр-токат ва умид билан кутган, вафодорликнинг беҳад гўзал намунасини кўрсатган жасоратли аёлдир. Аёлнинг марта баси унинг садоқати, покдомонлигидадир. Унинг фазилатлари Саид Аҳмаднинг умр йўлдошига маҳбусликдан ёзган хатларида аён кўринади.

Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова хонадони доим шогирдлар, муҳлислар билан гавжум бўлган. Саидахон олийхиммат бека бўлиб уларни кутиб олган, тўкин дастурхонлар атрофида адабий гурунглар, шеърхонликлар қизғин ўтган.

– Нодирахонга дўкон нонидан едирмас эдим. Ҳар кун ўзим нон ёпардим. Кечалари унинг юзига термулиб тонг оттирган тунларим кўп бўларди. Менинг ишхонам-кабинетим ошхона эди. Шеърларим ёзилган варакларда кўпинча доғ-дуғлар бўлгани шундан, – дер эди Саидахон опа.

Ҳар бир сўзлари, сухбатларида иккита ном: Нодира ва Саид Аҳмад юлдуздай айланиб, порлаб юраверарди.

Ҳар гапда Саид Аҳмадни мақтаб, алқаб, гўдакдай қувонардилар. Ёзувчилар йиғинлари минбарларида ҳам, Саид Аҳмадни мақтаб турсангиз, кўпроқ ёзади, яхширок ёзади, деб таъкидлардилар.

Шоиранинг 70 йиллик хотира кечасида Саид Аҳмад шундай деганди:

– Саидахон билан яшаган йилларимиз худди шахмат тахтасига ўхшаган ҳаёт кечирдик. Бир гал у кишининг иши юришарди, менинг рўйхатдан ўчириб қўйишарди.

– Кўз тегмасин, Сизнинг асарларингиз чиқиб турибди, – дердим Саидахонга. Бир ойдан сўнг Саидахон кора рўйхатга тушарди, менинг ишим юришарди. Шунда у киши дуо киласдики, ишқилиб Сизга кўз тегмасин, асарларингиз чиқиб турибди, рўзгоримизга барака киряпти, деб.

Саидахон болаларни жуда яхши кўтарди. Бир дунё конфет олиб, кўчамизнинг болаларига улашарди. Ёлғизгина қизим бор, дуо қилинглар, қизимнинг умри узун бўлсин, дерди болаларга.

Мана, йиллар ўтди. Истиқлол замонида Саид Аҳмад қадр топди. Қаҳрамонлик юлдузи кўксида ёнди. Нодирахон баркамол инсон

бўлиб улғайди, боғлик-чорбоглик бўлди – икки қиз, бир ўғил билан бағри тўлди. Муаллима бўлиб элга хизмат қилмоқда. Саидахон ва Саид Аҳмаднинг мактубларини нашрга тайёрламоқда.

Ўғли Саидшароф иктисад фанлари номзоди, Саидахон қизи Германиядаги Кастел университети талабаси, Камолахон эса Тошкентдаги Вестминстер университетида таҳсил олмоқда. Нодирахоннинг умр йўлдоши – тибиёт фанлари номзоди Махмуджон Ҳодиев садоқатли ўғилдай Саид Аҳмаднинг қанотига кирди. Саидахон ва Саид Аҳмад туғилган, ўтган кунларда икки ёзувчининг шогирдлари, дўстларини чорлаб, дастурхон ёзади, руҳларини шод этади.

Отасининг кўрган яхши кунлари, топган эъзоз-эътиборини куюнчак, меҳнаткаш онажони – Саидахон кўргандада қанчалар суюнар эди...

Нозик хаёл шоиранинг ҳаёти, хаёли, абадияти садоқат, вафо гулларига чулғангани бежиз эмас.

*Сира чидолмайман, қувноқ чеҳрангда
Кайгуниң шарпаси кезса бир нафас.
Кўнглимга тикандек оғир ботади
Сенинг йўлларингда кўрсан хору хас.*

*Мен уни сочим-ла супуриб олгум,
Пояндоз деб йўлга жонимни согум.
Хоҳи билгил, хоҳи билмагил,
Садоқатда бир умр қолгум...*

Дўрмоннинг аргувонлар, чинорлар шовуллаб турган ижод боғидаги ҳовли яна шогирдлар билан гавжум. Сочларига оппоқ кор тушган сайин ёшлардай ғайрат билан тинимсиз ижод қилаётган Узбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад гўзал, малоҳатли ва ўқтам аёл, беназир шоира Саидахонимга сўнгги нафасигача садоқатда қолгани инсон умрининг зийнати эмасми?

ГУЛ ҲАМ, МУҲАББАТ ҲАМ ТИРИККА КЕРАК...

БИНАФША

1977 ийл, 20 март. Тўхтасин Жалилов номидаги кўча бошидаги ихчамгина ҳовлига одам сиғмай кетди. Шеърият муҳлислари, азабиёт муҳиблари бошларини эгиб, кўзда ёш билан кириб келишарди. Ичкарида сехрланган маликадай нурланиб, тобутда шоира ухлаб ётарди. Энди у армону афсусларни, йиги-сигиларни эшиитмас, бу бешафқат хаётдан мағрур ва тоза виждан билан, ғолиба бир алфозда кетаётган эди. У хеч ким билан хайр-хушлашмаган, ўша мудҳиш кеча синглисини она шаҳрига, Андижонга узатиб қолган, рафики Сайд Аҳмад акани алдаб-сулдаб уйга жўнатган, Нодирахон ёлғиз қолмасин деган андишада, беморхонада танҳо қолган эди. Пойтахтнинг оддий касалхонасида. Ҳукуматнинг имтиёзли шифохонасида эмас. Ана шу кеча унинг айрилик ва тахкирларга, машакқат ва меҳнатга дош бериб келган қалби юрак хуружига дош бермади.

У худди шеър ўқиётгандай, лаблари очик, сехрли уйкуда эди.

Юзларига нимпушти ҳарир мато ёпилган. Кўксида эса тўрт донагина бинафша мўлтираб турарди. Бинафшанинг кўзларида баҳорнинг кўз ёшлари борга ўхшарди. Ёнидаги ёстиқчада эса иккита нишон – у худди бу азиз ва меҳрибон чеҳранинг хуснига соя солиб турган қўрғошинга ўхшаб кетарди. Бир қанотдаги ойнаванд айвон пастида, йўлакча жиякларида бир тизимгина бинафша очилиб ётарди. У нафармон юлдузлардай товланарди. Ҳаво бироз изғирин. Лекин осмон тиник. Уйғонган шабадалар ҳилпираб-ҳилпираб бинафшаларга тегиниб, ҳовлига муаттарлик баҳш этарди. Шоиранинг мумгардишга ёзилган овози янграйди, диллар титрайди, юракларга армон чўккан. Сухандон Қодир Махсумовнинг аёли уйга ҳар кириб чиққанида, овозингиздан айланайин-а, Сайдахон, деб йиғларди. Нодирахон эса шоиранинг тепасида унсиз мунграр, у худди нимжон ва нафис бинафшадай онасининг бошига эгилиб-эгилиб кетар, чексиз-чегарасиз оламда бўронга йўлиқкан ниҳолдай титраб турарди.

Ўкинч ва жудолик аччиғи билан Чигатой кабристонига йўл олдик. Шоиранинг сингиллари тобут устига бинафшалар сочиб ташлашди. Бинафша гўё баҳорнинг соғлигини, гўзалликни кузатиб йўлга чиқкан карвондай бўзлаб боради.

Алвидо, эй бинафшадай маъсум ва бегубор Сўз! Айтилмаган шеърлар, қоғозга тушмаган дардлар, орзулар, букилмаган матонат, хайр!

*Нечунким бу чаман маркин құлурсан,
Бўлибон чўллара дилжў, бинафша?
Нечун қаддинг букилмиши пирлардек,
Ишингдир субҳу шом оҳу, бинафша!*

АРГИМЧОҚ

Улуғлар мангуда ётган Чигатой кабристони. Азим чинорлар бунда хаёлчан шивирлади. Бундан шамоллар ҳам шиддатларини тийиб, оҳиста эсадилар. Бунда абадият хаёллари кезинади. Устозлар ётган бу чин маконга уларни бехад ҳурмат қилган, шеърларида ардоқлаган бир шоира келдилар.

Бунча эрта келдинг, бу сукутгўшага, дерсиз устоз Ғафур Ғулом!

Ҳаёт шу экан, қазои қадар етганда, бандаси ожиз экан, муаллим! Лекин мен улгурдим, шеърларим кўшиққа айланиб кетди, достонларимда халқимнинг энг гўзал удумларини, фазилатларини битдим. Ҳикояларимда Аёл шаънини улуғладим. Софлик ва ҳалолликни куйладим, демокчийди шоирам...

Гулчеҳра йиғлаб сўйладиди. Сайд Аҳмаднинг қадди букилган. Эй наврастагина Нодирам! Бардам бўл, қизим, дегандай бўлади шоира...

Қодир Махсум гулдурос овози титраб шеър ўқииди.

Унинг кўз ёшлари юзини ювиб тушади, овози титрайди, аллақайдан шамол уйғониб келади-да, унинг овозини бутун қабристон сахнига ёяди. Қирлардами, Куйганёр канали бўйларидами, шоиранинг болалиги чақмоқдай елиб юрар, болаликнинг тиник товуши олислар оша етиб келгандай, ҳамманинг хаёлини олиб қочган.

*Бойчечак излардим боғларда тентиб,
Сочимга санчардим қандай гулки бор.
Истардим, шу баҳор қолмаса кетиб,
Истардим, гулларга құнмаса губор.*

*Феруза осмондан узолмай нигоҳ,
Күкаптлар устида ётардим узоқ.
Томлардан қизгалдоқ қидирардим гоҳ,
Гоҳ қушлар ийлига құярдим тузоқ.*

*Үрик гулларини түкиб, түзгитиб,
Арғимчоқ учишни севардим жуда.
Соатлаб турардим хаёлим кетиб,
Гуллар сузиб ўтса сувлар мавжисда.*

Кунлар илиб, қорлар эриб, баҳор келди. Үриклар гуллаганды...
Баҳорни севадиган шоира энди йўқ. Үрик гулларини түзгитиб
арғимчоқ учган болаликни эслаб, ўша йили баҳор кўп йиглади.
Шоиранинг ҳаёти баҳор рангларига сочилиб кеттандай эди. Зотан,
у башорат қилган:

*...чин инсон умри
Ажсал юлиб олса, ишиқи, кўз нури,
Юрагининг тафти қолади элда!..*

Ён дафтардан.

Нимадандир таъбинг хира тортиб, кўнглингга қил сиғмай
қолган лаҳзалар бўлади. Шунча кенг оламда биргина сен ортиқчага
ўхшайсан. Қандайдир илинж, игна кўзича ёругликка зор бўлган дам-
ларинг бўлади. Шундай дакиқаларда мен ён дафтарчамни вараклаб,
қайта-қайта ўқигим, гўзал хотиралар шуъласидан жунжиккан жо-
нимга ҳарорат олгим келади. Устозларим, қадрдон дўстларим,
мушфик онам нафаси эсиб турган саҳифалардан паноҳ топаман.
Ҳозир ҳам шундай бир кайфиятдаман. Алвон муковали мўъжаз

дафтарчам содиқ сирдошимдай менга ўтган кунлардан хикоялар сўйлади.

«1977 йил, 7 август. Уч кунлик бетоблиқдан сўнг кўлимга қалам олдим. Бу кеча тушимга раҳматли Саида опам кирибдилар. Катта-кон боғдан бинафша териб юрганишилар. Бинафшазорда ўзлари ҳам бир нафасдан сўнг бинафшага айланиб кетдилар. Бир сўз демадилар».

Мунис ва камтарин Саидахон опа! Бу дунёга келиб нима кўрдингиз? Сиз ҳали узок, жуда узок умр кўрасиз, дегандик. Сизни эъзозлаб, ардоклаб шеърлар бита олмадик. Шону шухратга, мансабга, мукофотга шошмаган эдингиз. Мангулик боғига бунчалар шошдингиз, ахир? Наҳотки, беозор, инсоф-адолатли, гўзал шоира пешонамизга сифмади? Наҳотки, ўлим шунча бешафкат! Ўзига ҳам, ўзгага ҳам керак бўлмаганлар судралиб юрибдилар-ку, шу тупроқда!

Ушбу маҳзун хотира сўзларимни ўкиб, ғойибдан бир овоз келгандай бўлади. Бу овоз мени қилкўпrik олдидан яна ўз ҳаётимга қайтаради. Саида опа билан учрашувларни, уларнинг қисқа, лекин тансик сухбатларини, овоздарини эслайман. Оппоқ кулча юзга, кенг пешонага ярашиб тушган қалин, чамбар қилинган соchlарини эслайман. Ярқираб турган тилла тишлари файзли юзларини яна ҳам нурлантириб турарди.

ЗИЛЗИЛА

1976 йил, апрел. Саида опанинг эллик йиллик тўйларини нишонлаш учун Самарқанд ва Бухоро сафарига отландик. Машина Тошкент – Жиззах йўлидан елиб бораркан, Саида опа кенгликларга ҳаёлчан тикилар, бот-бот уйда қолган қизлари Нодирахондан гап очардилар.

Жиззахдан ўтишимиз билан йўлда тақиқ белгиси пайдо бўлди; айланиб ўтиш керак. Шағал ва тош аралаш қум тўкилган йўлдан чанг босиб ўтарканмиз, Саидахон опа нуқул, машинани астароқ ҳайданг, ғилдираги ейилиб кетади, дердилар. Саид Аҳмад aka эса парво қилмас, тезрок Самарқандга етиб олайлик, дердилар.

Самарқандга кираверишда гавжум бир чойхона олдида тўхтадик. Сўрилар қўйилган экан. Пешин бўлиб қолаёзганди. Бир пиёла чой баҳонасида, сўрига ўрнашдик. Чойхонадагилар дарров чойнон ҳозирлашди. Парварда солинган патнислар пайдо бўлди. Бир лаҳзада чойхўрлар биз ўтирган сўри атрофида тўпланишди. Бир машина аёллар келиб, Саидахон опани ўраб олишди. Топган китобларими, ён дафтарчаларими, опадан дастхат ёздириб олишди. Суҳбат қизиб кетди, Саидахон опа ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Дилкаш суҳбат шоиранинг чехрасини яна ҳам чиройли килиб юборганди...

Самарқанд дорилфунунида суҳбат, мушоира. Каттакўрғондаги давра... Каттакўрғон ёғ-мой корхонасидаги учрашувни анча кутиб қолдик, ҳеч ким хабар бермаган, уларнинг ёзувчилар келишидан умуман хабарлари йўқ экан. Бирорта арбоб, амалдор шундай ажойиб шоирани кутлагани, муборакбод этгани истикболига чикмади ҳам. Чунки Тошкентдан ва Ёзувчилар уюшмасидан сим қоқилмаган эди.

Самарқанддаги адабиёт муҳиблари, хусусан аллома Воҳид Абдулла, муҳтарам олим Нуриддин Шукуров ва Ҳакимахон Ҳасановаларгина ҳамроҳ бўлишди, имкон доирасида кутиб олишди...

Бухорога кириб борганимизда шом қоронғуси тушган, шаҳар жим-жит эди. Кўп қаватли «Интурист» меҳмонхонаси саҳнида анча кутиб қолдик. Саид Аҳмад ва раҳматли Туроб Тўла бухоролик бир киши билан суҳбатлашиб кетишиди. Йўрмадўзи баҳмал дўппи кийиб олган мезбон улфатчиликка анча мойил экан, икки адабнинг саволларига тожикча талаффузда жавобни дўндириб турарди.

— Ако, — деди Саид Аҳмад, — бу ерларга земля тресоват қилмайдиму?

Ҳалиги киши елка қисиб, жилмайиб кўя қолди.

Ўша кеча тонг саҳарда каттиқ зилзиладан уйғониб кетдик. Ҳамма гувиллаб ташқарига отилди. Саидахон опа югуриб менинг эшигимни қоқдилар.

— Ойдиной, кўркманг, кўркманг! Тезрок бўлинг, пастга тушинг...

Мен отланиб пастта тушганимда, Саида опалар аллакачон меҳмонхона ташқарисида туришарди. Шу алфозда узок туриб колдик. Ер қайта-қайта силкинарди. Меҳмонхонага қайтиб киришга хеч кимнинг юраги бетламасди.

— Саидахон, сиз Ойдиной билан чиқиб жомадонларни олиб тушинг. Мен ҳам чиксам, тағин ер қимирласа, бир кор-хол бўлса... Нодирахон Тошкентда ёлғиз... Нима бўлади? — дерди Сайд Ахмад...

Саидахон опа билан чиқиб жомадонларни, сафар халталарини иғишишириб тушдик.

Шаҳардаги барча учрашувлар қолдирилди.

— Ер қимирлаб турганда одамларнинг кўнглига шеър сиғадими? Ичиди карғаб ўтирасин, кетамиз, — деб туриб олдилар Саидахон опа.

Йўл-йўлакай Шоғирконга тушдик. Ёзувчи Аҳад Ҳасан яшайдиган қишлоқда тунги соат ўnlарда катта йиғин бўлди. Ушандада ҳам ер силкиниб турарди. Саидахон опанинг майин ва нозик шеърларини маҳлиё бўлиб тинглашди. Оддий одамлар шеъриятга, гўзалликка накадар ташна, накадар ошно эканини ўшандада кўрдим.

Аҳад Ҳасан устозларининг ҳурматини жойига қўйиб, уларни эъзозлаб, кўнгилларини кўтарди. Саидахон опа билан учрашув катта байрамга, тўйга айланди. Ваҳоланки, хеч ким кўнғироқ килмаганди, бирор режалаштирганда. Бунда хақиқий адабиёт муҳлиси бўлган хўжалик раиси ва садоқатли шогирд чин инсон йўригини тутгандилар...

Тошкент йўлида Саидахон опа, машинани тезроқ ҳайданг, деб сўрадилар. Тезроқ Нодирахонни кўргилари, унинг соғ-омон ўтирганини билгилари келарди. Шеърдай ардокли ва тансик қизларини бағриларига босгилари келарди. Йўл-йўлакай негадир ўкиниб кўярдилар. Лекин заррача нолиниб, койиниб, бизни кутиб олишмади, деган гиналарни оғизга олмадилар...

Мен йўл-йўлакай онамни кўриб ўтганимдан хурсанд эдим. Саидахон опа шеър ўқиганда қизларнинг кўзлари чакнаб, юзлари ловуллаб, юраклари хаёлларга тўлиб бораётгани кўз олдимда жонланарди. Ўша шикаста овоз, кулгу ярашган файзли чекра. Шеър ўқиганда ғунчани эслатадиган дудоклар...

Гўзал ва хушрўй шоири энди қайтиб, келмайди. Унинг муаттар нафаслари шеърларида, сарғайган китоблар саҳифаларида колди. Уни ардоқлай олмаган замон ҳам ортида қолиб кетди. Ўша Бухоро учрашувларида зилзила бекор бўлмаган эди, назаримда. Табиатда ҳамма нарсанинг ўлчови, ҳисоб-китоби, савол-жавоби, акс-садоси бор. Балки инжа қалбли шоирани инжитганлар, ранжитганларни огоҳ этувчи табиат исёни эди ул тунги зилзила!

Ўша Газли зилзиласи қанча иморатларни дув тўқди. Юракларни кўркувга тўлдирди... Лекин ундан ҳам даҳшатли зилзила – бу юракдаги бўрон. Қалбнинг вайрон бўлиши. Истеъдод қадрига етмаслик, нописандлик. Жоҳиллик, хушомадпарастлик. Ҳакиқатгўйликни ёқтираслик. Хоксор одамнинг иззатини ерга уриш... Бу даҳшатли зилзила. Ана шу зилзила Саидахон опанинг «Сокин тунни безаган, на мозшом гулидек кўзлардан ниҳон» ёшлигини ютган зилзила. Унинг мағрур ва жасур қалбига дарз солган зилзила ўша энг қувончли кунларда қувончини татитмаган амалдорлар, фирмапарастлар лоқайдлиги, кўрқоклиги бўлди. Бу ҳакда шоиранинг ўзидан ўтказиб гапириш амримаҳол:

*Тирикларни ўйлаб ҳайратланаман,
Ўлганларни эслаб толаман ўйга.
Гоҳида зил чўкиб, гоҳ қанотланиб,
Гоҳо нуқтаман, гоҳ сизмайман ўйга.*

*Руҳ агадий деса, ишонмоқ керак,
Ҳаётда шуъладек қолганлар озми?
Ўйласанг, ёришиб кетади юрак,
Асрлар қаъридан берарлар овоз...*

БЕҒУБОРЛИК

1986 йил, куз. Ёзувлар қурултойи олдидан бир неча адиблар, шоирлар Чигатой мозористонига устозларни зиёрат килгани бордик. Абадият боғида унсиз сұхбат кураётган тош сувратлар дилни маҳзун туйғуларга ғарқ қиласи.

Мана бу – наъматак гулларининг куйчиси, зариф шеърлар куйловчи донишманд Ойбек. Бунда ўзбек диёрининг наъравор шоири, атторнинг кутисида ҳам йўқ рангин сўзлар ижодкори Ғафур оға. Бу азиз сиймо эса ҳалим ва дилкаш Миртемир бахши. Ана, сўз заргари муаллим Қаҳхор... Озарнинг ўзбекни жону дилидан суйган бир ўғлони ҳазрати Шайхзода, Уйғун домла...

Рухингиз тинч, охиратингиз обод ўлсин, улуғлар! Мана, кора атлас кўйлакда, тиниққина чехралари ойдай балқан Саидахон Зуннунова... Кўзларимга ёш қалқади. Бу беозор ва маъсум шоиранинг куни кечагина «Шарқ юлдузи» идорасига кулиб кириб келишларини эслайман. Назм кенгашининг йиғилишларига, фирмака мажлисларига мунтазам иштирокларини ўйлайман. Опа хонамга кирсалар, дилим ёришар, гоҳ бирор сатрим ёқиб қолган бўлса, мақтаб қўярдилар: «қайғусиз дунёлар нолиш ўргансин». Яхши айтибсиз, дердилар. Одамнинг ҳам юзи шунча беғубор бўладими, дердим унинг пушти янокларига қараб. Ҳалиманинг «Аёл» шеърини қайта-қайта мақтаб, бу ёшда шундай шеър ёзишининг ўзи бир жасорат, дердилар.

Саида Зуннунова шоира қизларни ардоқлар, уларнинг шеърларини кузатиб бораради. Уларга меҳри баланд эди:

*Гулчехралар бўлиб қувгум гафлатни,
Ойдин бўлиб тунлар тўкарман илҳом.
Дунёдек бедорман, бедорман ҳар вақт,
Биринчи севгидек соғ ва нақирон, –*

деб ёзганда у шоира сингилларига.

Хонам жийда гули исига тўлиб кетарди. Махзун кўнглимга шульга тушарди, ҳайъатларда эмас, биз билан ёнма-ён ўтиришни яхши кўрардилар.

Намхуш ҳавода ҳорғин чехралар. Улар Саидахон ҳақида хотира сўйлайдилар. Шеърлар ўқилади. Озода ва саранжом қабрни сопол гултувакларда ўсган гуллар қучиб ётади. Худди бунда ухлаёттан гўзал туйғуларга бой қалбни хору хаслардан, булутлардан, ёмон ҳаводан ва ёмон назарлардан асрароқчидай. Бизнинг қўлимиздан

келмаган шу оддий инсоний ҳимматни табиат ўз зиммасига олган-дай...

Жийда гули новдасига қистирилган бир парча қоғозга кўзим тушади. Уни аста қўлимга оламан. Ҳусниҳат дафтариға битилган шеър. Шоиранинг ижодини севган, мисраларига мафтун мухлиса битган машқ. Жийда гулларини севган шоирага меҳру ихлоси, эҳтиромини ёзган ўкувчи қизнинг ўқинчли сатрлари:

*Жийда гулларини севган шоирам
Жийда гуллаганда келдим сўроқлаб...*

Меҳр битилган қоғозни авайлаб гуллар япроғи орасига қўяман. Бу муҳаббат изҳорини тун сукунатида балки еллар шивирлар... Шоиранинг уйғоқ Руҳи унга қулоқ бериб, ҳаётга ташна Руҳ андак таскин топар.

Улкан дарахтлар баргларига шитирлаб ёмғир туша бошлайди. Бу ғамгин ва маҳзун зиёратгоҳдан жим ва чарчоқ ҳис билан қайтаман. Умрнинг ўткинчилиги, шону шуҳратларнинг сув юзидағи кўпикдай бекарорлиги, бу дунёда фақат яхшилигу яхши номгина абадий қолишини ўйлайман. Меҳрибон ва назокатли шоирамнинг қабр тошида битилган ҳикматли байтини бор овозим билан айтгим келади:

*Одамлар! Авайланг бир-бирингизни,
Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак...*

ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК СОҒИНЧ

2002 йил, июнь. Устоз адид Саид Аҳмад қўнғироқ килиб қолдилар:

— Ойдиной, қизлар билан хабарлашиб, адibalарни чорланг. Андижонга чақиришшаётти. Саидахоннинг хотира кечаларини ўтказишмоқчи. Бу ёқдан мен қизим Нодирахон ва набираларимни бирга олиб борамиз...

Иброҳим ака билан самолётда кетадиган бўлдик. Олмосхон укаси Абдуқодир Ғуломов орқали машина ташкил қилди. Турсу-

ной Содикова, Фарида Афрӯз, Зулфия Мўминова, Диљбар Саидова, рақкоса Муаззам Ғофуровалар машинада жўнашди.

Маърифатпарвар андижонликлар ўз юртдошлари Саидахон Зуннуновани беҳад севишади. Шоира мангаликка кўчганига йигирма беш йил бўляпти. Лекин унинг гўзал хотираси эл ичидаги уйғоқ.

Тайёра гўёки осмон кенгликларида эмас, юракдаги хотиравлар оралаб учайдан гандай.

Қулогимда унинг майин, шикаста овозда ёд ўқиган шеърлари янграйди.

Саида опа фирманинг Адабиётчилар уйида ўтган бюро йигилишида 1975 йиллар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилиб чиқсан шеърларини ўқиб берди:

— Айтинглар, бу шеърларимнинг нимаси хато? Нега улардан сиёсий камчилик кидиришади? Аёл гўзаллигини, миллий чиройли либосларни улуғлаб ёзиш наҳотки сиёсий хато бўлса?

Унинг нидоси зални савалаб ўтди. Номдор адиблар жим ўтиришарди. Ўша адиблар сукутга чўмган мажлис кўз ўнгимдан ўтади. Юрагимни согинч қамрайди. Соғинч шеърга айланба бошлайди:

*Сунбул-сунбул соchlарини сим-симада ўрадим,
Жаннатларнинг шамолидан ифорини сўрадим,
Жийдаларнинг баргларида хати бор деб қарадим
Жонга маъҳам суҳбатидан ишқ туморин қурадим,
Висол – бир ён, ҳижрон бир ён, Саидахон кўринмас.*

*Богишамол қўшкларида Бобуршоҳнинг согинчи,
Куйганёрнинг мавжсларида олис дийдор илинжи,
Бошга тушди айрилиқнинг фалак солган қиличи,
Бу дунё бир ганиматdir, вазъдалари ёлгончи –
Висол – бир ён, ҳижрон бир ён, Саидахон кўринмас.*

*Ярмиси бўши ёстигида тунлар армон тутайди,
Еру осмон ўртасида ўртаниб жон тутайди,*

*Ҳар сўзидан қоғозга ўт тушиб, гумон тутайди.
Ул ўтган тор кўчаларда йўллар – тумон, тутайди,
Наҳот зулмат тунлардан сўнг бир ёргу тонг кўринмас?*

*Бўрон ичра қолган ниҳол каби тўлгониб борар,
Хаёллари пойларига гулдай чулганиб борар,
Юрагида Ҳақ қушидай сайраб чурканиб борар,
Имонидан юзи порлаб, нурга бурканиб борар,
Йўллар – узун, йиллар узун. Тунга поён кўринмас.*

*Мұхаббатдан кеч! – дедилар. Усиз умр йўқ! – деди,
Ҳар бир сўзи нокасларга қадалган бир ўқ эди.
Қадам босса – товонида лангилаган чўёз эди.
Садоқати уни маҳкам суяб турган туг эди,
Мункигандан суюнгувчи бир мард инсон топилмас...*

*Ул висолга етди тошли сўқмоқларни оралаб,
Юз-кўзига дўлдай ёқсан тўқмоқларни поралаб,
Камситишлар, инжитишлар юрагини поралаб,
Дийдор деган баҳтга етди жонидан товон тўлаб,
Саидага Саид Аҳмадсиз икки жаҳон кўринмас!*

*Аришдан тушиб келяпсизми, нозикхаёл шоирим!
Садоқатнинг рамзи бўлиб, сўзлари бол шоирам!
Давраларга чорлар Сизни Эрк, Истиклол, шоирам!
Эй, қаноат буржидаги буюктимсол шоирам!
Андижоннинг йўлларида моҳитобон кўринди,
Саид Аҳмаднинг вафосида Саидахон кўринди...*

Дарҳақиқат, Бобур номидаги Андижон вилоят театри саҳнасидан атлас кўйлакда соchlарини сунбулдай елкасига ташлаган гўзал ниҳол каби шоира Саида Зуннунова парвоз этиб ўз муҳлислари сари, суюкли Андижон сари ошиқаётгандай.

Рұх, абадий деса, ишонмоқ керак... –

жаранглайди яна унинг шикаста овози.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, сүз заргари олим Иброҳим Ғафуровнинг теран сўзлари Саидахонимнинг ижод дунёсини юракларга янада яқин қилди. Мен хам самолётда ёзган шеъримни ўқидим.

Самимият, ҳаёт ҳақиқати уфуриб турган соғинч сўзлари билан Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад рафиқаси, маслақдоши, вафодор ёрининг хотирасини шод қилди.

Бўзда, Избосканда, мактабларда бўлиб ўтган адабий анжуманларда ҳалқ шоири Тўлан Низом, Турсуной Содикова, Зулфия Мўминова, Фарида Афрўз, Қамчибек Кенжа, Дилбар Сайдова, Олмос сўзлар айтдилар. Ёдномаларидан лавҳалар ўқидилар. Шоиранинг дугонаси, у билан узоқ ҳаёт йўлларини бирга ўтган, бирга ўқиган дугонаси Мехринисо Ашуррова унутилмас воқеаларни ҳикоя килиб, муҳлисларнинг дилларига ҳаяжон солди.

Андижонда ҳаёт ва меҳнат қайнайди. Андижон жуда катта ғалла ҳосили олди. Боғлар, мевазорлар одамнинг кўзини яшнатади. Дехқон меҳнати, ақли, иродасига баҳо бергандай гуллаб ётган пахтазорлар денгиздай чайқалади. Шаҳарлар, қишлоқлар, ораста йўлларни, эшик-остоналарни гулзор, дейсиз.

Ўзини қадрлаган, ҳар қарич ерини севган, юрагида равшанлик ва фикрида теранлик бўлган одамларгина шундай чиройли яшайдилар, ватанларини безатадилар. Бу дунёнинг жаннатларини кўнглида андижонликлар каби зиёси бор одамлар барпо этади. «Олтин соз» гуруҳининг навқирон овози Андижон адирларига ёйилади.

Замон-замонлар ўтади. Шоира сўзларининг акс садоси тинмайди:

*Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё,
Ҳам кекса, ҳам гўдак муҳаббат мисол.
Билиб билмасликка оламиз гўё
Айрилиқ абадий, ганимат висол...*

Шоиранинг шеъри, насли халқимиз, аёлларимизга қанчалар яқинлигини бу анжуманларда яна бир карра ҳис қилдик. Халқ қалбига яқин сўз ўлмас экан. Ҳикмат ва тафаккур булоқлари куrimас экан! Ўз шоирасини унутмаган эл маънавияти тинимсиз юксалиб бораверади.

САИДА ЗОР ЎТДИМИ?

Шоира Саида Зуннунова яккаю ёлғиз кизи Нодирахонни еру кўкка ишонмасди. Чақалоқлигида тунлари бедор гўдагининг юзиға термулиб, ухламай чиқар, кундузлари чақалоғи куш уйқусига кетганида унга бағишилаб гўзал аллалар, шеърлар битарди. Нодирахон мактабга ўқишига кетганида эса танаффусларда иссиққина нон, тугунчада ўроғлик егулик кўтариб, она мактаб остонасида турган бўларди. Нодирахон бу меҳрибонликлардан ўртоқларининг олдида хижолат бўлар, онасидан бундай қилманг, деб илтимос киларди. Учрашувларда, мушоираларда Нодирахон доимо кўғирчоқдай ясаниб, Саидахоним ва отаси Саид Аҳмад билан бирга юради. Ёзувчилар уюшмасининг жажжи аъзосидай уни ҳамма танир, икки ажойиб адибнинг гўзал асарида суюб, эркалашибарди. Саидахоним қизалоғини ҳеч қачон бировга ишониб ёки ёлғиз колдириб дам олишга, таътилларга бормас эди. Иттифоқо, Саидахоним соғлигини тиклаш учун курорт шаҳарларига бориши кераклигини айтишди шифокорлар. У пайтларда Сочи, Кисловодск каби курорт шаҳарларидағи санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар Марказком орқали олинарди. Саидахоним эса ҳукумат поликлиникасига аъзо бўлмаганлар. Саидахоним илтимос билан «Саодат» журнали бош муҳаррири Зулфияхоним ҳузурига келдилар. Зулфияхоним эса севикли шоиранинг бу илтимосларини бир зумда ҳал қилдилар. Марказкомдан кўрсатма бўлгач, Саидахонимга Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсига йўлланма берилди.

Шундай килиб, Саидахоним Нодирахонни Саид Аҳмадга ишониб, қайта-қайта тайинлаб, поездга чиқади. Поезд олисга кетган сайин уни турли ўй-хаёллар қамраб олар, кўз ўнгидаги мунғайибгина

хайрлашиб қолган маъсума қизалоги гавдаланаверарди. У бир амаллаб тонг оттирди. Поезд Қозоғистондаги Саксовул бекатида тұхташи билан, Саидахон түшди-да Тошкентта кетаётган поездга чиқиб олди.

У Тошкентта кириб келганида кун қайтган, намхуш ҳаво, ёмғир майдалаб севалаб турарди. Унинг юраги ҳаприкиб Тұхтасин Жалилов күчасидаги қадрдан ҳовлисига қандай етиб борганини билмайди. Не күз билан күрсінки, дарвоза очық. Остонада Нодира йүлга қараб турарди. Саид Аҳмад эса бир иш билан күчага чиқиб кетган эканлар.

– Күнглим сезган экан. Сенинг дарвозада мүлтираб турганинг күз олдымдан ўтаверди, – дерди Саидахоним Нодирахонни бағрига босиб...

Нодирахон расм чизишга, шеърлар таржима қилишга қизиқарди. Унинг Пушкиндан ўзбекчага ўғирған шеърлари газетада босилиб чиқди. Саидахоним еру күкка сиғмас, унинг сатрларини айтарди:

– Қаранг, Ойдиной, гүдак аклига келган сўзларни каранг:

Зимишонлик бир кун ажратар бизни

Ўша пайт бу сатрларга аҳамият бермаган эканман. Ҳар гал Нодирахоним Пушкиндан ўғирған ушбу шеър мисрасини хозир эсласам, юрагим шувиллаб кетади. Бу таржима матнида аллакандай айрилиқ башорати бор экан... Нодирахон ўнинчи синфни битирмай туриб Саидахонимни зимишонлик олиб кетди...

Нодирахоннинг сутдай оппок юзларида, кенгиш пешоналарида, оғир-вазминлиги, оиласпарварлигига Саидахонимнинг ҳусну заковатидан, одоб назокатидан нишона балқиб туради...

* * *

Саида ва Саид Аҳмаднинг Кўйганёрда дангиллама иморатлари бор, деб ғийбат бўлганди. Саида Зуннунова ўшанда партия мажлисида қизғин нутклар сўзлаганди. Ёзувчиларнинг рафиқалари ёз офтобидан салқин шаҳарларга қочиб, денгиз бўйларида ором-ҳаловат

олиб, даволанганларида, мен лойга ботиб, гувала қилиб, мардикорларга оби овқат қилиб, ҳар ғиштига юрак қоним қўшилиб, иморат тиклаганимни ҳам кўролмайдиганлар чиқиб колди, деганди шоира куюниб.

1976 йил. Саидахонимнинг 50 йиллик юбилейи таклифномаси коғозида Саида Зуннунованинг расмини бериш-бермаслик масаласи роппа-роса бир ой муҳокама этилгани, чўзилгани эсимда.

Ўша кунларнинг бирида шеъриятнинг йиллик муҳокамаси бўлган. Саидахоним бизларни яқин тутиб, «Шарқ юлдузи»даги хонамизга кириб келардилар. Янги шеър ўқиб берар, фикримизни сўрардилар. Гулчехра Жўраева, Эътиборхон опалар ҳам келишган, жам бўлиб турардик. Саидахон опа оғизларидан бол томиб, бизларни мақтаб, айрим сатрларимизни ёд айтардилар. Гапга, сухбатга берилиб кетибмиз, мажлис бошланадиган бўлибди. Саид Аҳмад шошиб кириб келдилар.

— Каердасиз десам, сингилларингизни топиб олибсиз-да. Сизлар ҳам жуда сергап бўлиб кетибсизларми, — деб ҳазиллашдилар.

Сўнг Саидахонимга қарадилар:

— Нима бало, актрисаларга ўхшаб олабайроқ кийиниб келибсиз?

Саидахон опа хафа бўлмадилар, ширин жилмайдилар:

— Шуни уйда айтсангиз бўлмасмиди, Саид Аҳмад ака!

— Уйда караб ўтирибманми? Мана бу сингилларингизни кўриб, Сизга қараш эсимга келди-да, — дедилар устоз адаб.

Ўртада беғубор кулгу, беозор ҳазил бўлиб ўтди. Икки ёзувчи кўш капитардай чиройли бўлиб мажлисга — юкоридаги қаватга кўтарилишди. Биз уларнинг изидан ўйналдик...

Устоз биз – шогирдларга Саидахонимни мактаб-мақтаб, у кишининг ўрис кампирнинг ғозлари ютиб юборган тиллаворлари ҳакида, меҳмон-измонга борганда ўзлари емай Нодирахонга ният қилиб қанд-курс олишларини завқ билан айтиб берганлари ёдимиизда.

Балки шу гўзал хотиранинг куч-куввати, Саидахонимдай нафис ва инжа шоиранинг илоҳий суврати ёди билан Саид Аҳмад ҳамон ўшлардай илҳом билан ижод қиласдилар. Қаҳрамонлик юлдузи шульласида ҳам Саидахоним чеккан машакқатлар, улар кечирган покиза ҳаёт нурларини кўриб кувонамиз.

*Васлингни умидида дунёдан ўтиб боргум,
Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай!*

Мана шу қувонч аро шоиранинг абадий армони ҳам янграб тургандай...

* * *

*Мен на давлатдану, на баҳтдан камчили,
Табиат ранжитган на бирон ҳаста.
Менга чин дилингни, дилингни очгили,
Қошингга келдим мен ишқ, меҳр истаб!*

Саидахон опа одам кўнглини пошшо биларди. У ўз мухлислари-га меҳру ихлос ва самимият илиа йўғрилган, жийда варайхон исла-ри гуркираб турган шеърларини раво кўтарди. Шогирдларини ғоят меҳрибонлик ва талабчанлик билан севарди. Мукарраманинг равон ва ҳаяжонли шеърларини мактаб кўярди. Бизнинг ғўр-шўр мисра-ларимиздан фазилат излаб суюнарди. Ёшларни қанотига олгиси кепарди.

Бир гал «Саодат» журнали таҳририятида Зулфияхоним билан ёшлар шеърияти ҳакида узок сұхбатлашишди. Ӯшанда Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг китоблари, туркум шеърлари эълон килиниб, қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Абдулла аканинг «Биринчи мұхаббатим», «Аёл», «Муножот» шеърлари, Эркин аканинг «Ёшлик девони» мухлислар учун катта байрамдай эди.

Икки улуғ шоира адабиётимиз умидларини суюб, ардоклаб, бири-биридан яхши-я, илойим кўз тегмасин, ёмон кўзлардан асрасин, деб қўйишарди оналарча меҳрибонлик билан.

Саидахон опа ўзларига ёққан сатрларни дарров ёдлаб олиб, дав-раларда айтиб, бизни мактаб, севинтирадилар.

Улкан ёзувчига елкадош, сафдош, маслақдош бўлиб, ёзувчи-ликнинг ўзига хос машакқатларига қарамай, назмда, насрда, драматургияда сермаҳсул ижод қилган Саидахон опа оила меҳнатини, маъсулиятини доим биринчи ўринга кўярдилар. Кичкина Нодираべ-

тимга аталган аллалар, шеърларни ўқисангиз, Она қалбининг меҳр-мухаббатга, мунаввар орзуларга лиммо-лимлигини англайсиз.

*Жаҳон менинг бағримдами,
ё мен жаҳон бағрида, –*

ҳайратланиб тақдирдан сўрайди шоира Оналик баҳтидан энтикиб, фахрга тулиб.

Шоира ижодида Инсонга муҳаббат, ишонч, ихлос ғунчалаб ётади. «Қўшниларим» достонида урушга кетиб, юргига қайтмаган навқирон йигитлар номини буюк армон билан тилга олади. Қаторидан хато бўлиб, bemavrid ҳаётдан кўз юмган синглисини изтироб билан шеърнинг маҳзун чолғулари пардасига жойлади. Бу маҳзун чолғулардан ҳижрон нолалари таралади. Онага бўлган чексиз меҳр унинг шеърлари юрагида оловдай ёниб туради.

Халқнинг насл-насаби, палаги тозалиги, қизларимизнинг одобҳаёси, шарқона назокат ҳақида 60-йиллардаёқ Саида Зуннунова куйиниб ёзган, одамлар орасидан кўтарилаётган меҳр-оқибат, ҳаётда учраб турадиган пораҳўрлик, бепарволик хусусида адига қатор ҳикоялари оркали ўз нуқтаи назарини баён этган ва ўша даврда анча «тўқмоклар»га дуч келган эди. Ўз ижоди билан у миллий кадриятларимизнинг умри узок бўлиши учун курашди. Дунёни Меҳр мувозанатда тутишини, инсонни меҳр-муҳаббат комилликка элтишини куйлаган маърифатли адига, оташнафас шоира ҳаёт бўлганида 80 ёшга кирап эди. У қолдирган баракали адабий мерос, юракларимизга солган меҳр ёди бугун бизларни – шоира қизларни бирлаштириб, меҳр буржида сақлаб турибди.

2006.

БУКИЛМАС ИРОДА, ГЎЗАЛ МАТОНАТ

Нодира Саид Аҳмад кизи сұхбатидан

Ота-онам кўп интизорлик билан кутган мен 1960 йилда дунёга келдим. Дадамлар ўшандага 40 ёшда эканлар. Менинг туғилишим ота-онам учун ҳаёт янгитдан бошланиши билан баробар бўлган.

Онам Саида Зуннунова оналик саодатидан баҳтиёр, тепамда бедор ўтириб, менга бағишлиб шеърлар ёзарканлар. Дадам эса болалигимнинг хар бир дакиқасини фотокамера ёрдамида сақлаб қолишига уринар эканлар...

Дадамлар ойимлар билан мени машинада ўzlари билан бирга сафарларга олиб кетардилар. Болалигим машинада ўтган, десам ҳам бўлади. Орқа ўриндиқда бошимнинг тагига бирон-бир тутуни қўйиб, устимга плаш ёки пальтомни ташлаб, радиодан келаётган куй ва қўшиқларни тинглаб, мудраб кетаверардим. Дадамлар йўлда қишлоқларда, далаларда тўхтаб, оддий одамлар билан сұхбат куришни ёқтирас эдилар, шу оддий одамлар ичидан қаҳрамонларини излардилар.

Мен бугун эски альбомдаги фотосуратларни кўздан кечираман. Жезқозғон (Қозогистон, Қарағанда вилояти) камоқхонасидан онамларга ёзган хатларини ўқийман, онамларнинг ўша даврда тутган кундаликларини варактрайман. Хатлар, кундаликлардан ота-онамнинг машаққатли ҳаётлари ҳақида тасаввурга зга бўламан. Дадам Жезқозғондан жўнаттан хатларида ёзганлар:

«Бугун айришиқнинг бир йилу бир ойи. Китоблардан ўқиганимиз, эртаклардан эшиштганимиз, хаёл ва тасаввур кучи билан ҳис қилганимиз, тўғрироғи, босинқираб кўрган тушимизда кечирганимиз ҳодисаларнинг мана шу давр ичida жонли гувоҳи бўлдим. Нима қиласай, инсон боши тошдек қаттиқ десалар, ишонмасдим. Тош эмас, энди пўлатдан десалар ҳам ишонмоқ керак. Дарёлар ва саҳролар ортида қолиб кетган гариб масканимни обод қилиб, тақдирнинг ҳамма оғир жабру жағофолар юкини ўзининг ожиз елкасида мутта-сил кўтариб келаётган мунис, мушфиқ, меҳрибон онамни овутиб ўтирганингиз учун Сиздан ниҳоятда миннатдорман.

10.06.1951 йил».

* * *

«Мен на Ватан олдида, на инсоният олдида айбдор эмасман. Факат Сизнинг олдингиздагина гуноҳкорман, холос. Ҳа, факат Сизнинг олдингизда! Чунки айни замонда чекаётган азобла-

рингиз фақат мен туфайли. Мен бўлмаганимда балки Сиз бунча қийналмаган бўлардингиз. Хаёл кучи билан Сизни қай шароитда яшаётганингизни кўриб турибман. Шодлик ва қайғуларимга шерик бўлган, ғарип масканимда сиёҳдонимнинг етимлигини сездирмаган чинакам дўстимни унутмайман. Шодлигини кўрмай, ғамига шерик бўлган кимсани унутиб бўладими, ахир?

05.05.51 йил».

Дадам қамоқда ҳам тинмай ижод қилганлар, китоб, газета ва журналлар орқали адабиётда бўлаётган янгиликларни кузатиб боргандар. Онам уларни юбориб турганлар. Қамалганларидан кейин Адабиёт фонди дадамнинг қарзларини онамдан қистайди. Дадамнинг рассомлик, ҳайкалтарошлик қилиб, ишлаб топган пулларини Адабиёт фондига юбориб, қарзларини узадилар.

Онамлар ўз хатларида дадамларнинг кўнглини кўтариб, уйдаги кундалик юмушлари, дадамнинг келишларига қандай тайёргарлик кўраётганлари ҳақида ёзганлар:

«Янги дастурхон олдим, салфеткалар тикдим. Сиз келганингизда биринчи йигилган меҳмонларга ёзаман, деб ният қилдим. Сервизимизнинг камини тўлатдим. Саид Аҳмад ака, нима қилай, ўзимни ўзим шундай овутиб ўтираман. Агар ўз аҳволимга фақат ақл кўзи билан қарасам, жинни бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун баъзан бўлаётган нарсаларнинг ҳаммасини унутишга ҳаракат қиласман: кийимларингизни оламан, тозалаб қайта қўяман, рўмолча тикаман, носкиларингизни ямайман. Шундай пайтларда Сиз ҳозир келаётгандай бўлиб туюлади менга.

23.01.1952 йил».

Бошқа бир хатларини ўқисангиз, аямнинг шунча мاشаққатлар аро яшнаб турган шоир қалби кўринади:

«Ҳозир ҳовлининг ҳаммаёги гул. Атиргуллар жуда авж олиб кетган, ўзингиз кўрсангиз, қанчалик севинар эдингиз. Сиз учун ҳам, Сизнинг ўрнингизга ҳам уларни парвариш қиласман. Мана, ҳозиргина бир дона қизил гулни китоб орасига солиб қўйдим, Сизга деб...

1952 йил».

«Саид Ахмад ака, соатингиз керак бўлмайдими? Агар керак бўлса, юбораман. Баъзи-баъзида олиб бураб қўяман. Ҳатто тугмангизни ҳам йўқотганим йўқ.

19.06.1954 йил».

Онам ўша пайтларда ҳар лаҳза «халқ душмани»нинг рафиқаси деган таъқиб остида яшаганлар. Уни ишдан четлатишган. Ўша йиллари дадамларнинг маҳбусликдан юборган меҳр, ихлос, ишончга йўғрилган хатлари онамга мадад бўлган.

Мана бу мактубни ўқисам, юрагим титраб кетади:
«... Саидахон!

Нимаики имкониятингиз бўлса кийинг, енг-ичинг. Дўст-душман олдида гариблик ошкор бўлмасин. Хотинлик номига номуносиб бўлган, аммо ўзини аёлларнинг зийнати деб биладиган муршидалар олдида магрур бўлинг. Дунёда бир марта яшамоқ ҳуқуқи берилган инсонни энг гуллаган, яшайдиган, ҳаётнинг гўзалиги, бор жамолини тўйиб-тўйиб кўрадиган бир даврида уни ҳасрат-надоматга солиб қўйган гуноҳкор сифатида сўзлаёттирман. (Аслида мен гуноҳкор эмасман.) Тақдирнинг беомон чангали бу гал адашди, жазога сазовор бўлмаган ошиқ ўлжасини қурбон қилди. Ширин хаёллар, эзгу ниятлар ўрнига фақат гам-андуҳ кўрган хотинни унумни мумкинми, ахир?

Узоқ изланиш сўнгида Сизни топдим. Шу билан овундим. Бутун борлигим, тақдиримни баҳам кўраман, ҳаётнинг авадийлигига қўл кўтарамиз, деб турган айни қизгин-ширин, завқли бир пайтда айрилиқ бошга тушдию, икки ёш, навқирон қалб, порлоқ ниятлар бирла бошлаган ҳаракатини ярим йўлда тўхтатиб қўйди.

Афсус, минг афсус...

... Ёдингизда бўлса, Тошкентда менга киритган икки дастрўмолдан ҳали атир ҳиди кетгани йўқ, ҳар замон исказ, маст кишидек довдираб юраман. Балки Отеллонинг ихтиёrsиз таъсирими, ҳар қалай рўмолчалар менга алланечук сирли-сехрли бўлиб сезилади, йўқотишдан қўрқаман. Ўн бир дастрўмол уйдан қандай келган бўлса, шундайича тоза, беғубор сақланган. Бирга яшаган кунлари-

*мизнинг ёдгори бўлиб сақланади, қалбимда галати, ҳам дилозор,
ҳам оромли ҳислар уйғотар...*

19.09.1952 йил».
(«Гулчекраялар» газетаси, 2010 йил, 12-сон).

* * *

... Онамлар ота-оналари, сингиллари ва укаларига жуда меҳрибон эдилар. Дадамлар ва онамлар билан тез-тез уларни кўргани борардик. Бобом Эргаш Зуннунов ўз даврининг зиёли, билимдон кишиларидан бўлиб, раҳбарлик лавозимларида ишлаганлар. Сабохон бувимни онамлар еру кўкка ишонмасдилар. Холаларим Сайёрахон Зуннунова кимё фанлари номзоди, доцент, Зиёдахон холам рус тили муаллимаси. Самидахон Зуннунова – таникли шифокор бўлганлар (Худо раҳмат килсан!). Онам билан дадамнинг тўйлари кечаси 1949 йил 19 ноябрда Насибжон тоғам йигит ёшида тўсатдан вафот этганлар. Замирахон, ёш келинчак, туғрук пайтида нобуд бўлган. Насидахон Қамбарова инженер-технолог, тоғам Акромжон Қамбаров тарих ўқитувчиси бўлганлар. Анор донасидалай зич бу хонадонда меҳру оқибат, хотиржамлик, илму маърифат зиёси бор эди. Ҳозир уларнинг ўғил-қизлари, неваралари олий маълумотли бўлиб, эл-юрт хизматидалар.

Иброҳим ГАФУРОВ

АНДИЖОН МУЗАСИ

2002 йил, 19 июнь. Шоирларнинг шўх латиф давраси. Улар Саида Зуннунова хотираси учун жам бўлишган. Даврада сўз, ғазал, вафо ҳакида ноёб, мафтункор сўзлар башоратдай айтилади. Мангу куйнинг нафис бир пардаси оҳиста такрорланади.

Хатто, каерда сўз айтса, кулги бўронларини қўзғайдиган Сайд Аҳмад ҳам Саида Зуннунова тўғрисида сўз айтганда, қулгини бир четга кўйиб, лирик рубобий тараннумга кўчди. Ҳеч ким кутмаган, эшифтмаган ва билмайдиган гўзал бир гапни эслади:

— Ҳаёт Саидахонга тўхтовсиз зарбалар етказиб турди. Қаердан келарди у зарбалар? Кимлардан келарди?

Саидахон бу зарбаларни доим жонида ҳис килар, матонат, чидам билан кўтарар, нозиккина жони билан ёлғонга, адолатсизликка карши турарди.

Қизи Нодира Саидахонни иккинчи қайта шоира килди. Нодира га у ўзининг энг улуғ асари деб қаарарди. Қизи учун жону жаҳонини тикиди. Отаси совға қилган тилла соатини сотиб, пулига ёзув машинкаси олиб, кечани кундузга улаб ишлади. Ҳозир Нодира бу машинкани ҳеч қаерга ишонмайди...

Бу нолали, дардли сўзлар ҳаммамизни хаёл дунёсига ғарк килди. Навбат Андижон Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси Мехрихон ая Ашуронага келганда, мен сўзнинг ҳақ кучи қандай бўлишини яна бир карра сездим. Мехрихон ая Саида Зуннунованинг тенгдош, сирдош дугонаси, бирга ўкиб, бирга катта бўлишган.

— Саидахон бошига қандай иш тушмасин, ҳеч қачон йиғламаган, ҳасрат килмаган, бир кимсани ёмон демаган... 1947 йилда САГУга ўқишга борганимиз. Очиқ ҳавода, оқ теракнинг танга-танга соясида ўтириб анжуман килардик.

Мехрихон ая эски бўлса ҳам, жуда озода кийинган, хаста овоз билан сўйларди.

Шўх шоиралар давраси дарроғ янгрок қофиялар, закий сўзларни тусаб қолди. Чиройли лаблар очилиб-ёпилиб эсноклар тутди. Ўттизинчи йилларнинг одами Мехрихон ая буни андак оғир олди.

— Сизларнинг эшитгиларингиз келмайди, — деди у тангрикиб: — Қорнингиз тўқ, устингиз бут. Нима десангиз, муҳайё... Биз очтўқимизни билмадик. Тўхтасин Жалилов бизга уч кунда дутор чалишни, ашула айтишни ўргатди. Саида кичкина киз бўлишига карамай болалар театрини ташкил килди. Мен Саиданинг ёзган ғазалини куйлаб чиқдим. Усмон Юсуповдай одамнинг назарига тушганимиз ўшанда. Мукофотига бизни Масковга сайёҳатга юборган... Ҳа, мана сизлар чиройли гапирасизлар, қофияларингиз сурмадай. Фақат сизлар ўқиган ва эшитган нарсаларингизни гапирасиз. Биз бошимиздан кечирганимизни сўзлаймиз. Мен доим Саиданинг

ёнида юрганман. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман. Қийналиб, неча-неча марталаб ўқиши ташлаб кетгимиз келган... вой-ей, у кунлар курсин...

Мен тарихнинг ажиг бир саҳифасига дуч келгандай, бу сўзларни ёзib қўйдим. Мехрихон ая бизга доим яраклаб турадиган олтинини берди. Олтин ҳеч қачон тубанда қолганми?

ИЖОДИЙ ВА ХОТИРА КЕЧАЛАРИ ҲАҚИДА

1976 йил, май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйида С. Зуннунованинг 50 йиллик юбилей кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон халк шоираси Зулфия бошкарди. Адабиётшунос олим ИброҳимFaфуров маъруза килди. Юбилей учрашувлари Андижонда давом этди. Атоқли шоирлар, ёзувчилар қатнашди.

1986 йил, 25 апрель. «Баҳор» концерт залида шоиранинг 60 йиллик юбилей санаси бўлиб ўтди. Зулфияхоним юбилей комиссияси раиси, мен раис ўринбосари эдим. Зал одам билан тирбанд. Таваллуд кечасини О. Ҳожиева бошкарди, шоира Ҳалима Худойбердиева маъруза килди. Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Туроб Тўла, Зоя Туманова, Сайд Аҳмад сўзлади. Ҳофизлар, шоиранинг муҳлислари иштирокидаги кечада Сайд Аҳмад кинолентага олган тасвирлар экранда кўрсатилди.

1986 йил, 16 май. Андижондаги ёзги театрда, 17 май куни Андижон Давлат педагогика ва Андижон тиллар институтида ижодий тадбирлар давом этди.

Иброҳим Faфуров маъруза килди. Сайд Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Омон Матжон, оlima Фолия Мусина, Носир Фозилов, Неъмат Аминов, Эътибор Охунова, Гулчехра Нуруллаева, Ойдин Ҳожиева, Мукаррама Муродоваларнинг хотиралари тингланди. Ҳофизлар Таваккал Қодиров ва Шерали Жўраев ашулалари тадбирларга файз кўшди.

1996 йил, 15 февраль. Ўзбекистон телевидениесида Саида Зуннунова хотирасига бағишлиланган кўрсатув бўлди. Сайд Аҳмад хона-донида ёзib олишган эди. И. Faфуров ва мен сўзладик. Эл севган шоирани ҳамма кўриб, хурсанд бўлибди.

ЎзТВ архивидан олинган кўрсатувдан лавҳа беришди. Саидахоним атлас кўйлакда, соchlари бошига чамбарак қилинган. Барча шеърларини ёд ўқиди. Ширили овоз, нозик чехралар, оддийгина, сўлим, фариштали аёл.

Барча кўрганлар кўнғирок килишди, яхши, дейишди. Хурсанд бўлдик. Ўшандан бир кун аввал Саидахон опа тушимга кирибдилар. Шунчалар мунаvvар, нурли, илоҳий чехра, икки юzlари нақш олмадай. Ажойиб безатилган, ясатилган уйда эмишлар.

- Сиздан нур тараляпти, Саидахон опа, – дедим.
- Йўқ, Ойдиной, мен гулман, – дермиш нигоҳлари сўзсиз.

Тушимдан кўзларим каманиб, уйғониб кетдим.

1996 йил, 29 февраль. «Турон» кутубхонасида Саида Зуннунованинг 70 йиллигига багишланган адабий учрашув бўлди. Халқ ёзувчи Саид Аҳмад, олимлар Шариф Юсупов, Наим Каримов, хофиз Нематжон Қулабдуллаев ва Вазира Собировалар сўзладилар. Мен ҳам шеър ўқидим. Ўша кунлари «Миллий Тикланиш» газетасида «Саидахонимни эслаб» шеърим чиқди.

САИДАХОНИМНИ ЭСЛАБ...

*Бул хонада гўё тўхтаб қолган Вақт.
Сувратлар боқади маҳзуна хаёл.
Бир боғлам бинафиша терганча хушибахт
Ой нуридай кирап фаришта Аёл.*

*Очиқ дафтарларнинг саҳифасида
Межнаткаш қўлларнинг майин тафти бор.
Чала қолган шеърлар сарлавҳасида
«Бири кам дунё» деб хўрсинар баҳор.*

*Ёмгир, қор ёғдирар баракали Ҳум,
Қадр тунларидаи фараҳли айём.
Бу жсаннат туфроққа ёғилмоқда қут
Шоирам, Сиз етмиш ёшга кирган шом.*

*Ёзёвон чўлидан учган гозларми
Хат ташлаб ўтодур Куйганёр томон?
Маъюс кўзингизда ёнган нозларни
Согиниб бўзлайди Саид Аҳмад ҳамон.*

*Ҳамон давраларда гулчехра қизлар
Оғзидан бол томиб Сиз ҳақда айтур.
Жийда гулларидан таралган ислар
Ҳар тонг қабрингизни айлануб қайтур.*

*Сулув сувратингиз қасдма-қасд, магрур
Жилмайиб тик боқур жала-дўлларга.
Тоза руҳингиздан таралади нур
Садоқат аталган мушкул йўлларга.*

1996 йил, 9–10 май. Саида Зуннунова таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира учрашувлари Фаргона Давлат университети, Андижон ва Наманган театрларида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, ИброҳимFaфуров, Эътиборхон Охунова, Турсуной Содикова, Йўлдош Сулаймон, Ҳабиб Саъдулла ва Ойдин Ҳожиевалар иштирок этди, сўзлади. Шоиранинг синглиси доцент Сайёра Зуннунованинг чиқиши ҳаяжонли бўлди.

1996 йил, 20 май. «Бахор» концерт залида Саида Зуннунова таваллудининг 70 йиллигига бағишланган адабий кеча ўtkазилди. Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, олимна Фозила Сулаймонова, Бош вазир ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Йўлдош Сулаймон, Тўлан Низом, Турсуной Содиковалар сўзлашди. Эл суйган ҳофизи хушхонлар, созандалар зални оҳангларга тўлдириб хониш қилдилар. Кечани Ойдин Ҳожиева бошкарди.

Саидахонимнинг таваллуд кунлари халқимиз учун адабиёт, шеърият байрамларига айланди.

2006 йил, 15 февраль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида (эски «Дўстлик» жамияти биноси) Саида Зуннунова таваллуди

дининг 80 йиллигига бағишилаб хотира кечаси бўлди. Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Сирожиддин Саййид тадбирни очди. Олим ИброҳимFaфуров мъруза қилди. Узбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад, Узбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиева, Жуманиёз Жабборов, Тўлан Низом, шоира Гулчехра Жўраева, С. Зуннунованинг шахсияти, ижоди борасида сўзладилар.

* * *

2007 йил, декабрь. Узбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад оламдан ўтди. Чиғатой кабристонида Саидахон ва Сайд Аҳмад ёнма-ён мангу уйқуга кетган.

2013 йил, 10 июнь. Узбекистон Президентининг Қарорига биноан Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Узбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад ва таниқли адиба, шоира Саида Зуннуновага муҳташам ҳайкал ўрнатилди. Бу ёдгорликнинг очилиши адабиёт ва маданиятимизнинг нурли байрамига айланди. Ёзувчилар, шоирлар, икки ижодкорнинг кўплаб муҳлислари ёдгорлик пойига гуллар кўйдилар, дил сўзларини айтдилар. Ушбу музайян лаҳзаларда мен ҳам ўз ихлосим, меҳрим ифодаси сифатида ушбу сўзларни айтдим.

САИД АҲМАД ВА САИДА ДОСТОНИ

Шундай тақдирлар бўладики, умр бўйи оловли гирдоблар, курашлар пўртганасидан ўтади, кураш алансасида тобланади, чиникади, чиниккан сари ўз халқининг тимсолига айлана боради. Адабиётимиз ва маданиятимизнинг икки забардаст вакили, ўтда кўймаган, сувда чўкмаган матонатли ва жасоратли шоира, адиба Саидахон ва Узбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад бугун ўз муҳлислари даврасига ҳаёт ва ижод йилларидан сўйлагани келди.

Талабалик кезларидаёқ эл назарига тушган Саида Зуннуновани ҳаёт доим синовларга ташлади. Келинчаклик либоси эскирмай туриб, Сайд Аҳмадни мустабид тузум Саидахондан юлиб олиб, Жезқозғон камоқхонасига жўнатди. Жезқозғондан Тошкентга, Тошкентдан Жезқозғонга учган мактублардаги инсон қалбининг

самими манзаралари, бинафшадай нафис ва бегубор севгининг оташин изҳори, ҳаётга муҳаббат, яхши кунларга ишонч Саид Аҳмадга далда берарди. Саидахонимда 40 қизнинг жасорати, 40 қизнинг назокати бор эди. Тазийқ ва машакқатлар ора у шеърлар битар, ишсиз қолган кезлари ёзувчиларнинг асарларини оққа кўчириб, тирикчилик қиласади, турмуш машакқатларидан заррача нолимасди. Букилмас иродали Саид Аҳмад тинимсиз ишлар, расм чизар, топган қалам ҳақини қарзи эвазига ўша пайтдаги Ёзувчилар уюшмасига юборарди. Зиёли, маърифатли ўзбек қизи сифатида Саида Зуннунова дилбар ғазаллари, оналик, аёллик бахти ҳакидаги ҳаётий ҳикоялари, драмалари, тошқин сойдай ўйноқи шеърлари билан халқимизнинг севимли санъаткор ёзувчисига айланди.

Саид Аҳмад билан ижодий мусобақалашиб, тер тўкиб меҳнат килди, меҳр-садоқат райхонлари гуркираб турган шеърий чаманзор яратди. Саид Аҳмад озодликка чиққач ҳам улар бетиним танқид ва маломат ўқларига нишон бўлиб турдилар.

Саидахонимнинг ой нуридай порлок сатрлари ўзбек Онасининг алласидай юракларга сингиб кетган. У одамларга ҳамдард бўлишни, ёрқин йўлларга чорлашни, Ватаннинг ҳар майса-гиёхини синглисидаи севишни ўргатди бизларга. Унинг ботиний гўзаллиги чехрасида намоён эди, маънавий латофат уни янада малоҳатли ва суюмли кўрсатарди.

Тақдирнинг битигини қарангки, у эндинга «орзу ҳавасларга имкон» топилганда чакмок урган дараҳтдай 51 ёшида орамиздан кетди. Яна икки Инсон ўртасида хижрон тоги ўси. Саид Аҳмад – улкан ёзувчи, публицист, ёшларнинг жонкуяр устози, Истиқлол куйчиси – Саидахоним ёди билан яшади, ёшларга хос ғайратшикоат билан ижод қилди. Бу икки буюк инсондан катта ижодий мерос, муҳаббат ва садоқат достони бизларга бебаҳо ҳазина бўлиб колди.

Мана, бугун ушбу қутлуг гулшанда улуғ Навоий нафаси кезиб юрган муборак кезларда Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорга ҳамсұҳбат бўлгани Саид Аҳмад ва Саидахоним мозийдан, хотира боғларидан келишиди. Энди уларни давр тўфонлари, таҳдидлар ажратолмайди.

Гүё бу икки захматкаш адиб тугалланмай қолган күләзмаларини варақлаб, ой ёғдусида ижод ва илхомга бериладилар. Бу хайкал халқымиз ардоклаган икки фарзандининг маънавий жасоратига кўйилган ёдгорликдир. Биз сув ичган дарёларимизга, маънавий кадриятларимизга яқинлашарканмиз, қудратли бўлиб бораверамиз. Мустақиллик пойдевори мустаҳкам бўлаверади.

Мустақилликдан сўнг ўз қадрини топган, эл-юргига чин дилдан хизмат қилган икки адиб ҳайкали қад кўтарган хиёбон адабиёт муҳлисларининг зиёратгоҳига айланажак...

Сүхбаттар гуми, давранинг зийнати

Таржимон, матншунос
Кибриё Каххорова ёнида



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Кибриё Қаххорова 1914 йил, 12 апрель куни Самарқандда, ўз даврининг фозил, билимдон кишиларидан бири бўлган мулла Лутфулла Махсум хонадонида дунёга келди. Илк сабокни отасидан олди. У 6 ёшида араб алифбосини мукаммал ўрганди. Шарқ адабиёти булоқларидан баҳраманд бўлди. Шу сабабли мактаб қошидаги саводсизликни битириш курсини аъло тутатди, олти ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб, бир муддат муаллимлик қилди. Қорининг кизи экан деб, ишдан бўшатишганини ҳикоя қилиб берарди бизга Кибриёхоним.

Ўша пайтда Самарқандда Тожикистон Давлат нашриётининг бўлими бор эди. Кибриё опа шу ерда арабча матнларни лотинчага кўчирувчи машинистка бўлиб ишга кирди. 1934 йили Душанбеда матбаа базаси ташкил топғач, бўлимга ҳожат қолмади ва бошқа ходимлар қатори Кибриёхон ҳам Душанбега кетди ва Тожикистон Давлат нашриётида аввал муҳаррир, сўнг бўлим мудири бўлиб ишлади. Ёзувчи Садриддин Айний таҳрири остида чиккан «Намунаҳойи адабиёти тожик» китобини тайёрлашда фаол қатнашди. 1940 йил. Кибриё Ленинград Давлат дорилфунунининг шарқ факультетига ўқишига кириш учун ариза берди. Машҳур шарқ классиги Бедилнинг 2–3 ғазалини теран таҳлил қилиб берган Кибриёни дорилфунунинг 4-курсига қабул қилишди. Шаҳарнинг Невский проспектида жойлашган Тожикистон Давлат нашриётининг бўлимида ҳам ишлай бошлади.

Уруш бошланди. Ленинград қамали кунлари дорилфунун казармага айлантирилди, йигитлар фронтга отланди, кизлар кисқа муддатли ҳамширалар тайёрлаш курсида ўқиб, кўпчилиги фронтга кетди. Қамалдан сал аввал нашриёт мухим қўлёзмалар билан Кибриё Лутфуллаевнани Душанбега жўнатган эди...

1943 йил. Кибриёхон армияга жўнаш учун ариза берди. Ҳарбий Комиссарлик уни Ўрта Осиё Ҳарбий округи ихтиёрига юборди ва Тошкентга келиши билан унга лейтенант унвонини берди. Тошкентда тожик тилида чикадиган «Фрунзечи» газетасига ҳарбий таржимон этиб тайинлади. У вақтинча муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қила бошлади. ·

Ўзбекистон радиоэшиттириш комитетининг раиси, олим Иzzат Султонов ҳузурига кириб, Кибриёхон опа Душанбеда ўзбек тилида газета бор, эшиттириш бор, нима учун Сизларда йўқ, деб мурожаат килганини айтади таржимаи ҳолида.

— Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, — дедилар Иzzат Отахонович, — бунинг учун муҳаррир керак, таржимон керак, диктор керак, машинистка керак, кисқаси бутун бир жамоа керак... («Чорак аср ҳамнафас», 21-бет).

Шундай қилиб, фидойи Кибриёхоним – муҳаррир, диктор, таржимон бўлиб, тожик таҳририяти ишларини йўлга кўйди. «Фрунзечи» газетаси Мустақиллик майдонида, радиокомитет эса Амир Темур хиёбонида эди, «Икки идора ўртасида бўзчининг мокисидай қатнаб юрибман» – деб ёзган эди Кибриёхон опа таржимайи ҳолида.

1944 йил, июнь. Таникли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаххор билан танишди. Тақдир уларнинг ҳаёт йўлларини боғлади. У катта адабиёт билан, бадиий адабиёт билан чинакам ошно бўлди. Чорак асрлик аҳил турмушда опа А. Қаххордан кўп нарсаларни ўрганди, ёзувчига муnis дўст, ҳамдам, сафдош, маслақдош бўлиб вафо қилди, бутун меҳру муҳаббати, билими, истеъоди, фазлу камоли, назокатини унга баҳшида этди.

Кибриёхоним Абдулла Қаххор билан танишганлари, учрашувла-ри, устознинг муҳаббати ҳакида сўзлаб берардилар:

— Мен Сизни ўртага қўйиб қасамёд қиласманки, ўша кўзингизга кўзим тушган кундан бошлаб Сиздан бўлак ҳеч қанақа аёл зоти ҳакида ўйлаганим йўқ. Биласизми, агар одам бир нарсага қаттиқ ёпишса, жуда тезда совиб қолади. Мен сизга бутун вужудим билан ёпишган эдим, шунинг учун ҳам ҳар гал учрашганимизда, «Илоҳим, кўлим қўлига тегмасин», деб ўзимни тайёрлаб борар эдим. Эътибор

килган бўлсангиз керак, мен ҳатто Сиз билан қўл бериб кўришганим йўқ...

Ана шу «изҳори дил»дан сўнг, *1945 йилнинг 12 апрелида*, тугилган куним арафасида, уруш тугашига 27 кун қолганда биз ЗАГСга бордик. Аммо гувохнома ёзилаётган вақтда «Ўша, кўзингизга кўзим тушган кун – 1944 йилнинг июнь ойи», деб ёздирилар.

Ўйга қайтиб келганимиздан кейин:

– Келинг, берироқ ўтиринг. Биласизми, факат боланинг ўгайи бўлади, хотиннинг ўгайи бўлмайди. Мен гўё дунёга келиб, кўз очиб илк бор сизни кўраётгандайман, – дедилар (Абдулла Қаххор).

* * *

– Устознинг талабчанликлари сабаб бўлиб, мен забардаст адаб Лев Николаевич Толстой қаламидан чикқан «Уруш ва тинчлик» эпопеясининг таржимасига журъят қилдим.

Она боласининг тетапоя бўлиши, мустақил қадам ташлаши учун қанча уринса, нечоғлик жон қуидирса, устоз ҳам менинг ўзбек тилини мукаммал ўрганишим, яхши таржимон бўлишим учун шунчалик сабру матонат билан ҳаракат қилганлар.

«Уруш ва тинчлик» эпопеяси биринчи жилдининг таржимасида деярли иштироким йўқ, факат машинкадан чиқариб берганман, холос. Иккинчи жилдини шу тарзда таржима қилдик: иккаламизнинг қўлимизда бир нусхадан оригинал. Мен қўлимдан келганича таржима қиласман, устоз ҳатоимни тузатиб, қоғозга ёздилар. Учинчи жилдини кундузлари мен таржима қиласман, кечкурунлари туттагтан қисмимни улар пешма-пеш кўриб, таҳрир қилиб чиқадилар. Тўрттинчи жилдини биргаликда таржима қилиш насиб этмади. Уни мен ўзим, устоз мактабидан олган сабокларимга суюниб таржима қилдим! – ёзади Кибриёхоним «Чорак аср ҳамнафас» китобида (F. Ғулом номидаги НМИУ, Тошкент – 2007 йил).

Таржимонлик иши жуда катта масъулият, катта билим, хаётий тажрибани ҳам талаб этади. Фақат тилни билишнинг ўзи бу мурраккаб санъатда камлик қиласди. Жаҳон адабиёти дурданаларидан ҳисобланган бирор асарни таржима қилишда ўша асар яратилган тарихий шароитни ҳам, мазкур ҳалқ рухини, урф-одатларини ҳам

теран англаш, яхши билиш талаб этилади. Ҳар бир халқ тилининг нозик жилваларини илғаш, энг муҳими, муаллиф меҳнатига мухаббат ва хурмат билан ёндошмок ҳам керак. Кириё Қаххорова таржимасидаги асарда ана шу талбларга тўла риоя килинган.

Форс-тожик адабиёти намояндаларининг ҳикоят, ривоят ва ҳикматларидан ўзбекчага килинган таржималар, Садриддин Айнийнинг «Эсадиқлар»ининг ўзбек тилига, А. Қаххорнинг «Ўтмишдан эртаклар» киссасининг тожик тилига таржимаси Кириёхонимнинг маҳоратли таржимон эканидан нишонадир. К. Қаххорова Гоголнинг «Ревизор» (А. Қаххор билан биргаликда), М. Горькийнинг «Она» романини ҳам ўзбек тилига ўгирган.

Айникса, унинг дўсти, сафдоши, умр йўлдоши А. Қаххор хақидаги «Чорак аср ҳамнафас» хотиралар китобини, архивидаги асарларни авайлаб, асраб матбуот учун тайёрлагани адабиётимиз учун қимматли ишдир.

ЁШЛАРНИНГ ТАЛАБЧАН УСТОЗИ

Мен Абдулла Қаххор ва Кириёхоним довругини мактаб партасидаёқ эшитган, уларни кўриш орзусида юрганман. У пайтларда халқ ёзувчини кўрса, Хизрни кўргандай суюниб юради. Кириёхоним учрашувларга, адабий давраларга, ўзлари айтгандаридай, чевархоналарга ҳам Абдулла Қаххор билан бирга боришарди.

1957 йил. Кизилтепанинг Тошработ қиплоғи. Ҳамма ёқда дувдув гап: А. Қаххорнинг хотини жуда хушрой экан. Тошработдаги мактабдаги учрашувдан сўнг, Бўстонга – бизнинг донғи кетган мактабимизга ўтишлари керак эди. Афсуски, учрашув қолдирилди, улуғ ёзувчини кўриш ўшанда насиб этмади. У кишини талабалигимда кўрдим. Ҳозирги ЎзМУнинг Ҳадрадаги биносидаги филология факультети Мажлислар залида «Тобутдан товуш» асарининг муҳокамаси бўлган. Баҳсада қатнашганман. Ўшанда ҳам Кириёхоним адаб ёнида эдилар.

1965 йил. Ёш ижодкорлар семинари сўнгида Ёзувчилар уюшмасининг ҳозирги Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги биносида А. Қаххор билан кизғин сухбат бўлган. Фоят савлатли, кумушдай

соchlари ўзига ярашган, камгап, топиб сўзлайдиган устоз ёшларга ёкиб колган. Сухбат асносида Кибриёхоним ҳақида савол беришиди.

— Кибриёхон моҳир пазанда, уй бекаси ва яна мен учун кўп фойдали фазилатлари бор, — деганлар жилмайиб.

Ўша йиллари менинг ижодимга ҳам алоҳида эътибор бериб, тинимсиз оқ йўллардан ҳимоя қилиб, «Литературная газета»да, бу мактовлардан Ойдиннинг ўзи ҳам хижолат, деб ёзганлар. Бир сухбатларида Гулчехралар, Ойдинлар замони келди, деб мактаганлар. Бу фикрда албатта, Кибриёхонимнинг ҳам овозлари бор эди.

* * *

1972–1973 йиллар. Кибриёхоним хонадонининг кўп бора меҳмони бўлганман. А. Қаххор яшаган ғоят муҳташам ва файзли уйга Санъатхон Махмудова билан борардик, марокли сухбатларининг шайдоси эдик. Мўъжазгина ошхонада тансик таомларни биз билан тайёрлаб, мўл-кўл дастурхон атрофида ўтириб, кунни кеч қиласардик. Бизга оила илмидан, рўзғор санъатидан сабоқ берар, оғизда зриб кетадиган кўлбола ҳалво билан сийлар, «фатири Кибриёни» билан кўнглимизни олардилар. Абдулла Қаххорнинг арузда ёзган аччик хажвларини завқланиб ўқиб берар, рафиқининг дилкашлигини мақтаб-мақтаб хуморидан чикарди. 6 яшарлигида отаси ўргатган арабча ҳарф ўйинларини шеърий йўсинда шариллатиб ўқиб берар, гоҳ Лутфулла Махсум ғазаллари билан бизни мафтун этарди.

Бу сухбатларимиз кейинрок Дўрмондаги боғ ҳовлига кўчди.

ЁН ДАФТАРДАГИ АРЗАНДА САТРЛАР

1977 йил, 12 июль. Кибриёхон опанинг сухбатида бўлмабсиз, дунёга келмабсиз. Бундай моҳир пазанда, сухандон, билимдон сухбатдош камдан-кам топилади. Латифа, мафтункор ғазаллар, Абдулла Қаххор ҳакида хотиралар, теша тегмаган иборалар ҳар галги учрашув мавзуси бўлади. Холидахон Ахророва билан бирга бизни тушликка таклиф этдилар. Нимадандир иймандик шекилли, Холидахон опа нима олиб борайлик, дедилар ва бирдан кулиб юбордилар.

Кибриёхон опа нима деб жавоб берибдилар, денг:

- Бўрининг уйи сўнгаксиз бўлмас, келаверинглар. Ҳеч нарсанинг кераги йўк...

ҚЎШНИ ЙИГИТМАНМИ?

Кибриёхоним билан Абдулла Қахҳор янги турмуш курган йиллари. Кибриёхоним чиройли дастурхон тузаб, Абдулла акани нонуштага чақирди:

- Абдуллажон ака, келинг, дастурхон тайёр.
- Нима, мен сизга қўшни йигитманми, Абдулла ака деб чақирасиз, – ўпкаланди Абдулла Қахҳор.
- Нима деб чақирай?
- Мирза Абдуллажони хоса, деб чақиринг...

Ўша-ўша Кибриёхоним лутф билан у кишига дердилар:

*Мирза Абдуллажони хоса,
Қаймақи рўйи коса.*

Устоз бу лутфдан ғоят хурсанд бўлиб, ичларида кувониб қўярдилар. Бу лутфда беҳад меҳр-муҳаббат хисси борлигини туярдилар.

АЙБИМИЗ НИМА?

Кибриёхоним эрларига ҳеч качон бепардоз кўринмасдилар. Доим чиройли кийиниб, атирупа, ўсмалар қўйиб, чакнаб юрардилар. Бир куни нима бўлади-ю пардозга кечикадилар. Кўчага чиқиш керак бўлганда, пардоз курси олдига келганларида, Абдулла аканинг кўзлари тушади:

- Ҳа хоним, бизнинг гуноҳимиз нима? Кўчадагилар учун безаниб чикасиз-у, бизга қолганда бепардоз кўринасиз?

Кибриёхоним табиатидаги зеболик, мунтазамлик сўнгти нафасигача у кишини безаган фазилат бўлди.

* * *

Кибриёхон опа ғазалларни қиёмига етказиб ёд ўқирдилар. Сўнг узбек тилида мазмунини тушунтирадилар.

*Дидамки, ёр мераваду аз пасаш рақиб,
Гуфтамки, умр мераваду марг аз қафош...*

Яъни: *Кўрдимки, ёр бородур, рақиб борар ортидан,
Айтдимки, умр ўтадир, изидан борар ажал...*

Ёки: *Уштурба гуфтам: гамза кун,
Полизро вайрон карду рафт...*

*Туяга ўйнаб бер, дедим,
Полизни пайхон айлади...*

Адабиёт, шеърият бирлаштирган давралар қанчалар шукухли, олийжаноб бўлади, кўнглини ўстиради, фикрни бойитади, дилни кувончга, гўзалликка, нафосат нурига тўлдиради...

Озод Шарафиддинов, Сайд Аҳмад, Эркин Воҳидов, Пиримкул Қодиров, Одил Ёкубов, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Неъмат Аминовлар А. Қаҳхорнинг боғида, шаҳардаги ҳовлисида тез-тез давра қуриб туришарди.

... – Кибриё Қаҳхорова мевалари ғарк пишган боғдай (даврада) савлат тўкиб турардилар. Тебрансалар шеър тўкиларди, лутф ёғиларди. Ҳофиз, Хайём, Бедилнинг байтлари сочиларди. Опамизда манман деган шоирлар ҳавас қилса арзигулик нозик таъб, тиник хотира, шеърий сўз хисси мавжуд эди. Кибриё опадек завқ билан, иштиёку назокат билан, байтларнинг тагдор маъноларини англаб, шарҳ қилиб шеър ўқимок, менинг назаримда, унча-мунча шеър ёзмоқдан афзалроқ эди, – эътироф этади Ўзбекистон Каҳрамони Эркин Воҳидов («Чорак аср ҳамнафас»).

* * *

Кибриёхон опа тез-тез күнғирок қилас, мендан ҳол-аҳвол сўардилар. Ойдинпошша, Моҳтобхон, деб эркалардилар. Бир куни телефон жиринглаб колди.

– Ҳа, хоним, нима бўлди? Ишдагилар бетоб дейишди.

– Товонимга туз йиғилибди. Оғриқ бераяпти, – дедим.

– Ҳай-ҳай, зинҳор бундай дея кўрманг. Ойдин Ҳожиевани шўр босибди, деб ҳамма хушторларингиз кочиб кетади, – ҳазиллашдилар у киши.

Ўша пайтлар бошим очик эди, Кибриёхон опа шунга ишора килдилар.

СУҲБАТИ ЖОНОН

Абдулла Қаххорнинг Дўрмондаги боғи обод, унинг этагидан шо-вуллаб сой оқиб ўтар, шифил олча тугадиган дараҳт ва чинор тагида ёғоч сўри ўрнатилган эди. Бу сўри сой салқинида яна ҳам хушхаво кўринар, Кибриёхон опанинг сұҳбатига чорларди бизни. Дўрмон Ёзувчилар ижод уйининг четан деворларига туташиб кетарди боғ. Кенг ҳовли сахнида зина билан чиқладиган шийпондан ям-яшил далалар, Чотқол тизмалари кўриниб, ажиб манзара ҳосил қиласарди. Ижод уйига дам олишга чиқкан ёзувчи ва адібаларни Кибриёхон опа меҳмонга чорлар, дастурхон тузар, адабий сұхбатларнинг ма-ликаси бўларди. – Абдулла акангиз учун тинимсиз янги таомлар ту-рини ўйлаб топардим, мевали дараҳтларни пайвандлаб, янги мева кўчатига айлантирадим, дерди ўз сұхбатларида.

– Қани, Ойдинпошша, олча териб тушинг, палов олча билан хушхўр бўлади, – дедилар.

Бир кун эрталабдан боғ йўлакларини супурдим. Сўри тепасида-ги олчага чиқиб, олча тера бошладим. Бир маҳал қарасам, Аскад аканинг аёллари Розахоним келяптилар. Дараҳт тепасидан туриб, салом бердим.

– Айдинжон, сен ёш қизча эмассан, катта шоирасан, туш да-раҳтдан. Қўлингга супурги ҳам ушлама, – десалар борми!

Хижолат бўлдим. Кибриёхон опа, хонимнинг рашки келди, деб қўя қолдилар.

Ёзувчилар ижод уйига кираверишда ҳукумат раҳбарларининг ҳашаматли боғи бор эди. Ҳафтада бу боғ эгалари учун 2 марта сут, қатиқ, қаймоқ келарди маҳсус машинада. Кибриёхоним ҳам уларга мижоз эдилар:

– Юринг, Ойдинпошиша, сут-каймок олиб келамиз. Кейин мактаниб юрамиз фалончиев билан бир сигирдан сут эмишганмиз, деб – йўл-йўлакай кулдирадилар ҳамроҳим.

Кибриёхоним ширинзабон эдилар. Айни пайтда аччик танбеҳларга ҳам усталиги бор эди.

Суҳбат чоғида бир кун савол бердилар:

– Хўш, Моҳтобхон, мана, Иброҳимжон ишдан келдилар. Қандай кутиб оласиз?

– Салом бераман. Яхши келдингизми, – деб сўрайман.

– Бунақа килманг. Эшикдан киришлари билан, курбонингиз бўлай, яхши келдингизми, деб пешоналаридан ўпиб қўйинг!

– Вой, ҳеч бундай қилмаганман. Ҳайрон бўлсалар керак, нима бало бўлди, деб...

– Ҳар куни бир янги сўз, янги таъриф топинг, эр киши меҳрга, мактовга муҳтож бўлади, билиб қўйинг.

Ҳар йили боғда 17 сентябрь куни А. Қаҳхор шогирдлари, сафдошлари учун дийдор байрами бўларди. Душанбедан Кибриёхон опанинг опалари Истатхон, Марҳабоҳон опа, Самарқанддан укалари Ҳикматулла, Ҳабибулла, сингиллари Мухаррамхон аялар келишар, хизматда бўлишарди...

Кибриёхон опа қайси даврага кирса, суҳбатни қизитар, барчани оғзига қаратар эди. Гурунг авжига чиқар, йиғилганларнинг баҳри дили очилар эди.

Ён дафтардан.

Кибриёхоним сўйлайди, мен мафтун тинглайман.

- Лайлининг вафотидан сўнг Қайс кўр бўлиб қолибди.
- Мени Лайлининг қабрига олиб боринг, – деб сўрабди у.
- Биз Лайлининг қабрини билмаймиз, – дейшишибди.

— Қабристонга борсам, ўзим топиб оламан, — дебди у. — Унинг тупрогоидан ишқ ҳиди келади.

Қайс (Мажнун)ни қабристонга олиб боршишибди. У ҳар бир қабр тенасида туриб, тупрогоини ҳидларкан. Нихоят, бир қабр тупрогоини ҳидлаб, ўша гўр устида жони узилибди. Ўша қабр Лайгининг сўнгги макони бўлиб, ундан ишқ ҳиди келган экан.

* * *

Суҳбатимиз дастурхон одобига уланади. Кибриёхоним қадим китоблардан ўқигани, фозиллардан эшитганини бизга чиройли қилиб сўзлайди:

— Ҳакимлар очқаб-очқаб овқат танаввул қилишади. Обидлар тез-тез тўйиб ейдилар. Кексалар терлагунча, ёшлар товоқда овқат қолмагунча, зоҳидлар кам-кам овқат ейишар экан.

Қаландарлар шу қадар кўп таом ер эканки, на қоринларида бўш жой, на нафас олишига имкон қолар экан.

Баднафслар икки кеча ухломас эканлар икки важдан: бири – очликдан бир кеча, иккинчиси – бўкиб овқат еб, қоринлари оғриганидан...

— Холосани ўзингиз чикаринг – таъкидлайди доно суҳбатдошим, яна ибратли ҳикматлар айтади.

Бир фозил демиши:

— Мен кексайганда сочимни қорага бўяганим ёшлик гуноҳларимни тақрорлаш учун эмас, қаршикка мотам учун қора кийганимдир.

Яна айтадилар:

— Агар тилинг боғлиқ бўлмаса, билки, оёгингда занжир бўлади.

— Ҳикмат шундайин дараҳтки, унинг томири кўнгилларда ўсади...

Кибриё опанинг суҳбатлари кўнглимизни кўтарар, аклимиизни чархлар, хаётга тийрак кўз билан карашга ўргатарди.

1996 йил, август. Зулфияхонимнинг вафоти опани анча маъюс қилиб кўйди.

Устознинг «Композиторлар» кўчасидаги уйларига Кибриёхоним билан бирга таъзияга бордик. Опа анча хомуш, камгап бўлиб

колдилар. Қадрдон дўсти, яқини орадан кетгани у кишининг кўнглини паришон килган эди...

Сентябрь ойининг бошларида шоира Шарифа Салимова қизини турмушга узатди. «Чорлади»сига Кириёхонимни олиб келинг, деб илтимос килди. У кишига қўнғирок килдим.

— Келаверинг, келгунингизгача сўнгги холимни кўйиб, тайёр бўлиб тураман, — дедилар ҳар галгидай.

Йўлда, Марказий универмаг биноси олдида нимадир бўлди-ю, машинада анча кутиб қолдик.

— Ойдинпошиша, — дедилар ҳамроҳим бироз гинадор, — биз ҳақимизда ҳам ёсасизми? Ё ҳамма гапни «Қаҳрамон» опангизга айтиб бўлиб, биз учун колмадиму?

Сергак тортдим. Дарров жавоб бердим.

— Кириёхон опа, умрингиз узок бўлсин! Сиз ўтган билан ер тўядими? Дилемда Сизга атаган яхши гапларимнинг қаймоғи турибди...

Сўзимдан қаноат ҳосил қилдилар шекилли, яна гап ҳазилхузилга ўтиб кетди.

— Шарифахон киз чикарса ҳам янги келинчакка ўхшайди, нозанин-да!

1996 йил, 26 сентябрь. Кириёхоним ўтганларида биз дам олишда эдик. Келсак, бу ноxуш хабар. Дунё бўшаб қолгандай ғариб эди. Зулфияхонимни йўқотиш аламлари кетмай туриб, Кириёхоним ҳам бу бебако дунёдан ўтдилар, водариг. Хурмолар олтиндай сарғайиб ётган файзли ҳовлида Кириёхонимни йўқлаб дўстлар, дугоналар, шогирдлар жам бўлишди... Мұҳаббат Фозилхўжаева – опанинг жонажон дугонаси эхтиром билан сўзлар, Кириё опа боши ерга киргунча дастурхон ёзиб, шогирдлари, адабиёт мухлисларини меҳмонга чорлади, деб бот-бот такрорларди. Кириёхонимнинг жиянлари Но-дира, Хуршидахон у кишининг хурматини жойига кўйишиди.

Анча пайт бир нарсамни йўқотгандай, опанинг сухбатларини кўмсаб соғиниб юрдим. Раҳматлик чиройли кийиниб, хурмо тагида дастурхон ёзиб, бир ёнида эски машинка...

Тез-тез тушимга кирав, соғинчим аланга олар эди. Бизни йўқлаб туринг, деганлари қулоғимда акс-садо берарди. Шундай туйғулар

били хотира ёздим, Иброҳим ака «Миллий Тикланиш» газетасида чикардилар-у мен ҳам таскин топдим. Опанинг тушларимга кириб умидвор бокишлари тўхтади.

БИЗНИ ЙЎҚЛАБ ТУРИНГ...

Табиат уни дилбар ва зебо қилиб яратганди. Унинг тили ғазал билан чиқиб, ғазал айта туриб дунёдан ўтди! Абдулла Қаҳхор дейилганда мухаббат шевасида сўзларди у...

Кибриёхоним сухбатида бўлган киши ўзини фасоҳат гулшанига кирган одамдай сезарди. Форс-тожик шеърияти, Шарқ ғазалиётини ҳеч бир олим аёл бу каби таҳлил, аruz вазнини нозик тадқик этолмас эди. Албатта, унutilmas олим, зукко адабиётшунос Тўхтасин Жалолов сухбатлари Шарқ шеъриятининг фусункор мазмуни билан тўла эди. Зулфиябегим, Саидахонимнинг инсоний дард ва меҳр тўла ўз сатрларини ёд ўқиганини тинглаб, Инсон сухбатининг бу кадар дилкаш ва самимилигидан мутаассир бўлган кезларимни кўп эслайман. Бахор осмонидай тиник хотирали олим, шоира Музайяна Алавиянинг gox Чўлпон, gox Фитрат, gox Усмон Носир, gox Фузулий, gox шоҳ Машрабдан ёд ўқиган ғазаллари, айтган турфа ривоятлари ҳамон қулогимда жаранглаб туради. Зулфияхонимнинг муnis чехрасида нур балкиб, ўз устозлари, сафдошлари хакида айтган хотираларини соғиниб хотирлайман. Ул муборак сиймолар ўтган йиллар каърларида колиб кетдиларми? Бизга ёлғиз сўзлари мерос колдими?

Кибриёхоним сухбатлари – инсон дийдорининг мунааввар шодликлари – мен учун азиз ва унutilmasdir.

– Ойдинпошша, бир келинг, биз ғарибларни ҳам йўқлаб туринг, – кўнғирок қилардилар Кибриё опа.

Бахорда хурмо гули файзига чулғанган мўъжаз ҳовлидаги чоққина сўрида Кибриёхоним дастурхон ёзардилар. Кеч кузакда баргидан ҳам кўпроқ ҳосилини кўз-кўз килиб, хурмо тилладай товланиб турган офтобли ҳовли саҳнида мулойим овозда Кибриёхоним gox Ҳофиздан, gox Саъдийдан, Лоҳутийдан, Мирзо муаллимдан эҳтирос ва завқ-шавқ ила ғазаллар ўқирдилар. Устоз Қаҳхор

ҳакида сўз кетганда у киши гул-гул очилиб, турли ҳангомалар, саргузаштлар, адаб қаламига мансуб шеърий ҳажвияларини ёд айтар, ўzlари ҳам яйраб кетардилар. Одоб ва нутк маданияти, кийиниш одоби хусусида ғаройиб ҳикоятлар бехисоб эди ул зоти олияниң биссотларида.

Суврати ҳам, сийрати ҳам гўзал аёл эди у. Кулса кўзларида қора чакмок чақнамиди? Қоп-қора пайваста қошлари тутаб ётарди. Жингалак соchlарини ўзига ярашиқли қилиб доим бир хил турмаклаб юрарди. Мен уни ўттиз йил доим шундай қўркам ва барваста, сулув қиёфада, меҳмоннавозлиқда кўриб ўрганганман. Қачон ҳузурларига борсам, келинчакдай ясаниб, кулиб остоnада қарши олардилар. У кишининг равиш-рафторида хонимлик сифати бор эди, кибриёлик бор эди. Бирор жойга бирга бормоқчи эсак, фалон соатда келаверинг, унгача мен сўнгги холимни қўйиб бўламан, дердилар лутф аралаш.

Бу маърифатли аёл бир кун ҳам қаламни қўлдан кўйган эмас. Шифохоналарда ҳамрохи қалам, кўзойнак ва сандалдай китоблар, ёки Абдулла Қаххорнинг қўлёзмалари бўларди. Газета ва журналларни синчиклаб ўқирдилар. Тилдаги сакталиклар, хатоликлар, чалкашликлардан безовта бўлиб, дарров матбуот орқали жавоб қиласардилар. Бу лукмалар бировга ёқса, ўзгаларга хуш келмасди. Унинг табиатидаги бундай талабчанлик, муросасизлик устоз Абдулла Қаххордан ўтганди.

Абдулла Қаххор билан Кибриёхоним нафакат ёстиқдош, балки сафдош, маслакдош, қўлдош, маслаҳатдош ва мисоли устозу шогирд эдилар. Ўзбек, тоjик ва рус тилини Кибриёхоним мукаммал билардилар, тоjикчадан ўзбекчага, ўзбек тилидан тоjик тилига, рус тилидан ўзбекчага бемалол таржима қилиш маҳоратига эга эдилар. Албатта, бундай истеъдод аввало худодан ато этилган қуввайи ҳофиза, тинимсиз изланиш, мутолаа, ички интизом ва кучли ирода мужассамлигидандир. Унинг олти ёшида ёдлаган ғазалларини саксон ёшида ҳам равон ва фаровон айтишидан хайратга тушардим.

Кибриё опа айтардилар:

— Абдулла Қаҳхор вафотидан сўнг бир йил ҳам яшамасам керак, деб ўйлагандим. Ҳамма нарсаларимни жигарларимга улашиб берганман. Мана, йигирма саккиз йилдан бери яшаб юрибман.

Кибриёхоним ҳаётининг бирор лаҳзаси Абдулла Қаҳхор ёдисиз кечмаган. Унинг номини Абдулла Қаҳхорсиз айтиш ҳам мумкин эмас. Кибриёхоним ботиний кудрат соҳибаси ҳам эди. У елиб-югуриб 1987 йилда Абдулла Қаҳхор уй-музейини ташкил этди, бу осон кечгани йўқдир. Ҳар йили дастурхонлар ёзиб, сентябрь ойининг 17 сида – Абдулла Қаҳхор таваллуд топган куни унинг шогирда мухибларини чорларди. Абдулла Қаҳхор оламдан ўтган куни бу хонадонда ҳар йили мухлислар, шогирдлар, сафдошлар унинг ёди учун жам бўларди. Лекин бирор маъракада ундай қилдим, бундай қилдим деб писанда этмади, ҳар гал бундай йигинларда Абдулла Қаҳхорнинг фазилатларидан сўйлади, унинг ичакузди ҳангомаларидан айтиб, кўнгилларни шод қилди.

— Бу жихатдан Ойбекнинг рафикаси Зарифаҳоним ва Абдулла аканинг хотини Кибриёхоним жуда катта савоб ишни бажаришди. Улар йифи-сиғи килиб, мотамга бурканиб ўтирумадилар, балки чинакам ёзувчининг сафдоши, шогирди каби ўз ҳаёт йўлдошлари ишларини поёнига етказдилар, абадийлаштиридилар, – дердилар жаннатмакон устоз Зулфияхоним.

У меҳмонига жонини нисор килгудай севинарди, Кибриёхоним Абдулла Қаҳхордан сўйлаб беришни буюк давлат биларди. Абдулла Қаҳхор қўли теккан ҳар парча коғозни азизу анбиё биларди. Унинг фарзанди ҳам, мероси ҳам, дўсти ҳам, ҳабиби ҳам Абдулла Қаҳхорнинг кўлёзмалари эди.

1996 йил, 17 сентябрь. Кибриёхоним бизни яна меҳмонга чақирди. Даврада шоиралар қалдирғочдек тизилишиб, Кибриёхонимни тинглардик. Ғазал ривоятга, ривоятлар латифаларга, ҳикматларга уланарди. Шарқ шеъриятининг латифлиги, теран мазмунни, нозик кочиримлари, пурмъяно ташbihларини бизга ўзбекчалаб тушунтириб берарди у.

*Оқарган сочимдан кулма, эй нигор,
Ҳар том бўғотига ёгар дайди қор.*

(Лоадрийдан, таржима бизники).

Турсуной Содикова, Бахшанда Болтаева, Шарифа Салимова, Дилбар Махмудова. Ҳалима Худойбердиевалар йиғилган даврага озгина кечикиб бордим.

— Оёгингиз остида ғилдирагингиз бўлса ҳам, кечикиб юрасизми, Моҳтобхон, — эркалаб коййиди Кибриёхон опа. — Майли, ҳали сухбатнинг қаймоғи турибди...

Кибриёхоним гоҳ ўзбек, гоҳ тожик, гоҳ форсийда ширали овоз билан ғазал ўқийди. Ҳазрат Навоий, Жомий, Бедил, Лоҳутий байтларининг «жони»да ёниб турган ҳикмат гавҳарлари, маъни дурлари дилни сеҳрлайди, ром этади. Аруз вазнининг ипакдай пишик руқнларидан ҳарорат сочилади. Шавк жаранглайди...

Сўнг устоз Абдулла Қаҳхор ҳаётига оид ажиб воқеалар, лутфли ҳазиллар, адибнинг ҳажвий ғазаллари кўнгилга чирок ёқади. Шарқ мутафаккирларининг ҳазил ва истехзо аралаш доно латифаларию Абул Фарожнинг ичакузди хангомаларидан мириқиб сўзлаганда Кибриёхоним офтобдай чараклаб кетар, ора-орада дастурхонга каранг, деб меҳмоннавозлик қиласди ширинзабон мезбонимиз... Сухбат, гурунг олови юракларни иситиб, уч соатлик фурсат ҳам ўтиб кетганини билмай қоламан.

— Опажон, менга ижозат, мажлисим бор эди, — дейман ийманиб.

— Ҳали шеър ўқиб бермадим-ку, — дейди фозила мезбоним мени яна ҳайратга солиб, ваҳоланки уч соат Шарқ мумтоз адабиётининг афсунгар ғазаллари юрагимни дарёга айлантирган, бу ажиб сухбатдан сира узилгим келмаса ҳам, барибири шошар эдим.

Ҳар бири тўқис шеърдай дилбар сухбатдошларим билан ҳайрлашдим. Ҳали ҳам баркамол, кўхлик, дурқун келинчакникидай қошлари пайваста, овози ўқтам, кўзлари чараклаган Кибриёхоним дарвозагача кузатиб чиқдилар, шошганимдан андак гинадалар...

Бу сухбатнинг сўнгги дийдор эканлигини қайдан билибман? Бу сулув ва кибриё аёл – олима, таржимон, матншунос фозила инсон билан сўнгги учрашув экан, ҳайҳот! Пардозлари ўзига ярашган, бирозгина йиллар юқидан комати эгилган, сухбати дилкаш одамижон Кибриёхонимнинг ўша оstonада туришлари хотирамда абадий муҳрланиб қолди. Донолар айтган экан, бу дунё бир карvonсарайдир, бир эшигидан кириб, иккинчи эшигидан чикиб кетаверасан.

Бу кўхна саройга келиб кетадиганлар кўп. Юракларга эзгулик ва фасоҳат гулларини сочган инсонларгина мунаввар хотираларга айланниб қоладилар.

Буюк ўзбек адаби Абдулла Қаҳхор ижодини, ёдни асраб-авайлаб, йигиб, яхлитлаб авлодларга, она ҳалқига мукаммал бир асардай колдирган, ўзини шу боис ҳам баҳтиёр ҳисоблаган Кибриёхоним Қаҳхорованинг азиз чехраси адабиёт ва маданият муҳлисларига доим «хуш келибсиз» деб пешвуз чикаверади. У доимо Абдулла Қаҳхор хонадонининг, уй-музейининг унутилмас ҳазинабони бўлиб гойибона сұхбат қуради ўкувчиши билан, Аллоҳ раҳмат қилсин!

Форобий кўчасидаги Чифатой қабристонида буюклар сукути кезиб юради. Ана, Абдулла Қаҳхорга ёнма-ён қора мармар ёдгорликда мафтункор Кибриёхоним сиймоси нур сочади. Оҳиста гул кўяман. Тиловат қиласман, сукут аро ширали, қувнок бир овоз янграгандай бўлади:

— Қани, ғазал ўкиб берайми?..

Ҳа, Рух абадий деса ишонмоқ керак. Назокатли шоирам Сайдахоним топиб айтганлар. Рухларни йўқлаб, хобгоҳларини обод қилмоқ савобига не етсин...

1996.

ГУРУНГ ДАВОМ ЭТАДИ

2004 йил, 12 апрель. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Мажлислар залида Кибриё Қаҳхорова таваллудининг 90 йиллигига бағищланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирни уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очиб берди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, ҳалқ ёзувчиши Пиримкул Қодиров, олим Ҳафиз Абдусаматов, Қорақалпоғистон ҳалқ шоири Гулистон Матёкубова, шоира Фарида Афрӯз, адабиа Олмос Аҳмедова, адабанинг жияни Нодира Жалолова сўзладилар.

Озод Шарафиддинов Кибриё опа ва Зулфия шахсияти фазилатларини ёшларга сингдириш керак, улар хақида китоб ёзиш керак, деб куюниб гапирди. Анжуман ёшлар мушоирасига айланниб кетди. Дугоналар маслаҳати билан хотира кечасини бошқариш менинг чекимга тушди.

* * *

* Ҳар йили 17 сентябрь Абдулла Қаххор, 12 апрель Кибриёхоним туғилган кунлари А. Қаххор уй-музейида шогирдлар, мухлислар билан гавжум бўлади. Уй-музей директори, Кибриёхонимнинг жияни Нодира Жалолова ва Хуршидахон ёзувчининг чироғини ёкиб, обод манзил қилиб, адабий гурунглар ўтказадилар.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ям-яшил саҳнда улуг' ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаххор ҳайкали савлат тўкиб турибди. Салобатли ҳайкал ўрнашган тош курсида бир кишилик жой буш. Йиллар ўтиб унинг ёнида Кибриёхоним ҳайкали бўлсайди, деб орзу қиласман.

* * *

Самарқанд шаҳрида адиба туғилиб ўсган маҳалладаги кўча Кибриёхонимнинг Қаххорова номи билан аталади.

МУНДАРИЖА

БАХТИМ ШУЛ – ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН

Ўзбекистон халк шоири Зулфия Исроилова ҳакида	
эсдаликлар	3

ЮРТИМ, ЭСЛАЙСАНМИ МУЗАЙЯНАНИ

Фольклоршунос олима, шоира <i>Музайяна Алавияни</i> хотирлаб.....	69
---	----

ОДАМЛАР, АВАЙЛАНГ БИР-БИРИНГИЗНИ

Адиба, шоира <i>Саида Зуннунова ёди</i>	99
---	----

СУҲБАТЛАР ГУЛИ, ДАВРАНИНГ ЗИЙНАТИ

Таржимон, матншунос <i>Кибриё Қаҳҳорова ёнида</i>	133
---	-----

Адабий-бадиий нашр

Ойдин ҲОЖИЕВА

ТҮРТ ТАНХО

Күнгил ривоятлари

Мухаррир *A. Саъдулла*

Рассом-дизайнер *X. Кутлуқов*

Техник мухаррир *Л. Хижсова*

Кичик мухаррир *Д. Ҳолматова*

Мусаххих *Ш. Орипова*

Компьютерда саҳифаловчи *К. Галдобина*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.09.

Босишига 2013 йил 16 октябрда рұхсат этилди.

Офсет көғози. Бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$.

«Times New Roman» гарнитурасыда

офсет усулида босилди. Шартлы босма табоги 8,83+0,93 вкл.

Нашр табоги 5,86+0,93 вкл.

Адади 2000 нұсха. Буюртма № 13-350.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нағриёт-матбаса ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz